

81
Ш 75

Ў.Ш.Шокиров,
М.Н.Алимжонова

ЎЗБЕК ТИЛИ

Тошкент – 2004

Ў.Ш.Шокиров,
М.Н.Алимжонова

ЎЗБЕК ТИЛИ

Тошкент Автомобил ва йўллар институтининг
русийзабон гуруҳлари талабалари
учун ўқув қўлланма
(Қайта ишлаган ва тўлдирилган 2-нашри)

Тошкент – 2004 й.

Тақризчилар: Филология фанлари доктори,
профессор Э.Умаров,
филология фанлари номзоди,
доцент Ш. Абдураимова.

Муҳаррир: А.Аҳмедов

Буюртма №170
Формат 60/84 ¹/₁₆

Бос. Табоғ V=9,75
Адади 500

Тошкент Автомобил ва йўллар институти.
2 – нашри, 2004й.

СЎЗ БОШИ

1991 йил 1 сентябр Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни деб эълон қилинди. Жаҳоннинг кўпчилик мамлакатлари бирин – кетин мустақиллигимизни тан олди. Ўзбекистон БМТга ва кўпчилик нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди. Республикамининг ўз тараққиёт йўлини тўғри белгилаб олиши, дунё миқёсида обрўсининг ўсиб бориши, ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлди, албатта. «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикасининг ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожлантириш учун шароит яратади»¹, – дейилади Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида.

Миллий тиларни ҳар томонланма ривожлантиришдаги омиллардан бири республикамизда яшовчи турли миллатларнинг ўз тилларини ва Давлат тилини пухта ўзлаштиришдан иборат. Шунинг учун ҳам республикамиздаги барча олий ўқув юртларида ўзбек тили кафедралари ишлаб турипти. Русийзабон мактабларда ўзбек тилини ўқитиш соатлари кўпайтирилди, гуруҳлар иккига бўлиниб ўқитилмоқда. Республикамизда яшовчи турли миллатлар учун ўзбек тилини ўрганувчи курслар Вазирлик Маҳкамалари, давлат идоралари, ишлаб чиқариш корхоналари, олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларида яхши фаолият кўрсатди.

Бу ўз навбатида олий ва ўрта махсус билим юртлари ҳамда мактабларнинг русийзабон гуруҳларида, ўзбек тилини ўрганувчи курсларда ўқитиш самарадорлигини ошириш учун ўзбек тили фани бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар, дастурлар, луғатлар, изоҳли луғатлар, ўзбекча – русча – инглизча, русча – ўзбекча – немисча ва бошқа тилларда сўзлашгичлар тайёрлаш ишларини тезлаштиришини тақозо этади.

«Ўзбек тили» ўқув қўлланмаси республикамиздаги техника олий ўқув юртларининг русийзабон гуруҳларида ўзбек тилида ўқиш, гаплашиш ва ёзиш кўникмасини ҳосил қилиш, такомиллаштириш ниятида яратилди.

Техника олий ўқув юртларининг русийзабон гуруҳларини битириб чиқаётган мутахассислар ишлаб чиқариш жараёнида ва кундалик турмушда маҳаллий аҳоли билан яқиндан мулоқотда бўлиши табиий. Шунинг учун ҳам мазкур ўқув қўлланмада ўзбек тилини рус

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 1994 й. 13 – бет.

тилига қиёсан ўрганишга катта аҳамият берилди. Шу билан бир қаторда, матн материалларини танлаш, уларга луғат ҳамда адабий ва грамматик топшириқлар тузишда, грамматик қоидаларни ўзбек ва рус тилларида тавсифлаш, машқлар тузишда касб — ҳунарга оид сўзлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қилинди.

Қўлланма амалий ва назарий қисмдан иборат.

Амалий қисм бадиий — илмий адабиётлар, газета ва журнал материалларидан тузилган матнлардан, уларга тайёрланган адабий ва грамматик топшириқлардан, машқлардан ташкил топган. Матнлар адабий, илмий, ахлоқ — одоб, фан, маданият ва санъат арбобларининг, адабиёт намояндаларининг ҳаёти, ижоди, меҳнат қаҳрамонларининг фаолияти, техника институтлари мутахассислигига доир мавзулар асосида тузилган бўлиб, улар бўлажак муҳандис мутахассисларнинг ўзбек халқининг тарихи, ўтмиш маданияти, тили, урф — одатлари ва анъаналарини, бутунги кундаги тараққиёти, меҳнатдаги ютуқлари билан танишишига кўмак беради деб умид қиламиз.

Назарий қисмда русийзабон гуруҳлари учун ёзилган шунга ўхшаш ўқув қўлланмалардан фарқли равишда фонетика, морфология, синтаксиснинг асосий қоидалари ўзбек ва рус тилларида берилди. Бу талабалар учун ҳам, педагоглар учун ҳам маълум қулайликлар туғдиради.

Суҳбатлар, улар асосида тузилган кичик — кичик луғатчалар, машқлар тузиш ва жой — жойига қўйишда талабаларнинг ўзбек тили грамматик қоидаларини мукамал ўзлаштиришларига, оғзаки ва ёзма нутқларини ўстириш, луғат бойлиқларини кўпайтиришга алоҳида аҳамият берилди.

Мазкур ўқув қўлланманинг юзага келишида олий ва ўрта махсус ўқув юр்தларининг русийзабон гуруҳлари ва русийзабон мактабларида ўзбек тилини ўқитиш бўйича чоп этилган дарслик ҳамда қўлланмалар, ўзбек тилшунослигида яратилган ўқув — методик адабиётлар илмий — услубий жиҳатдан асос қилиб олинди.

Қўлланманинг сўз боши, ўзбек ва рус тилларидаги грамматик қисмлари, матнларнинг асосий қисми ва қисқа луғатчалар профессор Ғ.Ш.Шокиров, матнларнинг техникага доир қисми ва уларга илова қилинган луғатчалар катта ўқитувчи М.Н.Алимжонова томонидан тузилган.

1-§. КИМ БИРИНЧИ БЎЛИБ САЛОМ БЕРИШИ КЕРАК

Ёши катта одам билан ёши кичик одам учрашса, албатта, кичик биринчи бўлиб салом беради. Лекин қўл узатиш ҳамиша каттадан. Одамлар тўпланган хонага кирсангиз, бунда шубҳасиз, сиз олдин салом беришингиз шарт. Бир киши олдига иккинчи киши келса, албатта, келган киши олдин салом беради.

Бу яхши одат қадимдан инсоний фазилат ҳисобланади.

Бир мисол келтирайлик. Тахминан 2000 йил илгари Ҳиндистонда «Мону қонунлари» деган китоб ёзилган. Унда «Ёши катталарга биринчи бўлиб салом берувчилар тўрт нарсага эришади: узоқ умр кўради, билимли, обрўли ва кучли бўлади», дейилган.

Аслида эса камтар, одобли киши қачон мен салом беришим керагу, қайси пайтларда бошқалар менга салом бериши лозим деб ўйламайди. Бундай кишилар ҳамиша биринчи бўлиб салом берадилар.

ЛУҒАТ

учрашмоқ	— встретиться (встречаться)
ҳамиша	— всегда
хона	— комната, кабинет
албатта	— обязательно
келмоқ	— прийти
ҳисобланади	— считается
камтар	— скромный
мисол келтирмоқ	— привести пример
тахминан	— примерно
қонунлар	— законы
узоқ умр	— долгая жизнь
кучли	— сильный
дейилган	— сказано
ўйламайди	— не думает

Топшириқ:

1. Матни ифодали ўқинг.
2. Матндаги товуш ва ҳарф муносабатига эътибор беринг.

ФОНЕТИКА

ЎЗБЕК АЛИФБОСИ. ТОВУШ ВА ҲАРФ МУНОСАБАТИ

Ўзбек тилида 33—та ҳарф (а, б, в, г, д, е, ё, ж, з, и, й, к, л, м, н, о, п, р, с, т, у, ф, х, ц, ч, ш, э, ю, я, ў, қ,ғ,ҳ) ва 2—та белги (ь,ъ) бор.

Рус алифбосидан фарқли равишда, ўзбек алифбосида товушларнинг ўзига хос хусусиятларини ифода этувчи ў,қ,ғ,ҳ товушлари мавжуд. Рус алифбосидаги ш,ы товушлари эса ўзбек алифбосида йўқ.

Ўзбек тилида олтига унли товуш бор: а, о, и, у, э, ў. Унли товушлар ёзувда ўнга ҳарф билан ифода этилади: а, о, и, у, э, ў, е, ё, ю, я.

Ўзбек тилидаги ундош товушлар эса қуйидагилардан иборат: б, в, г, д, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ.

В узбекском языке 35 букв. Из них 33 служат для обозначения соответствующих звуков, а 2 буквы никаким звукам не соответствуют (ь,ъ):

а, б, в, г, д, е, ё, ж, з, и, й, к, л, м, н, о, п, р, с, т, у, ф, х, ц, ч, ш, э, ю, я, ў, қ, ғ, ҳ.

В отличие от русского алфавита в узбекском имеются буквы ў,қ,ғ,ҳ, передающие специфические узбекские звуки, и отсутствуют буквы ш и ы.

В звуковой структуре узбекского языка имеется шесть гласных: а, о, и, у, э, ў. Они обозначают на письме с помощью десяти букв: а, о, и, у, э, ў, е, ё, ю, я.

Согласные звуки узбекского языка состоят из следующих звуков: б, в, г, д, з, й, к, л, м, н, п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ, ў.

1-машқ. Ўқинг, сўзлардаги унли товушларни аниқланг. Баъзи товушларни рус алифбосидаги товушларга қиёсланг.

Мақтаб, маъно, Раъно, лагерь, пальто, қалам, Ғайрат, ўртоқ, олма, одам, мақтаб, июль, журнал, жийда.

2-§ КЕЧИРИМ СЎРАШ

Кечирасиз ёки узр.

Кечиринингизни сўрайман ёки афв этинг.

Кечирасиз, буни мен билмасдан қилибман.

Кечикканим учун афв этасиз (кечирасиз).

Кечиринг. Сизни хафа қилмоқчи эмасдим.

Кечиринг. Сизни безовта қиламан.

Безовта қилганим учун кечиринг.

Марҳамат, ҳечқиси (зарари) йўқ.

Ҳечқиси (зарари) йўқ, эътибор берманг (ташвишланманг).

Марҳамат, аҳамияти йўқ.

Кечирасиз. Сизга ҳалал (ҳалақит) бердим.

ЛУҒАТ

кечирасиз	— извините
афв этинг	— простите
билмасдан	— не зная. (не понимая)
безовта қиламан	— беспокою
марҳамат	— пожалуйста
ҳалал (ҳалақит) бермоқ	— мешать
билмоқчи эдим	— хотел узнать
арзимаЙди	— не за что (пожалуйста)

Топшириқ:

1. Матннинг мазмунини оғзаки баён қилинг.
2. е, ё, ю, я ҳарфларининг тагига чизинг ва талаффузига эътибор беринг.

Е, Ё, Ю, Я ҲАРФЛАРИНИНГ ИШЛАТИЛИШИ ВА ИМЛОСИ

Бу ҳарфлар сўз бошида, айриш ва юмшатиш белгиларидан кейин ҳамда ундидан сўнг келганда икки товуш (йэ, йо, йу, йа) ни билдиради.

Е ҳарфи:

А) енг, елпигич, едирмоқ, подъеза, етди каби сўзларда бўгин бошида ёки айриш белгисидан сўнг, емиш, едирмоқ, етук каби сўзларда айриш белгисидан сўнг, емиш, едирмоқ, етук каби сўзларда айрим бўгинни ташкил этганда, самодержавие, телевидение каби сўзларнинг охирида ёзилади;

Б) икки ундош орасида ёки очиқ бўгин э тарзида талаффуз қилинадиган товуш ўрнида ёзилади: мен, сен, тез, ҳеч, кеча, девор, декабрь, депутат, перо, печак каби.

Ё ҳарфи:

А) сўз ва бўгин бошида келганда ёхуд ўзи айрим бўгинни ташкил этганда йо (й – о) ўрнида ёзилади: ёд, ёз, ёстиқ, диёр, сиёҳ, саёҳат, зиёфат, биёбон каби.

Б) баъзи русча – байнаминал сўзларда юмшоқроқ талаффуз этиладиган ундошдан сўнг келадиган о ўрнида ёзилади: зачёт (зачёт), режиссёр (режиссьор), самолёт (самольот), пулемёт (пулемьот) каби.

Ю ҳарфи:

А) сўз ёки бўгин бошида келган ёхуд ўзи айрим бўгинни ташкил қилган йу (й – у) ўрнида ёзилади: юпқа, юрт, юксак, буюк, туюқ, туюлмоқ, юган, юзаки, юмор, юмуш, муюлиш каби;

Б) баъзи русча — байналмилал сўзларда юмшоқроқ талаффуз этиладиган ундошдан сўнг келганда у ўрнида ёзилади: парашют (парашьут), бюджет (бьуджет) каби.

Я ҳарфи:

А) сўз ёки бўгин бошида келган ёхуд ўзи айрим бўгинни ташкил этганда йа (й—а) ўрнида ёзилади: яйлов, якка, якшанба, суяк, ноябрь, мия, қия, яна каби;

Б) баъзи русча — байналмилал сўзларда юмшоқроқ талаффуз этиладиган ундошдан кейин келадиган а ўрнида ёзилади: сентябрь (сентябрь), октябрь (октябрь), отряд (отрьад) каби.

Йотированные звуки: е, ё, ю, я. Йотированные звуки — это собственно звуко сочетания типа:

1. й—а—я: яхши (хороший), якшанба (воскресенье), ярим (половина), яшил (зелёный);

2. й—у—ю: юз (лицо), буюк (выдающийся), буюк (великий), ютуқ (успех), юзаки (поверхностно);

3. й—о—ё: ёш (молодой), ёз (лето), ёстиқ (подушка), ёки (или), саёҳат (путешествие);

4. й—э—е: ер (земля), етим (сирота), етти (семь), емиш (еда).

Следует отметить, что в русской орфографии функции букв е, ё, ю, я не ограничиваются только передачей йотированных а, о, у, э. В отличии от соответствующих узбекских букв они служат также и для обозначения смягчения предшествующего им согласного звука. Например: лейтенант (льэйтэнант), лён (льон), люди (льуди), тюльпан (тьульпан), тягость (тьагость).

2-машқ. Сўзларни ўқинг, е, ё, ю, я ҳарфларнинг ҳар бири нечта товушни ифодаляётганини аниқланг.

Ёз, юз, яна, дарё, монтёр, булоқ, бюро, съёмка, князь, сеялка, отряд, пьеса, июнь, сюжет, юрист, ядро, пенсия, правление, эҳтиёт, буюрмоқ, костюм.

3-§. СИЗНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИНГИЗ

Мен, Муродов Азиз, 1965 йил 18 октябрда Бухоро вилояти Пешку тумани, Афсона қишлоғида туғилдим. Отам жамоа хўжалиги фермасида зоотехник бўлиб ишлайди. Онам 233—хунар—техника билим юртида ўқитувчи. Акам жамоа хўжалигида механизатор. Опам Бухоро тўқимачилик комбинатининг Янгибозор филиалида ип йигирувчи бўлиб ишлайди.

Укам Бухоро шаҳрида 41—билим юртининг автослесарлик бўлимида ўқимокда.

Мен 1972 йилда Эрнест Тельман номи ўрта мактабга ўқишга кирдим. 1982 йили ўқишни тугатиб, туман йўл қурилиши участкасида ишладим.

1984 йили ҳарбий хизматдан қайтгач, Бухоро йўл қурилиши ўрта махсус билим юртига ўқишга кирдим. Ҳозир ўз меҳнат фаолиятим бошланган туман йўл қурилиши бўлимида уста бўлиб ишляяпман.

ЛУФАТ

туғилдим	— родился
Тошкент шаҳрида туғилди	— родился в городе Ташкенте
ўқитувчи	— учитель (ница)
ўқишга кирдим	— поступил учиться
тўқимачилик комбинати	— текстильный комбинат
ишламоқ	— работать
уста бўлиб ишляяпман	— работаю мастером

Топшириқ:

1. Матнга саволлар тузинг ва уларга ўзингиз жавоб қайтаринг.
2. ў, қ, ғ, ҳ ҳарфларнинг тагига чизинг ва талаффузига эътибор беринг.

Ў, Қ, Ғ, Ҳ ҲАРФЛАРНИНГ ТАЛАФФУЗИ

Рус тилидаги у унлисига қараганда ўзбек тилидаги у унли товуши қисқароқ талаффуз қилинади.

Масалан: гул, туш, узум, учун, кул.

Чуқур тил орқа ундошлари: қ, ғ, ҳ товушлари к, г, н (нг) товушлари пайдо бўладиган ўриндан ҳам орқароқда ҳосил бўлади.

Ҳ ҳарфи ифодаланган товуш х ундошига нисбатан юмшоқроқ талаффуз этилади ва қуйидаги сўзларда ёзилади: ҳодиса, ҳолат, ҳаракат, ҳимоя.

Звук у произносится более кратко, чем русское у. Например:
Сравните:

В узбекском языке

Бу (этот, эта, это)
Гул (цветок)
Туш (слезай, опустишь)
Шу (этот, эта, это)

В русском языке

Бунт
Гул (грохот)
Тушь (водяная краска)
Шум (гам, гомон)

Звук қ — глубокоязычный, глухой, при его произношении задняя часть языка смыкается с задней частью мягкого нёба, чем и отличается этот звук от русского к, в образовании которого участвует средняя часть языка. Например:

Сравните:

В узбекском языке	В русском языке
қорин (живот)	канун
қариндош	карандаш
(родственник)	котёл
қотил (убийца)	кол (кольшек)
қўл (рука)	

Звук **ғ** глубокозаднеязычный, звонкий, в конце слова несколько оглушается, в русском языке отсутствует. Например: ғам (печаль), ғор (пещера), уруғ (семена), боғ (сад).

Звук **ҳ** произносится выдыханием воздуха из гортани, чем и отличается от русского **х**, являющегося заднеязычным, фрикативным звуком. Например:

Сравните:

В узбекском языке:	В русском языке:
ҳодиса (событие, случай)	Ходить
ҳолат (ситуация)	Холод
ҳаракат (движение)	Характер
ҳимоя (защита)	Химия

3-машқ.

Сўзларни ўқинг ва уларни тўғри ёзганингизни текширинг.

Қалдирғоч, қалпоқ, қанд, қари, қарор, қаҳрамон, ғайрат, ғазаб, ғор, ғоз, ғарбий, ғоя, қорбобо, ғалаба, ҳаво, ҳаёт, ҳайдовчи, ҳарбий, ҳарф, ҳафта, ҳақиқат, ҳунар.

4-§. МЕҲРИБОНЛИК ВА МАРҲАМАТ БАЁНИДА

Бир куни ҳидоят насабли Амир (Алишер Навоий – Ў.Ш.) аср намозини адо қилгандан сўнг, кундалик одатига қарши, намозда бўлмаганларни суриштиришга киришмай, тезлик билан ўзининг хусусий боғчасига қараб йўл олди ва бирор жойда тўхтамасдан етиб борди. У чоғда Амир олдида бўлган одамлар ҳайрон бўлишди. Олий ҳазрат улардаги бундай фикрни англаб, гавҳар сочувчи тил билан шундай деди:

Мен масжидга келаётганимда, фалон жойда таҳорат қилган эдим, намоз сафига турганимда елкамда бир чумолини кўрдим.

Билдимки, таҳорат қилган жойда у менга илашган экан. Мабодо у менинг елкамдан тушиб, озор топса ва ўз уясининг йўлини топа олмаса ва шу сабабдан уволига қоларман деб қўрқдим.

Шунинг учун намоздан кейин тезлик билан таҳорат олган жойга бориб, уни уяси оғзига қўйдим ва озор етказиш ташвишидан қутулдим.

Олий ҳазратнинг хизматидагилар бу ҳикояни эшитгандан кейин, унинг ғоят раҳмдиллигидан ҳайрат денгизига чўмдилар ва қўлларини дуога ва раҳматлар айтишга очдилар.

Хондамирнинг «Мақоримул—ахлоқ» асаридан.

ЛУҒАТ

бир кун	— однажды
намоз	— молитва
хусусий боғча	— собственный сад
тез	— быстро
елка	— спина
чумоли	— муравей
уя	— гнездо
мабодо	— если
ҳикоя	— рассказ (новелла)
раҳмат	— спасибо

Топшириқ:

1. Матнга саволлар тузинг ва саволлар асосида унинг мазмунини сўзланг.
2. Матндаги гапларнинг бир нечтасини бўғинларга ажратиб ёзинг.

БЎҒИН

Бир ҳаво зарбида айтилган айрим бир товуш ёки товушлар йиғиндисини бўғин дейилади. Бўғинларнинг тузилишида унли товушлар муҳим роль ўйнайди, унли товушларсиз бўғин тузиламайди. Шунинг учун ҳам сўздаги бўғинлар сони унлилар сонига тенг бўлади. Масалан, пахтакорларимиз сўзида б—та унли, б—та бўғин бор: пах—та—кор—ла—ри—миз; тонг сўзи эса бир бўғиндан иборат.

Бўғинлар икки хил бўлади: очиқ бўғин ва ёпиқ бўғин. Унли товуш билан битган (ёки унлидан иборат бўлган) бўғин очиқ бўғин: му—но—за—ра, о—на, ваъ—да, ва—зи—фа каби; ундош товуш билан битган бўғин ёпиқ бўғин саналади: мак—таб, қум—лоқ, меҳ—нат—каш, шод—лик каби.

Икки ёки ундан ортиқ товушдан таркиб тошган бўғинларда товушлар қуйидаги тартибда жойлашган бўлиши мумкин:

1. унли — ундош: из, уч, эл;
2. ундош — унли: ло—йи—ҳа, ба—рал—ла, ра—ке—та;

3. ушли – ундош – ундош: авж, ақл, аср, икс, узр, уфқ;
4. ундош – ушли – ундош: қоч, куй, кез, туш;
5. ундош – ундош – ушли: про(за), бро(непоезд), бри(гада), бло(када);
6. ундош – ушли – ундош – ундош: ваҳм, густ, нақш, сайр;
7. ундош – ундош – ундош – ушли: стра(хование), стра(тегия);
8. ундош – ундош – ундош – ушли – ундош: стрел(ка), справ(ка), штраф;
9. ундош – ундош – ушли – ундош – ундош: фронт, транс(порт), штамп.

Бўғиннинг савод чиқаришда (биринчи синфда сўзлар бўғинма – бўғин ўқитилади), шеърятда (бармоқ вазнида) маълум аҳамияти бор. Бундан ташқари, ёзувда бир йўлга сигмай қолган сўзнинг қисмлари иккинчи йўлга бўғин асосида кўчирилади.

БЎҒИН (СЛОГ)

(В процессе речи струя воздуха, проходящая через речевой аппарат, течёт не единым непрерывным потоком, а волнообразно, толчками, которые разделены определёнными интервалами.

Один или несколько звуков, произносимых между этими интервалами, т.е. одним толчком воздуха, называются *с л о г о м*.

Слова могут быть односложными: у (он, она, оно), бор (имеется); двусложными: она (мать), бола (ребёнок); трёхсложными: ғалаба (победа), қарағай (сосна); четырёхсложными: ўқитувчи (учитель); пятисложными; момақалдироқ (гроза).

В узбекском языке встречаются следующие типы слогов:

1. один гласный: о-на, у-ка;
2. согласный – гласный: да-ла, бо-ла;
3. гласный – согласный: ош, от;
4. согласный – гласный – согласный: кел, йўқ;
5. гласный – согласный – согласный: ост, уст;
6. согласный – гласный – согласный – согласный: тўрт, қирқ).

4-машқ.

Қуйидаги сўзларни бўғинларга ажратинг ва қандай ясалганлигини айтиб беринг.

Аввал, алоқа, баланд, баҳор, дарахтзор, ишламоқ, даволамоқ, ўқувчи, зафар, меҳнатсевар, сингил, эълон, оила, танга, кўнгил.

Намуна: ав – вал.

5-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ГЕРБИ

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X Сессиясида 1992 йил 3 июль куни тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби гуллаган водий узра чарақлаб турган қуёш тасвиридан ҳамда ўнг томонида буғдой бошоқлари, сўл томонида очилган пахта чаноқлари сурати туширилган чамбардан иборатдир. Гербнинг юқори қисмида Республика жипслигининг рамзи сифатида саккиз қиррали юлдуз тасвирланган: саккиз қирра ичида жойлашган яримой ва юлдуз мусулмонларнинг қутлуғ рамзидир. Герб марказида ҳиммат, олижаноблик ва фидойилик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қуши қанотларини ёзиб турибди. Ушбу рамз ва тимсоллар халқимизнинг тинчлик, яхшилик, бахт—саодат, фаровонлик йўлдаги орзу—умидларини ифодаловчи уч рангдаги чамбар бандига «Ўзбекистон» сўзи битилган.

«Герб» сўзининг тарихи ҳақида қисқача маълумот:

«Герб» сўзи немисча «эрбо» сўзидан олинган бўлиб, шоҳлар ва ҳукмдорларга давлат, сарҳад, ҳудуд ва бошқа насдан—наслага мерос қолувчи мулк белгисини англатади.

Бундан 2500 йил муқаддам Эрондан Олтойга қадар чўзилган улкан сарҳадда ҳукм сурган қадимги турк хони Уғузхон даврида ҳам туркча «тамға» сўзи айнан шу маънони билдирар эди. 12 асрнинг машҳур тарихчиси Рашиддин Хамадоний «Танланган тарихлар» номли китобда шаҳодат беришича, Уғузхон ўз мол—мулкни ўғилларига улус сифатида кичик давлатларга бўлиб, инъом этган. Ушбу давлатлар ҳукмдорлари ҳам ўзларининг хонлик тамғаларига эга эди. Кўриниб турибдики, «тамға» сўзининг маъноси немисча «эрбо» сўзининг маъносига тўла мос келади.

ЛУГАТ

Давлат герби	— государственный герб
гуллаган водий	— цветущая долина
буғдой бошоқлари	— колосья пшеницы
яримой	— полумесяц
афсонавий Ҳумо қуши	— легендарная птица Хумо
ҳУДУА	— территория
фидойилик	— самоотверженность
тинчлик	— мир
бахт—саодат	— счастье
ҳиммат	— щедрость
давлат ҳукмдорлари	— правители государства

Топпириқ:

1. Матннинг ўқинг, мазмунини айтиб беринг.
2. Матндаги сўз урғуларини топинг.

ЎЗБЕК ТИЛИДА УРҒУ

Сўз бўғинларидан бирининг алоҳида оҳанг билан айтилишига у рғу дейилади.

Ўзбек тилида урғу одатда сўзнинг охириги бўғинига тушади: макта`б, кито`б, қала`м, қора`, она`, бола`. Сўзларга қўшимча қўшила бориши билан урғу ҳам сўзнинг охириги бўғинига кўча боради: пахта` – пахтага`, бола` – болага`, хизматчи` – хизматчиларда`н.

Бироқ, тилда урғу олмайдиган қўшимчалар ва элементлар ҳам мавжуд. Хусусан, равиш ясовчи – ча, – дай, – дек, сўз ўзгартирувчи – мен, – сен, – миз, – сиз; бўлишсизлик қўшимчаси – ма ва – ку, – у, – ю, – ми, – чи юкламалари урғу олмайди.

Сўз урғуси сўзларнинг маъноларини ажратишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Масалан: сузма` (ҳаракат) – су`зма (предмет); йигитча` (кичрайтириш маъносидаги от – (йиги`тча) равиш кабилар.

(В узбекском языке ударение большей частью падает на последний слог слова: мактаб (школа), китоб (книга), қалам (карандаш), қора (чёрный), она (мать), бола (ребёнок).

С присоединением к основе того или иного аффикса ударение переходит с основы на последний из присоединяемых аффиксов.

Например: пахта (хлопок) – пахтага, бола (ребёнок) – боладан, хизматчи (служащий) – хизматчилардан.

5-машқ.

Лексик (сўз) урғу ва логик (гап) урғунинг аҳамиятини тушунтиринг.

1. Ҳамма, жами, ишчй, радио, трактор, атлас (мато), атлас (географик атлас).

2. А) Мен кеча қишлоқдан келдим.

Б) Мен кеча қишлоқдан келдим.

В) Мен кеча қишлоқдан келдим.

6-§. ЮНУС РАЖАБИЙ

Таниқли бастакор, хонада ва созанда, ўзбек халқ музика меросини тўпловчи, академик Юнус Ражабий 1897 йилда Тошкентда туғилган. Юнус Ражабий аввал мадрасада ўқиган. Кейинчалик у 1919–1922 йилларда Туркистон халқ консерваториясида, 1934 йилда Тошкент олий музика мактабининг тайёрлов курсида, 1940–1941 йилларда Москвада ташкил этилган бастакорлар курсида таълим олган.

У 1925–1926 йилларда Ўзбекистон радиокomiteти қошидаги халқ чолғу асбоблари ансамбли ташкилотчиси ва бадиий раҳбари, 1942–1945 йилларда Тошкент вилоят Янгийўл драма театрининг бадиий раҳбари, 1959–1976 йилларда Ўзбекистон телевидениеси ва радиоэшиттириш Давлат комитети ҳузуридаги мақом ансамбли ташкилотчиси ва бадиий раҳбари вазифаларида ишлаган.

Ю.Ражабий ўзбек музыкали драма жанрининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Дастлаб у «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид, 1926), «Рустам» (У.Исмоилов, 1933), «Аваз» (А.Ҳидояттов, 1935), «Холискон» (Ҳамза, 1940) каби спектаклларга халқ ашулалари асосида куйлар басталаган. Кейинчалик «Қўчқор Турдиев» (С.Абдулла, Чустий, 1942), Б.Надеждин билан ҳамкорликда «Қасос» (А.Умарий, Уйғун, 1941), «Фарҳод ва Ширин» (К.Яшин, 1944), О.Ҳалилов билан «Нодира» (С.Қосимов, Л.Маматхонов, 1942–1943), Г.Мушель билан «Муқанна» (Ҳ.Олимжон, 1943), Б.Зейдман билан «Ўғил уйлантириш», (Ҳ.Фулом, 1964), С.Жалил билан «Навоий Астрободда» (И.Маҳсумов, 1968) сингари музыкали драмалар яратган. Ю.Ражабий: «Фабрика яллasi», «Бизнинг даврон», «Ёр–ёр», «Мирзачўлда тўй», «Ўзбекистон», «Қаҳрамонлар ҳақида кўшиқ», «Ватан ҳақида кўшиқ», «Халқлар дўстлиги», «Баҳор келди», «Шодлик», «Ёр келди», «Дутоналарга», «Қошки», «Гул барги», «Ғалаба», каби куй, хор асарлари, маршлар, «Ўйин баёти», «Ўйин дугоҳи», «Пахта» сингари рақс куйлари муаллифидир.

У кенг халқ оmmasига истеъдодли хонанда сифатида ҳам яқиндан танилган эди. Унинг репертуаридан «Гиря», «Нолиш», «Кўча боғи», «Эшвой», «Курд», «Қаландари», «Шаҳнози гулёр», «Баёт», «Қаро кўзим», «Дугоҳи Ҳусайни», «Чоргоҳ», «Мискин», «Насруллоҳи» каби мақом йўллардаги ашула ва куй циклари мустаҳкам ўрин олган.

Ўзбек музыка меросини тўплашда Ю.Ражабийнинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди.

Юнус Ражабийнинг ўзбек музыка ва кўшиқ санъати камолотидаги катта хизматлари муносиб тақдирланди. 1958 йилда унга «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилди. У 1966 йилда Ўзбекистон ФА ҳақиқий аъзоси бўлди. 1973 йилда Ю.Ражабийга Республика Давлат мукофоти берилди.

Ўзбек музыка санъатининг улкан арбоби Юнус Ражабий 1976 йилда Тошкентда вафот этди. 1997 йилда Юнус Ражабийнинг 100 йиллик юбилеи нишонланди. Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшганлиги учун у 2000 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

ЛУҒАТ

бастакор	– композитор
хонанда	– певец
созанда	– музыкант
куй	– мелодия

ашула	—	песня
музыка мероси	—	музыкальное наследие
тайёрлов курси	—	подготовительное отделение
бадий раҳбар	—	художественный руководитель
ташкilotчи	—	организатор
музикали драма	—	музыкальная драма
мақомчилар ансамбли	—	ансамбль макомистов
қомус	—	энциклопедия

Топшириқ:

1. Матни ифодали ўқинг ва унинг мазмуни ҳақида тушунчангизни сўзланг.
2. Матндаги юмшатиш белгиларининг тагига чизинг. Юмшатиш белгисининг вазифаларини тушунтиринг.

АЙИРИШ ВА ЮМШАТИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

1. Айириш белгиси (ъ).

а) Сўз ўртасида келган е, ё, ю, я ёки а, у унларини аввалги ундошдан ажратиш учун ёзилади: съезд, субъект, подъезд, съёмка, журъат, суръат, маълум.

б) Баъзи арабча сўзлардаги унли товушнинг чўзиқроқ талаффуз қилинишини ифодалаш учун ёзилади: маъно, эълон, маълум.

2. Русча – байналминал сўзлар таркибида юмшоқ ундошдан сўнг ёзиладиган юмшатиш белгиси (ь) ўзбек ёзувида ҳам сақланади: январь, февраль, пьеса, фестиваль, медаль.

Аммо бундай сўзлар охирига аффикс қўшилганда юмшатиш белгиси ёзилмайди: январь – январда, фестиваль – фестивалда, медаль – медални.

В узбекском языке твёрдый знак используется в целях разграничения и удлинения звуков.

1.Разграничение имеет место в следующих случаях:

а) В русско – интернациональных словах для отделения звуков: е(йэ), ё(йо), ю(йу), например: съезд, субъект, съёмка, подъезд;

б) для отделения гласных а, у от передних согласных, например: журъат (смелость), суръат (темп), маълум (известный).

В узбекском языке мягкий знак (ь) не выполняет никакой определённой функции, но в русско – интернациональных заимствованиях он сохраняется, например: январь, февраль, пьеса, фестиваль, медаль.

Конечный мягкий знак опускается, когда это слово принимает аффиксы: январь – январда, фестиваль – фестивалда, медаль – медални).

6-машқ. 1. Айириш ва юмшатиш белгиларининг вазифаларини тушунтиринг.

Раъно, маъно, эълон, санъат, сьезд, қалъа, суръат, стиль, лагерь, судья, октябрь, пальто, шинель, ателье, лаъл, таълим, аъзо.

2. Мисолларни давом эттиринг:

октябрь — октябрда
лагерь — лагерда
шинель — шинелнинг

7-§. АВТОМОБИЛЬ ТУРЛАРИ

Автомобилнинг транспорт, махсус ва пойга хиллари бор. Транспорт автомобиллари: энгил автомобиллар, автобус ва юк автомобилларига бўлинади. Махсус автомобиллар маълум ишлар учун мўлжалланади ва тегишли жиҳозлар билан бутланади. Ўт ўчириш, санитария, сув сепадиган автомобиллар, автовешкалар, автокранлар махсус автомобиллар ҳисобланади. Пойга автомобилларини автомобил спортида ишлатилади. Автомобилнинг барча асосий механизмларини тўрт гуруҳга: двигатель, куч узатмаси (трансмиссия), бошқариш механизмлари ва юриш қисмига бўлиш мумкин. Автомобил таркибига кузов ҳам киради. Двигател, асосан, автомобильнинг олд қисмига ўрнатилади, лекин двигатели орқага ўрнатилган автомобиллар ҳам бор. Бу «Запорожец» энгил машинасидир.

Автомобилларга бензин билан ишлайдиган карбюраторли двигателлар ўрнатилади. Катта юк автомобилларига огир ёнилғи: керосин, лигроин билан ишлайдиган двигателлар ўрнатилади. Карбюраторли двигателларда ёнувчи аралашма электр учқунидан ўт олдирилади. Огир ёнилғи билан ишлайдиган двигателларда эса ёнилғи сиқиш натижасида дарров қизиб, ёнади. Двигателдан қувват автомобилнинг етакчи филдиракларига трансмиссия механизмлари сўқали узатилади. Трансмиссия механизмларига фрикцион муфта, узатмалар қутиси, кардан узатма, асосий узатма киради. Қувват аввал двигательнинг тирсақли валидан фрикцион муфтага, ундан узатмалар қутисига, узатмалар қутисидан, кардан узатмага, ундан кейин эса энг асосий узатмага берилади. Қувват асосий узатмадан дифференциал ва ярм ўқлар орқали автомобилнинг етакчи филдиракларига ўтказилади.

Бошқариш механизмлари руль бошқармаси ва тормоз тизимини ўз ичига олади. Автомобилнинг юриш қисмига рама, осма (ўрнатиш мосламалари), ўқлар, филдираклар ва шинаялар киради.

ЛУҒАТ

махсус	— специальный
асдоб — ускуна	— оборудование
ўт учирини	— тушение пожара
филдирак	— колесо
ёнилғи	— горючее



ўрнатилади
аралашма
қувват
узатмалар қутиси

– устанавливаются
– смесь
– энергия, мощность
– коробка передач

Топшириқ:

1. Матнга саволлар тузинг ва саволларга ўзингиз жавоб қайтаринг.
2. Мустақил равишда дўст, ўртоқ, жўра, биродар каби синонимлар ва яхши – ёмон, оч – тўқ, бор – йўқ, оз – кўп, оқ – қора антонимлар иштирокида гаплар тузинг.

ЛЕКСИКА

ОМОНИМЛАР, СИНОНИМЛАР, АНТОНИМЛАР

Омонимлар. Ёзилиши бир хил, маънолари ҳар хил бўлган сўзлар

о м о н и м л а р дейилади. Масалан:

1. от – ҳайвон номи;
2. от – ҳаракат;
3. от – кишининг исми.

Бу мисоллардаги от аслида бир неча сўз бўлиб, улар талаффузи ва ёзилиши бир хил бўлганлиги сабабли бир сўздек тасаввур қилинади, аммо ҳар хил маънони ифодалайди.

Синонимлар. Умумий маъноси бир хил, ёзилиши ва қўшимча маънолари ҳар хил бўлган сўзлар с и н о н и м л а р дейилади: бет, юз, чеҳра, башара. Бу сўзлар аслида бир тушунчани ифода этиб, шу тушунча доирасидаги қўшимча (эмоционал) маъноси билан ўзаро фарқ қилади. Синонимлар, одатда, бир сўз туркумига мансуб бўлади: дўст, ўртоқ, жўра, биродар, йўлдош, ҳамроҳ (от туркуми) каби.

Киши ўз нутқида синонимлардан қанчалик кўп ва ўринли фойдаланса, унинг оғзаки ва ёзма нутқи ихчам, нафис бўлиб, кўпчиликни ўзига жалб қила олади, демак, нутқнинг таъсирчанлиги ҳам ошади.

Антонимлар. Бир – бирига зид маъно билдирувчи сўзлар а н – т о н и м л а р дейилади: яхши – ёмон, оч – тўқ, иссиқ – совуқ, бор – йўқ, оғир – енгил, оз – кўп, мард – номард, оқ – қора.

Антонимлар бадиий адабиётларда образлар, предмет, воқеа – ҳодисаларнинг белгисини, ҳаракатни аниқ, образли қилиб ифодалашда, уларнинг ўзига хос хусусиятларини очишда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун сўз усталари унга тез – тез мурожаат этадилар. Ёзма ва оғзаки нутқда улардан унумли фойдаланилади. Антонимлар, айниқса, халқ мақолларида кўп учрайди. Масалан: «Каттага ҳурматда бўл, кичикка – иззатда». «Яхши топиб гапирар, ёмон – қошиб.» «Мард бир ўлар, номард – минг».

Омонимами называются слова, одинаковые по своему звучанию и написанию, но различные по значению: 1. От — ҳайвон номи (название животного). 2. От — ҳаракат (движение). 3. От — кишининг исми (имя).

Синонимами называются слова, различные по своему звучанию, но близкие по значению: лицо, физиономия, рожа, морда. Обычно каждый из синонимов имеет особый оттенок значения, отличающий его от других синонимов. Некоторые синонимы называя то или иное понятие (предмет, признак, действие) и имея сходное значение, отличаются друг от друга дополнительной эмоциональной окраской и сферой своего употребления.

Умелое использование синонимов делает нашу речь более разнообразной, точной и выразительной.

Антонимы — слова, противоположные по значению: хороший — плохой, светлый (бледный) — тёмный, горячий — холодный, есть — нет, тяжёлый — лёгкий, мало — много, смелый — трусливый, белый — чёрный. Антонимы служат для более наглядного сопоставления, сравнения контрастных понятий.

7-машқ. Матндаги гаплардан синонимларни топиб, уларнинг маъносидани тушунтиринг.

1. Гулсумбиби уйда қитдай ўтин, қитдай кўмир йўқлигини сўзлади (О.).
2. Ҳожи хола дутор торини пича бўшатди, узилиб кетиши мумкин эди (М.Исм.).
3. Матқовул ака секин келиб, чеккадаги одамлар ёнида тўхтади (М.Исм.).
4. Шоҳиста оҳиста қадам ташлаб уйга кирар экан, эшикни секингина ёпди (М.Алиев.).
5. Йўлчи бу кишининг юзини кўрмасданоқ овозидан таниди (О.).
6. Отабек товуш эгасини таниди (А.Қод.).

8-машқ. Дўст, бор, иссиқ сўзларнинг антонимларини топинг. Улар иштирокида гап тузинг. Катта сўзининг синонимларини топиб, уларнинг маъносидани фарқларни тушунтиринг.

8-§. БОЖХОНА НАЗОРАТИ

Божхона назорати қаерда?

Менга боғхонанинг баённомаси керак.

Илтимос, боғхона баённомасини тўлдириг.

Божхона баённомаси:

Исми: Эргаш, Фамилияси: Умаров, Отасининг исми: Каримович, Миллати: ўзбек, Ёши: 50, Болалари: 5, Оилавий шароити: уйланган, Гражданилик: Ўзбекистон, Оила: 4, Жинси: Эркак, Касби: Ўқитувчи, Валюта: Менда йўқ, Ойлик маоши: (сўмда): 35000, Юқи: 3 чамодан, Оғирлиги: 50кг, Наркотик моддалари: Йўқ, Қурол: Йўқ, Санъат асари,

тарихий қимматбаҳо асарлар: Йўқ, суратлар, ҳайкаллар: Йўқ, расмлар
ёдгорликлар: Йўқ, Сафар мақсади: Саёҳат.

Мен ўзим билан 4 сигарета блоки, икки шиша ароқ (мусаллас)
олиб кетаяпман.

ЛУҒАТ

божхона	— таможня
божхона назорати	— таможенный контроль
божхона баённомаси	— таможенная декларация
миллати	— национальность
ёши	— возраст
гражданлик	— гражданство
жинси	— пол
оила	— семья
касби	— профессия
валюта	— валюта
ойлик	— заработная плата
юк	— багаж
суратлар	— картины
ҳайкаллар	— скульптуры

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

2. Сўзларнинг ясалишига эътибор беринг. Янги ясалган сўзлар асосидан
бир неча гап тузинг.

МОРФОЛОГИЯ СЎЗ ТАРКИБИ

Сўзлар морфологик таркибига кўра туб ва ясама бўлади.
Сўзларнинг туб ва ясама деб икки турга ажратилиши уларнинг
маъноли қисмларига, грамматик таркибига боғлиқ.

Бу қисмлар вазифаси ва сўздаги ҳолатига қараб икки хил бўлади.

1. Ўзак қисм (асосий қисм). 2. Қўшимча (кўмакчи қисм). Ўзак мустақил
ҳолда ҳам маъно билдиради. Ўзак маъноли бўлакларга бўлинмайди.
Қўшимча эса ўзакнинг маъносига турли маънолар қўшадиган кўмакчи
қисм: боғ—бон, пахта—кор, нон—вой. Бу мисолларда боғ, пахта, нон
ўзак, —бон, —кор, —вой кабилар эса қўшимча—кўмакчи қисм.

Қўшимчалар маъно ва вазифаларига кўра сўз ясовчилар, шакл
ясовчилар ва сўз ўзгартувчиларга бўлинади.

1. Сўз ясовчи кўшимча янги маъноли сўз ясаш учун хизмат қилади.
Масалан : ақл, ақл—ли, ақ—лий, ақл—сиз, ўқи, ўқи—т, ўқитувчи каби.

2. Шақл ясовчи қўшимчалар сўзнинг маъносини ўзгартирмай, унга ҳар хил қўшимча маънолар беради. Масалан: бола –лар, ўн –инчи, кўр –газ, катта –роқ каби.

3. Сўз ўзгартувчи қўшимчалар ўзи қўшилиб келган сўзнинг бошқа сўзлар билан синтактик муносабатини кўрсатиш учун хизмат қилади. Масалан: ватаним, ватанинг, ватанга, ўқишга, ўқишда, ўқишдан каби.

(Корень слова представляет собой неделимую часть слова, содержащую в себе основное лексическое значение. Аффиксы являются морфологическими элементами, которые не имея самостоятельного лексического значения, обладают различными грамматическими значениями в составе слова. Например: боғбон (садовник), пахтакор (хлопкороб), нонвой (пекарь). В этих примерах боғ, пахта, нон являются корнями, выражающими основное лексическое значение этих слов, бон, кор, вой являются аффиксами.)

В узбекском языке аффиксы по значению и по функции делятся на 3 группы:

1. Словообразующие аффиксы, присоединяясь к корню или основе, образуют зависимое от их значения слово с новым лексическим значением: например: ақл (ум, разум), ақлли (умный), ақлий (умственный), ақл –сиз (безумный); ўқи (читай), ўқит (пусть читает), ўқиш (чтение, учёба), ўқи –т –увчи (учитель) и т.п.

2. Формообразующие аффиксы, не изменяя лексического значения слова, сообщает ему дополнительное значение или изменяют его грамматические формы. Например: бола (мальчик) – бола –лар (мальчики), ўн (десять), ўн –инчи (десятый), кўр (смотри) – кўр –газ (покажи), катта (большой) каттароқ (больше).

3. Словоизменяющие аффиксы, указывают на отношение слова к другим словам и обеспечивают их определённую синтаксическую связь. Например: ватаним (моя родина), ватанинг (твоя родина), ватанга (на родину); ўқишга (на учёбу), ўқишда (на учёбе), ўқишдан (с учёбы) и т.д.).

9-машқ. Кўчиринг. Қуйидаги сўзлардаги сўз ясовчи, шақл ясовчи, сўз ўзгартирувчи қўшимчаларни аниқланг.

Тарбиячилар –чи – сўз ясовчи, –лар – шақл ясовчи қўшимча. Тарбиячилар, курсдошлар, бизнинг, опамларга, талабалардан, пахтакорларга, муҳандислар.

10-машқ. От ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг. Ўқувчи, китобхон, ошпаз, сувчи, сувдон, заргар, меҳнатқаш, соатсоз, тилшунос, супурги, элак, тирноқ.

тарихий қимматбаҳо асарлар: Йўқ, суратлар, ҳайкаллар: Йўқ, расмлар, ёдгорликлар: Йўқ, Сафар мақсади: Саёҳат.

Мен ўзим билан 4 сигарета блоки, икки шиша ароқ (мусаллас) олиб кетаяпман.

ЛУҒАТ

божхона	— таможня
божхона назорати	— таможенный контроль
божхона баённомаси	— таможенная декларация
миллати	— национальность
ёши	— возраст
гражданлик	— гражданство
жинси	— пол
оила	— семья
касби	— профессия
валюта	— валюта
ойлик	— заработная плата
юк	— багаж
суратлар	— картины
ҳайкаллар	— скульптуры

...

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Сўзларнинг ясалишига этибор беринг. Янги ясалган сўзлар асосида бир неча гап тузинг.

МОРФОЛОГИЯ СЎЗ ТАРКИБИ

Сўзлар морфологик таркибига кўра туб ва ясама бўлади. Сўзларнинг туб ва ясама деб икки турга ажратилиши уларнинг маъноли қисмларига, грамматик таркибига боғлиқ.

Бу қисмлар вазифаси ва сўздаги ҳолатига қараб икки хил бўлади.

1. Ўзак қисм (асосий қисм). 2. Қўшимча (кўмакчи қисм). Ўзак мустақил ҳолда ҳам маъно билдиради. Ўзак маъноли бўлакларга бўлинмайди. Қўшимча эса ўзакнинг маъносига турли маънолар қўшадиган кўмакчи қисм: боғ — бон, пахта — кор, нон — вой. Бу мисолларда боғ, пахта, нон ўзак, — бон, — кор, — вой кабилар эса қўшимча — кўмакчи қисм.

Қўшимчалар маъно ва вазифаларига кўра сўз ясовчилар, шакл ясовчилар ва сўз ўзгартувчиларга бўлинади.

1. Сўз ясовчи кўшимча янги маъноли сўз яшаш учун хизмат қилади. Масалан : ақл, ақл — ли, ақ — лий, ақл — сиз, ўқи, ўқи — т, ўқитувчи каби.

2. Шакл ясовчи қўшимчалар сўзнинг маъносини ўзгартирмай, унгар ҳар хил қўшимча маънолар беради. Масалан: бола –лар, ўн –инчи, кўр –газ, катта –роқ каби.

3. Сўз ўзгартувчи қўшимчалар ўзи қўшилиб келган сўзнинг бошқа сўзлар билан синтактик муносабатини кўрсатиш учун хизмат қилади. Масалан: ватаним, ватанинг, ватанга, ўқишга, ўқишда, ўқишдан каби.

(Корень слова представляет собой неделимую часть слова, содержащую в себе основное лексическое значение. Аффиксы являются морфологическими элементами, которые не имея самостоятельного лексического значения, обладают различными грамматическими значениями в составе слова. Например: богбон (садовник), пахтакор (хлопкороб), нонвой (пекарь). В этих примерах бог, пахта, нон являются корнями, выражающими основное лексическое значение этих слов, бон, кор, вой являются аффиксами.)

В узбекском языке аффиксы по значению и по функции делятся на 3 группы:

1. Словообразующие аффиксы, присоединяясь к корню или основе, образуют зависимое от их значения слово с новым лексическим значением: например: ақл (ум, разум), ақлли (умный), ақлий (умственный), ақл –сиз (безумный); ўқи (читай), ўқит (пусть читает), ўқиш (чтение, учёба), ўқи –т –увчи (учитель) и т.п.

2. Формообразующие аффиксы, не изменяя лексического значения слова, сообщает ему дополнительное значение или изменяют его грамматические формы. Например: бола (мальчик) – бола –лар (мальчики), ўн (десять), ўн –инчи (десятый), кўр (смотри) – кўр –газ (покажи), катта (большой) каттароқ (больше).

3. Словоизменяющие аффиксы, указывают на отношение слова к другим словам и обеспечивают их определённую синтаксическую связь. Например: ватаним (моя родина), ватанинг (твоя родина), ватанга (на родину); ўқишга (на учёбу), ўқишда (на учёбе), ўқишдан (с учёбы) и т.д.).

9–машқ. Кўчиринг. Қуйидаги сўзлардаги сўз ясовчи, шакл ясовчи, сўз ўзгартувчи қўшимчаларни аниқланг. Тарбиячилар –чи– сўз ясовчи, –лар – шакл ясовчи қўшимча. Тарбиячилар, курсдошлар, бизнинг, опамларга, талабалардан, пахтакорларга, муҳандислар.

10–машқ. От ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг. Ўқувчи, китобхон, ошпаз, сувчи, сувдон, заргар, меҳнатқаш, соатсоз, тилшунос, сугурги, элак, тирноқ.

9-§. ФУРҚАТ

Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўгли Фурқат Қўқонда майда савдогар оиласида туғилди. У ёшлик вақтидаёқ Навоий, Фазулий, Ҳофиз, Саъдий каби улуғ шоирларнинг асарларини ўқий бошлади.

Фурқат Муҳимий ва Завқий билан яқиндан дўстлашди, шеърлар ёза бошлади. Қисқа муддатда истеъдодли шоир сифатида танилди.

1889 йилнинг май ойида Фурқат Тошкентга келди. У рус тили ва маданиятини ўргана бошлади. Ўз шеърларида халқни рус маданиятини эгаллашига чақирди. Масалан: «Туркистон вилоятининг газети»да босилган «Гимназия», «Илм хосияти», «Суворов», «Виставка» каби шеърларида илм — фанга, техникага ва рус маданиятига ҳавас уйғотди.

Фурқат 1891—1892 йилларда Арабистон ва Ҳиндистонда бўлди. Кейинчалик Қашқарга бориб, умрининг охиригача Ёркентда яшади. Фурқат бу ерда адабиёт, тарих, кимё, фалакиёт фанлари билан шуғулланди. У она Ватанидан алоқасини узмади: ўз мақола ва шеърларини Тошкентга — «Туркистон вилоятининг газети»га юбориб турди.

Шоир подшо амалдорлари, бойлар, руҳонийлар ҳақида ҳажвий шеърлар ёзди ва меҳнаткашларнинг нафрат ҳисларини ифодалади.

... ЛУҒАТ

майда савдогар	— мелкий торговец
истеъдодли	— талантливый
маданият	— культура
кимё	— химия
мақола	— статья
ҳажвий шеър	— сатирическое стихотворение
бойлар	— богачи
руҳонийлар	— духовники
	(представители духовенство)

Топшириқ:

1. Матнни ифодали ўқинг ва мазмунинг айтинг.
2. Матндаги содда сўзлар асосида бир неча гап тузинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

Сўзларнинг тузилишига кўра турлари

Сўзлар тузилиш жиҳатидан уч турга бўлинади: содда сўз, қўшма сўз ва жуфт сўз.

Биргина ўзакдан ташкил топган сўзлар содда сўз дейилади: бола, от, ўқи, китоб каби.

Содда сўзларнинг ўзи туб ва ясама бўлади. Таркибида ясовчи қўшимчалар бўлмаган сўзлар туб сўз дейилади: бахт, театр, стол, китоб, дафтар, ва бошқалар. Ясама сўзлар одатда ўзакка сўз ясовчи

қўшимчаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади: иш—чи, кул—ги, те—рим—чи каби.

Икки ва ундан ортиқ маъноли ўзақдан ташкил топган сўзлар қўшма сўз дейилади: белбоғ, музёра, ошқозон, кўзойнак каби.

Икки ҳар хил маъноли сўзнинг маъно ва грамматик жиҳатдан тенг боғланишидан таркиб топган сўзлар жуфт сўз дейилади: ота—она, бола—чақа, тез—тез, катта—катта, сув—пув, онда—сонда каби.

(В узбекском языке слова по своей структуре могут быть: 1. Простыми (сода, сўз); 2. Сложными (қўшма сўз); 3. Парными (жуфт сўз).

Простые слова состоят из двух или одного корня, например: иш — работа, дело; от — имя; ўқи — читай; китоб — книга.

Сложные слова состоят из двух или более корней, например: музёра — ледокол, ошқозон — желудок, кўзойнак — очки.

Парные слова образуются из двух различных или одинаковых слов, например: ота—она — родители, бола—чақа — дети, детвора, тез—тез — часто, катта—катта — больше—пребольше, сув—пув — вода и подобные, онда—сонда — иногда, изредка).

11-машқ: Матндаги сўзларнинг ясалишини аниқланг. Қўшимчаларнинг қандай сўз туркумига мансуб сўз ясаётганлигини ва тузилишига кўра турларини тушунтиринг. Уч кундан бери тўхтовсиз ёққан қор бу паст—балаңд томонларни гўё текислаб қўйган эди. (Ш.). Мирзакарим исми қирқ беш — эллик ёшлар чамасида, қора қош, қора кўз, кўркам юз, яхшигина кийинган бир киши эди. (А.Қод). Шу он шўх шабада билан бирга бир кучоқ нур ичкарига кирди—ю, рўпарадаги деворга экран бўлиб осилиб қолди. Қуёш нури акс этиб, бурчақдаги тошойнанинг тенг ярими чўғ бўлиб ёнди. Шу ойна олдида соч тараётган жувоннинг ўнг бети оловдай товланди, қора сочи, қошлари ярақлади. (И.Р.)...

10-§. УЛУҒБЕК

Улуғбек (Муҳаммад Тарағай) машҳур ўзбек олими ва астрономидир. Буюк лашкарбоши Амир Темур ўз невараси Муҳаммад Тарағайни гоят зийрак ва ўткир зеҳли бўлгани учун Улуғбек деб атайдди. Улуғбек ўн беш ёшида Самарқанд ҳокими қилиб тайинланади. Отаси Шоҳрухнинг вафотидан кейин эса темурийлар сулоласининг бошлиғи бўлади.

Улуғбек ёшлигидан фанга қизиқади: кўп вақтини саройидаги бой кутубхонада ўтказади. У шеърятга қизиқар, тарих билан шуғулланар эди. Астрономия эса унинг ҳаммадан ҳам яхши кўрган фани эди.

Улуғбек ўз ҳукмронлик йилларида замонасининг кўпгина машҳур олимларини Самарқандга тўплади. 1430 йилда бутун дунёга машҳур расадхона (обсерватория) курдирди. Ўша даврда ва ҳатто ундан анча кейин ҳам Улуғбек расадхонасидек расадхона ҳеч қаерда йўқ эди. Улуғбек ўз атрофидаги олимлар билан биргалиқда «Янги астрономик жадвал» деган машҳур асарини яратди. Унда фалакиётнинг назарий

асослари ва бир минг ўн тўққиз юлдузнинг ҳолати ифодаланган. Бу жадвал ғоят аниқлиги билан бутун дунёга машҳурдир. Улуғбекнинг юлдузлар, сайёралар ҳаракати жадвали ва бошқа илмий кузатишлари жаҳон фалакиёт фанининг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшди.

Улуғбек даврида кўпгина катта бинолар, ёдгорликлар қурилади, адабиёт, санъат анча юксалди.

Улуғбекнинг илм—фан ва маърифатпарварлик соҳасидаги катта ишлари сарой аҳлида, айниқса, руҳонийларда кескин норозилик уйғотди. Улар Улуғбекни ислом динига зид ишлар қилишда айблайдилар. Жоҳил руҳонийларнинг фитнаси билан буюк олим фожиона ўлдирилади, Улуғбек расадхонаси эса бузиб ташланади. Ҳозирги кунда Улуғбекнинг бой илмий мероси, машҳур расадхонаси зўр ихлос ва ҳавас билан ўрганилмоқда.

ЛУҒАТ

машҳур	— известный
астроном	— астроном
фан	— наука
тарих	— история
расадхона	— обсерватория
назария	— теория
юлдуз	— звезда
бино	— здание
ёдгорлик	— памятник
маърифатпарварлик	— просвещение
дин	— религия
фожиона	— трагический

Тошпириқ:

1. Матнга саволлар тузиб, шу асосда матн мазмуни сўзлаб беринг.
2. Матндаги айрим гапларни кўчириб, уларни сўз бирикмаларига ажратинг.

СЎЗ БИРИКМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Гапда сўзлар бир—бири билан боғланган бўлади. Сўзларнинг ўзаро боғланишига сўз ўзгартувчи қўшимчалар (келишик, эгалик ва шахс—сон қўшимчалари), боғловчилар, кўмакчилар ва бошқалар ёрдам беради. Бу боғланиш маълум грамматик қонун—қоидалар асосида юзага келади. Масалан: Бизнинг республикамизда кишилар эркин нафас олади. Бу гапни қўйидаги бирикмага ажратиш мумкин: 1. Кишилар нафас олади. 2. Республикамизда нафас олади. 3. Эркин нафас олади. 4. Бизнинг республикамизда.

Ҳар бир сўз бирикмаси камида икки мустақил сўздан ташкил

топади. Ўзаро семантик, грамматик жиҳатдан боғланган икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзлар қўшимчаси сўз бирикмаси дейилади.

Словосочетания и их образование. В предложении слова бывают связанные между собой. Это осуществляется с помощью словообразующихся аффиксов (притяжательных, падежных, спрягательных), союзов, послеслогов. Это соединение происходит на основе известных грамматических правил. Например: Бизнинг республикамызда кишилар эркин нафас олади. В нашей республике люди свободно дышат (живут). Это предложение можно разделить на следующие части: 1. Кишилар нафас олади (люди дышат). 2. Республикамызда нафас олади (в нашей республике дышат). 3. Эркин нафас олади (свободно дышат). 4. Бизнинг республикамызда (в нашей республике). Каждое словосочетание образуется, самое меньшее из двух самостоятельных слов.

Сочетание двух или более самостоятельных слов, связанных между собой и семантически, и грамматически, называется словосочетанием).

12-машқ. Қуйидаги гапларни ўқиб, улардаги сўз бирикмалари ва қўшма сўзларни аниқланг.

1. Олий ҳиммат пахтакорлар режа ва мажбуриятларни шараф билан бажардилар.
2. Гулзорда хушбўй гуллар очилди.
3. Йўл устида уч оёқ изи кўринди.

11-§. АБРОР ҲИДОЯТОВ

Буюк ўзбек актери, Ўзбекистон халқ артисти Аброр Ҳидояттов 1900 йилда Тошкентнинг Дегрез маҳалласида иморат устаси Ҳидоят Раҳматуллаев оиласида туғилди. Эски мактабда ўқиди. Болалигидан санъатта меҳр қўйди. А.Ҳидояттов 14 ёшида дутор чалиш ва қўшиқ айтишни яхшигина эгаллади. Ўзбек миллий театрининг ташкилотчиларидан бири Маннон Уйғур унинг истеъдоди, иштиёқини билиб, Ўзбек Давлат драма театри (ҳозирги ўзбек миллий академик театри) труппасига таклиф қилади. А.Ҳидояттов театр труппаси билан бирга 1919–20 йилларда махсус тарғибот поездлари таркибиде Оқтўба ва Фарғона фронтларида маданий хизмат қилиб чиниқади, сиёсий онги ўсади. А.Ҳидояттов ўз малакасини ошириш мақсадида Москвада очилган ўзбек театр студиясига кириб, Р.Симонов, О.Басов каби рус театри усталаридан таълим олади, реалистик сахна санъатини асосларини ўрганади. Студияда яратилган Горгагон (Мольер «Хасис»), Сквозник – Дмухановский (Гоголь «Ревизор») образлари актернинг ижодий камолотида муҳим аҳамиятта эга бўлди. Москва студияси А.Ҳидояттов истеъдодига сайқал берди.

1927–35 йилларда у миллий ва таржима асарларида ўнлаб муҳим образлар яратди. Арслон, Саримсоқ (К.Яшин «Икки коммунист»),

(«Ёндирамиз»), Шопур (Хуршид «Фарҳод ва Ширин») образлари шулар жумласинадир. 1935 йилнинг 11 февралда Ҳамза номидаги драма театрида В.Шекспирнинг шоҳ асари «Ҳамлет» трагедиясининг премьераси бўлди. Режиссёр Маннон Уйғур саҳналаштирган бу асарда актер Ҳамлет ролини ижро этди. Бу спектакль халқ орасида катта муваффақият қозонди. «Ҳамлет» спектакли, айниқса, Ҳамлет образи ўзбек театр санъати тарихида катта воқеа бўлди. Асар томошабинларнинг муҳаббатини қозонганлиги сабабли кетма-кет 21 кун кўрсатилди. Театр жамоатчилиги, чет элик театр мухлислари спектаклга ва Ҳамлет образига қойил колдилар.

Чиндан ҳам А.Ҳидоятлов яратган Ҳамлет фақат ўзбек театридагина эмас, балки умуман жаҳон театр санъатида эришилган ютуқ бўлди.

А.Ҳидоятлов ижро этган энг кучли образлардан яна бири В.Шекспирнинг «Отелло» трагедиясидаги Отелло образидир. Ватанимиз ва чет элдан келган театр мухлислари актёр талантига, унинг ижросига юксак баҳо бердилар. Отелло ролини актер 18 йил давомида 500 марта ўйнади. Шекспир ижодини ўзбек халқига манзур қилишда А.Ҳидоятловнинг хизмати катта.

Актёрнинг ўзбек тарихий драмаларида яратган Муқанна (Ҳ.Олимжон «Муқанна», 1943), Темурмалик (М.Шайхзода, «Жалололдин», 1943), Навоий (Уйғун, И.Султон, 1945) образлари ҳам диққатга сазовордир. У «Тоҳир ва Зухра» фильмида Сардор образини яратди.

Санъаткорнинг меҳнати ҳукуратимиз томонидан юқори баҳоланди. У 1948 йилда Давлат мукофотини олишга сазовор бўлди. Халқимизнинг севимли фарзанди А.Ҳидоятлов 1958 йилда вафот этди.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 9 йиллиги муносабати билан ўзбек миллий маданияти ривожига қўшган уқан ҳиссаси учун Аброр Ҳидоятлов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди. 2000 йилда санъаткорнинг 100 йиллик юбилеи нишонланди.

ЛУФАТ

иморат устаси

сийёсий онг

истеъдод

чиниқади

хасис

юқори баҳоланди

ўлмас хотира

абадий сақланади

кетма — кет

— мастер — строитель

— политическое сознание

— талант (одаренность)

— закаляется

— жадный

— высоко оценено

— бессмертная память

— сохраняется вечно

— бесперерывно

Толшириқ:

1. Матни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

2. Атоқли отларнинг тагига чизинг ва маъносини тушунтиринг.

Шахс — предмет, нарса, воқеа — ҳодисаларнинг номини ифодалайган мустақил сўз туркуми от дейилади. Улар к и м?, н и м а?, к и м л а р?, н и м а л а р? каби сўроқлардан бирига жавоб беради: одам, чақалоқ, дарахт, боғ, шаҳарлар, вафо, софлик, тўқлик, бахт, қувонч каби.

Отлар кўплик, эгалик ва келишик қўшимчалари билан ўзгариш каби морфологик хусусиятларга эга. Масалан: Институтимизнинг талабалари: — имиз (эгалик), —нинг (келишик), —лар (кўплик), —и (эгалик).

Атоқли отлар. Айрим шахс ёки предметга атаб қўйилган номларни ифодалайди. Атоқли отлар бош ҳарф билан ёзилиб, одатда, кўпликда қўлланмайди. Масалан: Дурбек, Тошкент, Хоразм, Амударё, Помир, «Саодат» журнали.

Турдош отлар. Турдош отлар бир хилдаги нарса ва предметларнинг умумлаштирувчи номидир. Турдош отлар атоқли отларга қараганда кўпчиликни ташкил этади. Турдош отлар кичик ҳарф билан ёзилади. Масалан: қалам, дафтар, мактаб, киши, булбул, тоғ, от, нур, бахт, севинч.

ИМЯ СУЩЕСТВИТЕЛЬНОЕ

(К именам существительным относятся знаменательные слова, которые являются названиями живых существ, предметов, действий, состояний, свойств, явлений реальной действительности: шаҳар — город, дарахт — дерево, девор — стена, ҳайвон — животное, зилзила — землетрясение, кураш — борьба, ҳаракат — движение, уйқу — игра, ўйин — игра, севги — любовь, тозалик — чистота, яқинлик — близость.

Имена существительные отвечают на вопросы к и м? (кто?), н и м а? (что?).

Вопрос к и м?, в отличие от русского языка, относится только к человеку.

Имена существительные в предложении выполняют следующие синтаксические функции:

1. Подлежащего: Карим мактабда ўқийди. Карим учится в школе.
2. Сказуемого: Бу йигит — қизларнинг ҳаммаси — талаба. — Все эти юноши и девушки — студенты.
3. Дополнения: Бу китобни кутубхонадан олдим. — Эту книгу я взял в библиотеке.
4. Определения: Шаҳримизнинг кўчалари жуда чиройли. — Улицы нашего города очень красивые.
5. Обстоятельства: Отам завадда ишлайди. — Мой отец работает на заводе).

АТОҚЛИ ВА ТУРДОШ ОТЛАР

(Собственные и нарицательные имена существительные)

Существительные по семантическим признакам делятся на собственные и нарицательные.

Собственные имена — это личные имена фамилии названия индивидуальных единичных предметов и явлений. К ним относятся географические административно-территориальные наименования, названия исторических событий, литературных и научных произведений, названия предприятий и т.п. Нурулла Муродов, Улуф Ватан уруши, Марказий Осиё, Волга дарёси, «Саодат» журнали, «Қизил ярим ой» жамияти, «Қутлуғ қон» романи, «Намуна» жамоа хўжалиги.

Нарицательными именами называются общие имена, объединяющие предметы и явления: кўча — улица, дала — поле, ҳовли — двор, маданият — культура, тараққиёт — развитие, онг — сознание и др.

Иногда собственные имена могут переходить в нарицательные, например: рентген, ампер — от имён ученых, август — от имени римского императора Августа и т.д.

Нарицательные имена могут переходить в собственные имена: Шарқ — Восток, Ғарб — Запад, Темир — от слова «железо», Пўлат — от слова «сталь», Лола — от слова «тюльпан».

13-машқ. Атоқли ва турдош отларни ажратинг.

1. Азиза ҳозир келиб тўхтаган трамвайга чиқиш учун югуриб борарди. 2. Мажлис раиси навбатдаги нотика сўз берди. 3. Маърузадан сўнг ҳаммамиз митингга борамиз. 4. Метро комбинатга ўн минута олиб боради. 5. Ҳамма сайёрлардан Ерга энг яқини Марсдир. 6. Алишер Навои ўзбек халқининг буюк мутафаккиридир. 7. Хайрихон, йигирма беш ёшлардаги жувон, бизнинг бригадада бригадир бўлиб ишлайди.

14-машқ. Тасвирий санъатта доир отлар билан 6-та гап тузинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

12-§. КЎЧАДА

... кўчаси қаерда?

У ёққа қандай борса бўлади?

У ёққа пиёда (трамвай, троллейбусда) боришингиз мумкин.

Трамвай (троллейбус) бекати қаерда?

Сартарошхонага (тайёр кийимлар дўконига, соатсозлик, тикувчилик, пойабзал тузатиш устахонасига) қандай бориш мумкин?

Музей узоқ эмасми?

Ҳайвонот боғи (ботаника боғи, Муқимий номли театр, касалхона, дорихона, чинни завод) қаерда?

Мен ва укам стадионга (спортмайдонига) бормоқчи эдик.

Мен Тошкент денгизига («Роҳат» кўлига) бормоқчи эдим.

Менга ва ўртоғимга кутубхона (Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, «Интурист», «Ўқитувчи» нашриёти) қаерда эканлигини айтиб берсангиз.

ЛУФАТ

кўча	— улица
пиёда	— пешком (пешеход)
сартарошхона	— парикмахерская
чинни заводи	— фарфоровый завод
Тошкент денгизи	— Ташкентское море
пойабзал	— обувь
тикувчи	— портной
устахона	— мастерская
дорихона	— аптека
касалхона	— больница

Топшириқ:

1. Маттни ўқинг, рус тилига таржима қилинг.
2. Матндаги эгалик маъносини ифодаловчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЭГАЛИК МАЪНОСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ Эгалик аффикслари

Отларга қўшилиб предмет ёки предметлик тушунчасини уч шахсдан бирига тааллуқлигини, қарашлигини ёки мансублигини кўрсатувчи қўшимчалар эгалик қўшимчалари дейилади.

Эгалик қўшимчалари предметнинг бирор шахсга тааллуқлилиги жиҳатидан учга, бирлик ва кўплик сонда қўлланишга кўра иккига, яъни унли ёки ундош билан тутаган негизга қўшилиши хусусиятига кўра иккига бўлинади.

Эслатма: I. Эгалик қўшимчалари белгисиз қаратқич, тушим келишиги қўшимчаси каби тушиб қолмайди (бизнинг ҳовли, бизнинг мактаб кабиларни мустасно қилганда белгили қўлланади).

1. Эгалик қўшимчаси билан шакланган сўз одатда ўзига қарашли бўлган сўздан кейин туради; бизнинг уйимиз.

2. Эгалик қўшимчасини шаклан ўхшаш бўлган сўз ясовчи —им (терим, билим) қўшимчасидан фарқлаш лозим.

II. Қ ёки қ билан тутаган кўп бўғинли сўзларга эгалик қўшимчасини қўшилганда, қ товуши ғ тарзида, қ эса ғ тарзида айтилади ва шундай ёзилади: ўртоқ — ўртоғим, қишлоқ — қишлоғим, юрак — юрагим, билак — билагим.

Сўнги ёпиқ бўғинида и ёки у унлиси бўлган баъзи сўзлар эгалик қўшимчаси қўшилганда охирги (ёпиқ) бўғиндаги и ёки у талаффуз этилмайди ва ёзилмайди: ўрин — ўрним, сингил — синглим, бурун — бурни, оғиз — оғзи.

(Притяжательные аффиксы. В узбекском языке притяжательные аффиксы выражают принадлежность определенного предмета тому или иному лицу или предмету, например: ўртоқ (товарищ) — ўртоғим (мой товарищ), ўртоғинг (твой товарищ) и др. В структуре русского языка аффиксов принадлежности нет. В нем принадлежность выражается особыми грамматическими категориями.

Когда основа существительных оканчивается на согласный **қ** или **к**, то при прибавлении к ней притяжательных аффиксов конечный **қ** переходит в **г**, а **к** — в **г**; юрак — юрагим, билак — билагим, ўртоқ — ўртоғим, қишлоқ — қишлоғим и др.

✓ 6/3

**ОТЛАРНИНГ ЭГАЛИК АФФИКСЛАРИ БИЛАН ТУРЛАНИШИ
(ТАБЛИЦА СКЛОНЕНИЯ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ
С ПРИТЯЖАТЕЛЬНЫМИ АФФИКСАМИ)**

Шахс (лицо)	Бирлик сон (Ед. число)		Кўплик сон (Мн. число)	
	Унли билан тугаган отлардан сўнг (Показатель после гласных)	Ундош билан тугаган отлардан сўнг (Показатель после согласных).	Унли билан тугаган отлардан сўнг (Показатель после гласных)	Ундош билан тугаган отлардан сўнг (Показатель после согласных)
1	Ука — м	фикр — им	ука — миз	фикр — имиз
2	ука — нг	фикр — инг	ука — нгиз	фикр — ингиз
3	ука — си	фикр — и	ука — лари	фикр — лари

15-машқ. Нуқталар ўрнига 3 шахс эгалик аффиксларидан мосини қўйиб, гапларни кўчиринг.

1. Кимнинг ўқиш, ўрганишга иштиёқ ... зўр бўлса, унинг келажаги порлоқ бўлади. 2. Балиқнинг тирик ... сув билан. 3. Оғиз ... га келганни демак — нодоннинг иш ... 4. Сени дейман, муаллим шаҳар, Қўллар ... гул, зўр олим шаҳар. 5. Содиқнинг иккита ўртоқ ... уларни поездга кузатиб қўйди.

16-машқ. Эгалик қўшимчаларнинг ёзилишига эътибор беринг.

Ботирлари канал қазади,
Шоирлари газал ёзади
Пазандаси ёпади ширмон,
Қарилари кутади меҳмон.

(Ҳ.О.)

Ўрта аср қомусий олими Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний фаннинг кўп соҳаларидан хабардор бўлган. У Хоразмнинг Берун қишлоғида туғилган. Хоразм шаҳарларидаги мактаблар ва машҳур устозлардан таълим олган, машҳур қомусий олим Абу Али ибн Сино (980 – 1037) билан замондош бўлган.

Абу Райҳон Беруний 18 ёшда Хоразм расадхонасида (обсерваториясида) илмий иш олиб борди. Бироқ ўрта асрдаги ўзаро урушлар олимнинг бир жойда илмий иш билан шуғулланишига имкон бермаган. У Ҳиндистонда, Каспий соҳили ва Боғдода кун кечирган. Кўп воқеа ва ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган. Барча қурган нарсалари ва кузатишлари унинг асарларида акс этган.

Беруний физика, математика, фалакиёт, минерология, геодезия, жуғрофия, фалсафа, филология ва бошқа фанлар бўйича қимматли маълумотлар қолдирган. У фаннинг турли соҳаларига доир 150дан зиёд ажойиб асарлар ёзган. Буюк олимнинг геодезия китобида шундай фикрни учратамиз: «Ҳар кузатувчи (олим) диққат билан ўлчасин, ўз ишларини қайта – қайта текшириб турсин, мумкин қадар камроқ гурурлансин, гоят тиришқоқлик билан ишласин ва меҳнатдан ҳеч маҳал зерикмасин».

Абу Райҳон Беруний ўлмас асарлари билан жаҳоннинг энг буюк олимлари қаторидан ўрин олган. Улуғ олим 75 ёшда вафот этди.

Унинг бир қанча асарлари ўзбек, рус ва бошқа тилларда нашр қилинди. Буюк олимнинг туғилганига минг йил тўлган кун бутун жаҳон фани ва маданияти тарихидаги катта воқеа сифатида кенг нишонланди. Шу жумладан, Тошкентда 1973 йил 5 сентябрь куни шу воқеага бағишланган тантанали мажлис ҳамда илмий анжуман ўтказилди.

ЛУФАТ

Ҳиндистон	– Индия
Каспий соҳили	– Каспийский берег
қомусий олим	– энциклопедический учёный
устоз	– учитель
физика	– физика
жуғрофия	– география
минералогия	– минералогия
геодезия	– геодезия
тантанали	– торжественный
илмий анжуман	– научная конференция

Топшириқ:

1. Матнга саволлар тузинг. Саволларингиз асосида Абу Райҳон Беруний биографиясини сўзлаб беринг.
2. Матндан қаратқич ва тушум келишикларини топиб тагига чизинг.

ЎЗБЕК ТИЛИДА БОШ, ҚАРАТҚИЧ ВА ТУШУМ КЕЛИШИКЛАРИ

Ўзбек тилида олтига келишик бор: бош келишик, қаратқич келишик, тушум келишик, жўналиш келишик, ўрин — пайт келишиги, чиқиш келишиги.

БОШ КЕЛИШИК

Бош келишик ким?, нима? Сўроқларига жавоб беради, келишик қўшимчасига эга эмас. Бош келишикдаги от гапда эга вазифасини бажаради.

Масалан: Институтимиз катта. Қурилишга қум келтирилади.

ҚАРАТҚИЧ КЕЛИШИГИ

Қаратқич келишиги кимнинг?, ниманинг? Сўроқларига жавоб бериб, ҳаммавақт нинг шаклида ёзилади: Китобнинг варағи. Ватанимизнинг пойтахти.

ТУШУМ КЕЛИШИГИ

Тушум келишиги кимни? нимани? сўроқларига жавоб бўлиб, бу келишик қўшимчаси ҳар вақт ни шаклида ёзилади: Эркинни кўрдим. Мақтубни ёздим.

В узбекском языке имеется шесть падежей:

№ п/п	Келишиклар (падежи)	Келишик саволлари (Вопросы падежей)	Мисоллар (Примеры)
1.	Бош келишик (Именительный падеж)	Ким? (кто?), нима? (что?)	Карим, китоб.
2.	Қаратқич келишиги (Притяжательный падеж)	Кимнинг? (кого?), ниманинг? (чей, чья, чье?)	Каримнинг дафтари, китобнинг варағи.
3.	Тушум келишиги (Винительный падеж)	Кимни? (кого?), нимани? (что?)	Каримни кўрдим. Китобни ўқидим.
4.	Жўналиш келишиги (Дательно- направительный падеж)	Кимга? (кому?), нимага? (чему?), қаерга? (куда?)	Каримга хат ёздим. Китобда расм бор.
5.	Ўрин — пайт келишиги (Местный падеж)	Кимда? (у кого?, в ком?), нимада? (у чего?, в чем?), қаерда? (где?), қачон? (когда?)	Каримда қалам бор. Китобда расм бор.

6	Чиқиш келишиги (Исходный падеж)	Кимдан? (от кого?), нимадан? (от чего?, у чего?), қаердан? (откуда?)	Каримдан маслаҳат сўрадим. Китобдан ўргандим.
---	--	---	--

ИМЕНТЕЛЬНЫЙ ПАДЕЖ

Именительный падеж отвечает на вопросы ким? (кто?), нима? (что?) и не имеет падежных аффиксов. Существительное в именительном падеже выполняет функцию подлежащего, например: институтимиз катта (наш институт большой). Курилишга кум келтирилди (на стройку привезли песок).

ПРИТЯЖАТЕЛЬНЫЙ ПАДЕЖ

Притяжательный падеж отвечает на вопросы кимнинг? (кого, чей?), ниманинг? (чего?). Этот падеж образуется при помощи аффикса -нинг и указывает на принадлежность одного предмета другому. Например: китобнинг варағи (страница книги), Ватанимиз пойтахти (столица Родины).

ВИНИТЕЛЬНЫЙ ПАДЕЖ

Винительный падеж отвечает на вопросы кимни? (кого?), нимани? (чего?). Этот падеж образуется при помощи аффикса -ни и выражает объективное значение предмета, на которое переходит действие. Например: Эркинни кўрдим (увидел Эркина).

Мактубни ёздим. (Написал письмо).

В узбекском языке слова в винительном падеже всегда связываются с переходным глаголом и в предложении выполняет функцию прямого дополнения.

17-машқ: Берилган гаплардаги қаратқич ва тушум келишидаги сўзларни ўзи боғланган сўз билан кўчириңг.

1. Одамнинг қиммати — қилган иши билан белгиланади.
2. Экинни эрта эккан, ҳосилини эрта ўрар.
3. Деҳқоннинг хазинаси — ер.
4. Талабаларнинг мақсади — яхши ўқиш.
5. Яхши мутахассис бўлишни истасанг, яхши ўқи.

14-§. УСТА ТОШПЎЛАТОВ АРСЛОНҚУЛОВ

Ганч — ўймакорлик санъатининг улкан намояндаси, машҳур халқ устаси — Уста Тошпўлат Арслонқулов 1882 йилда Тошкентда туғилган. Т.Арслонқулов аввал отаси билан турли хусусий ва давлат бинолари

қурилишида ишлаган. Отаси билан Бухородаги Амир Олимхон қурдирган Ситораи — Моҳи — Хоса санъат обидасини пардозлаган.

Уста Тошпўлат Арслонқулов Уста Ширин Муродов ҳамда Бухоро ва Тошкентдаги бошқа машҳур ўймакор усталар билан бирга Европа услубида қурилган Половцев уйи (ҳозирги Ўзбекистон халқ амалий санъати музей биноси)ни ўзбек миллий ўймакорлик нақшлари билан пардозлашда фаол иштирок этган.

У 1929 йилда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик Драма театри (ҳозирги Аброр Ҳидоятлов номидаги давлат драма театри) биносини, 1939 йилда Тошкент вилоят Ижроия комитети (ҳозирги Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи) жойлашган биноси ва Мустақиллик майдонидаги Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг 2 биноси (ҳозирги М.Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган «Баҳор» халқ Давлат рақс дастаси жойлашган) биноларни, Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали драма ва комедия театри ва Янгийўл шаҳар мусиқали драма театри бинолари, собиқ Тошкент шаҳар партия комитети жойлашган бино, Камолон масжиди ва бошқа ҳашаматли биноларни пардозлашда катта хизмат қилган.

1947 йилда машҳур рус архитектори академик В.Шусев раҳбарлигида Тошкентда Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик Катта опера ва балет театри биноси қурилади. ЮНЕСКО фонди рўйхатига тушган бу гўзал санъат кошонасини бунёд этишда бинони ганч — ўймакорлик усулида пардозлаш ишларига уста Тошпўлат Арслонқулов бошчилик қилган.

Уста Тошпўлат Арслонқулов яратган гўзал нақшлар, шаршара услубидаги ҳар хил безаклар, композициялар, Собиқ Иттифоқ ва Республикамиз кўргазмаларида намойиш қилинди. Кўп асарлари Москва ва Санкт — Петербург музейларидан ва бошқа шаҳарлардаги музейлардан мустаҳкам ўрин олди. Чунончи улар Санкт — Петербургдаги А.С.Пушкин номидаги этнографик музей ва Тошкентдаги халқ амалий санъати музейида сақланмоқда.

Уста Тошпўлат Арслонқуловнинг республикамизда ганч — ўймакорлик санъатининг равнақидаги узоқ йиллик ва самарали ижодий меҳнати юксак тақдирланди. 1944 йилда унга «Ўзбекистон халқ рассоми» фахрий унвони берилди. 1947 йилда уста Давлат мукофоти совринига сазовор бўлди. Орден ва медаллар билан тақдирланди.

Уста Тошпўлат Арслонқулов 1962 йилда Тошкентда 80 ёшида вафот этди.

1982 йилда Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси Уста Тошпўлат Арслонқуловнинг 100 йиллик юбилейини кенг нишонлади. Тошкентдаги кўчаларнинг бирига Уста Тошпўлат Арслонқулов номи берилган.

ЛУҒАТ

машҳур халқ устаси
ганч — ўймакорлик санъати

— известный народный мастер
— искусство резьбы по ганчу

хусусий
санъат обидаси
миллий
адабиёт музейи
Мустақиллик майдони
Тарихий ёдгорликларни
сақлаш жамияти
Европа услуги
пардозлаш
пардозламоқ
бадий билим юрти

— собственный
— памятник искусства
— национальный
— музей литературы
— Площадь независимости
— Общество охраны
— исторических памятников
— Европейская методика
— украшение
— украшать
— художественное училище

Топшириқ:

1. Матни ифодали ўқинг ва мазмунини айтиб беринг.
2. Ганч — ўймакорлик санъатига оид тушум келишигидаги сўзларни топинг ва улар иштирокида 8 та гап тузинг.

ҚАРАТҚИЧ ВА ТУШУМ КЕЛИШИКЛАРИНИ БЕЛГИСИЗ ҚўЛЛАШ ВА БУНИНГ УСЛУБИЙ ФАРҚИ

Қаратқич ва тушум келишиклари баъзи ўринларда белгили, баъзи ўринларда эса белгисиз қўлланади. Лекин унинг маъноси бирикма ва гаждан англашилиб туради. Масалан: китобнинг варағи, жамоа боғи, роман ўқиди, романни қўйди.

(Возможно употребление притяжательного падежа как с аффиксом (–нинг), так и без него. В связи с этим различаются оформленные и неоформленные формы притяжательного падежа при оформленном притяжательном падеже. (белгили қаратқич келишиги) определяющее слово означает реальную принадлежность одного предмета к другому определенному предмету и употребляется с аффиксом –нинг.

При неоформленном притяжательном падеже (белгисиз қаратқич келишиги) определяющее слово выражает общее, неопределённое значение и употребляется без аффикса).

Сравните

Оформленный

притяжательный падеж

Жамоанинг боғи – сад (данного, конкретного) коллектива.

Китобнинг варағи – страницы (данной, конкретной) книги.

Неоформленный

притяжательный падеж

Жамоа боғи – коллективный сад (вообще, а не конкретно коллектива)

Китоб варағи – страница книги (вообще, а не конкретной книги).

Винительный падеж, также как и притяжательный, бывает оформленным и неоформленным.

Слова в оформлении винительном падеже (белгили тушум келишиги) употребляются с аффиксом **-ни**. Оформленный винительный падеж употребляется, когда речь идёт о конкретном, известном предмете, например: Мен бу ўқувчини яхши биламан. (Я хорошо знаю этого ученика). Фестивалда Каримни учратдим. (На фестивале встретил Карима).

В неоформленном (белгисиз тушум келишиги) винительном падеже слово тесно связано с глагольным сказуемым и отвечает на вопрос нима? Например: Магазиндан қандай қоғоз олдинг? (Какую бумагу купил в магазине?)

Сравните

Биз ўша романни ўқидик

— Мы читали тот роман

Биз роман ўқидик

— Мы читали роман

Сен бу нарвонни ол

— Ты возьми эту лестницу

У нарвон олди

— Он взял лестницу

18-машқ: Оғзаки машқ. Қаратқич ва тушум келишиги қат — нашган гаплар тузинг.

19-машқ: Нуқталар ўрнига келишик қўшичаларидан мосини қўйиб кўчиринг. Имлосига эътибор беринг.

1.Ўқтам гулзор ёни... дарров жой ҳозирлади (О.) 2.Комила хурсанд бўлиб қалам — қоғозни ўртоғи... тутқазди (О.) 3.Қочоқ чўпон... номи Ёдгор, отаси... номи Бозор (С.А.) 4.Булоқ... ҳам, қишлоқ... ҳам Ойкўл номи берилган (П.К.) 5.Беҳзод тиши... тиши... босиб, тескари бурилиб олди (О.Ё.) 6.Жаннат, Жаннат, сен... нима бўлди (С.А.)

15-§. КОМИЛ ЁРМАТОВ

Ўзбек кино санъатининг ривожига катта ҳисса қўшган режиссёр Комил Ёрматов 1903 йилда Конибодомда туғилди.

Комил Ёрматов ёшлигидан кино санъатига ҳавас қўйди. Бу ҳавас уни Бутуниттифоқ Давлат кинематография институтига етаклаб келди. 1926 йилда институтни тугатиб, кино соҳасида ишлай бошлади. 30-йилларда киноактер сифатида «Сўнги бек» фильмида Ботир, «Муҳожир» фильмида Комил, «Масжид гумбазлари остида» фильмида Умар ролларини ижро этди.

«Муҳожир» фильми Комил Ёрматовнинг биринчи режиссёрлик ишидир. Бу фильм қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришга бағишланган. 1937 йилда суратга олинган «Дўстлар яна учрашдилар» фильмида К.Ёрматовнинг режиссёрликда ўзига хос услуби кўзга ташланади. 1947 йил у тарихий мавзуга қўл уриб, «Алишер Навоий» фильмини яратди. Бу фильми учун режиссёрга Давлат мукофоти берилди.

1954 йил режиссёр «Опа — сингил Раҳмоновалар» фильмини суратта туширди. Бу фильмда эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш, турмушдаги ўзгаришлар кўрсатилган.

1956 йил буюк аллома, қомусий олим Ибн Синонинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи «Абу Али ибн Сино» бадийий фильмини суратта олди. Бу фильм ҳам муваффақиятли чиққан фильмларидан бири бўлиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди. 1965—70 йиллар мобайнида режиссёр «Осиё устида бўрон» (1965), «Инқилоб чавандозлари» (1968), «Қора консулнинг ҳалокати» (1970) бадийий фильмларини яратди. Бу фильмларда тарихий воқеалар ўз аксини топган. К.Ёрматов бу кинотрилогияда ҳам режиссёр, ҳам сценарий муаллифи сифатида халққа танилди.

«Осиё устида бўрон» фильмидаги қаҳрамон — Ялангтўш орқали халқ қаҳрамони образи маҳорат билан ёритиб берилган. «Инқилоб чавандозлари» фильмидаги Азнаур полвон образи тимсолида кўркмас, жасур, инқилоб чавандозининг типик вакилини кўриш мумкин. Бу кинотрилогия учун режиссёрга Ҳамза мукофоти лауреати унвони берилди. Шунингдек севги ва муҳаббат мавзусига бағишланган «Икки дил достони», хоразм халқи ҳаёти тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи «Узоқ ва яқин йиллар» ва шу каби ўнлаб кинофильмлар яратди. Кино санъатининг фидоий жонкуяри К.Ёрматов халқимизнинг ардоқли кино санъаткорига айланди, унинг юзлаб шогирдлари ўзбек киносининг ривожланиши учун хизмат қилмоқда.

Комил Ёрматов 1978 йилда Тошкентда вафот этди. Ҳозирги кунда «Ўзбекфильм» киностудияси Комил Ёрматов номи билан аталади.

ЛУФАТ

Муҳожир	— иммигрант
қомусий олим	— ученный энциклопедист
томошабин	— зритель
ҳавас қўйди	— увлекался
услуг	— стиль
суратта олмоқ	— снимать
унвон	— звание
фидоий, жонкуяр	— самоотверженный
сермапаққат	— трудный
ижро этмоқ	— исполнять
ўзига хос	— своеобразно
ижодий меҳнат	— творческий труд

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Жўналиш келишиги қўшимчаси қўшилган сўзларни ажратиб кўрсатинг ва улар иштирокида 6 — та гап тузинг.

Жўналиш ва ўрин-пайт келишиклари

Жўналиш келишиги кимга? Нимага? сўроқларига жавоб бериб, — га (—ка,қа) келишик қўшимчасига эга. Жўналиш келишиги қўшимчаси к ёки г билан тугаган сўзларда —ка, қ ёки г билан тугаган сўзларда — қа тарзида қўшилади (челак—челакка, барг—баркка, тоғ—тоққа, боғ—боққа), бошқа ўринларда эса доимо — га шаклида қўшилади ва шундай ёзилади: мактабга, далага, уйга, Фаргонага, Андижонга. Аммо г билан тугаган русча байналминал сўзларга, атоқли отларга, жўгрофий номларга қўшилганда, г ўз ҳолича ёзилади: Оренбургга, Люксембургга, педагогга.

Ўрин—пайт келишиги (—да), чиқиш келишиги (—дан) қўшимчалари сўзларга қўшилганда, —та, —тан каби талаффуз қилинса ҳам, ҳар доим —да, —дан шаклида ёзилади: қишлоқда, қишлоқдан, Тошкентда, Тошкентдан.

(Дательно—направительный падеж отвечает на вопросы кимга? (кому?), нимага? (чему?, қуда?), образуется при помощи аффикса —га (—ка, —қа) и обозначает предмет, на который направлено действие, например: Меҳмонхонага кирдим. — Вошёл в гостиницу.

Если слова в дательно—направительном падеже оканчиваются на к или г, аффикс —га пререходит в —қа. Например: челакга—челакка (в ведро), барг—га —баркка (в листы).

Если слова, стоящего в дательно—направительном падеже оканчиваются на к или г, то аффикс —га переходит в қа. Например: тоқ—га—тоққа (в горы), боғ—га —боққа (в сад).

Местный падеж отвечает на вопросы кимда? (у кого?, в ком?), нимада? (на чём?, в чём?), қаерда? (где?) и қачон? (қоғда?) местный падеж образуется при помощи аффикса —да и указывает на место и время совершения, например: Тошкентда кинофестиваль бўлади — в Ташкенте будет кинофестиваль.

Существительное в местном падеже может также выражать средство совершения действия, например: Самолётда учдим. (Летал на самолёте).

20—машқ. Қуйидаги гапларни кўчиринг. Гаплардаги қўшимчаларнинг турини айтинг.

1. Халқларнинг маданияти, турмуш даражаси ошиб бориши билан кийимнинг турлари кўпайди.
2. Ўзбекларда дўппи, тўн, маҳсилар миллий кийим ҳисобланади.
3. Турмушимиз бундан ҳам яхши бўлиши учун астойдил меҳнат қилишимиз керак.
4. Меҳнатимиз унумли бўлиши учун илми бўлишимиз керак.

21—машқ. Гапларни кўчиринг ва келишик қўшимчаларининг тагига чизинг.

1. Ўғилчасига кўйлак, онасига рўмол олди. (Э.С).
2. У трамвайда яна шаҳарга қайтди. (Э.С).
3. Купеда ўрта яшар аёлдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. (Э.С).

4. У Шаҳристонда туғилиб ўсди. (Э.С).
5. Улар тўйда танишган эдилар. (Э.С).
6. Уйга меҳмон кириб келди. (Э.С.).

16-§. БОЗОРДА ХАРИД ҚИЛИШ

Килоси неча сўм (дан)?
 Менга бир кило (500 грамм) беринг.
 Узумингиз неча сўм (дан)?
 Бир кило (ярим кило) тортинг.
 Мунча қиммат?
 Қиммат — ку.
 Сизга неча сўм беришим керак?
 Мен сизга неча сўм қарзман?
 Мана сизга уч сўм.
 Менга 40 тийин қайтиб беринг.
 Майда пулингиз борми?
 Майда пулим йўқ.
 Қоғозингиз йўқми?
 Қоғозга ўраб беринг.

ЛУҒАТ

неча	— сколько
беринг	— дайте
узум	— виноград
мунча қиммат	— (почему) так дорого?
бермоқ	— дать
қарз	— долг
уч сўм	— три рубля
майда пулингиз борми?	— мелочь (у вас) есть? —
йўқ	— нет
қоғоз	— бумага

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Чиқиш келишиги бор сўзларнинг маъноси ва синтактик вазифасини тушунтириб беринг.

ЧИҚИШ КЕЛИШИГИ

Чиқиш келишиги кимдан? нимадан? сўроқларига жавоб бериб, — дан келишик қўшимчасига эга. Чиқиш келишиги (— дан) қўшимчасига эга. Чиқиш келишиги (— дан) қўшимчаси сўзларга қўшилганда — дан каби талаффуз қилинса ҳам ҳар доим —дан шаклида ёзилади. Тошкентдан, қишлоқдан.

Исходный падеж.

Исходный падеж отвечает на вопросы кимдан (от кого?), нимадан? (от чего?), каердан? (откуда?), например: талабадан — от студента; уйдан — из дома; узумдан — из винограда.

Исходный падеж образуется при помощи аффикса —дан указывает на место, время, объект, причину, которые являются источником начала действия, например: Ўртоғим Москвадан келди — Мой друг приехал из Москвы Куйлак читдан тикилган — Платье сшито из ситца. Меҳнатни дадамдан ўргандим — Трудиться научился у отца.)

22-машқ. Берилган гапларни кўчиринг. Гаплардаги чиқиш келишиги кўшимчаларининг тагига чизинг.

1. Хазина ғойибдан эмас, меҳнатдан келади.
2. Ақлдан ортиқ бойлик бўлмас.
3. Меҳнатдан кўрқма, миннатдан кўрқ.
4. Дўстим кеча қишлоқдан келди.
5. Кўчат эрта баҳордан бошлаб экилади.
6. Шифокордан ширин сўз ҳам талаб этилади.

17-§. ЎЗБЕКИСТОН — ИСТИҚЛОЛЛИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ РЕСПУБЛИКА

1991 йил 1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни деб эълон қилинди. Собиқ Иттифоқ таркибидаги барча республикалар каби Ўзбекистон ҳам истиқлолга эришиб, ўзининг мустақил иқтисодий, сиёсий йўлига ва миллий сиёсати, давлат тили, давлат рамзи ҳамда байроғига эга бўлди. Миллий мудофаа кўшинлари тузилди. Туркия, Эрон, Америка, Россия, Германия, Япония, Ҳиндистон, Франция, Покистон, Миср ва бошқа кўп хорижий мамлакатлар ўзларининг элчихоналарини очди.

Ортимизнинг миллий мустақиллик йўлидаги бу ютуқлари бирданига ва осонликча бўлгани йўқ. Бу йўлдаги дастлабки ҳаракат Туркистонда чор мустамлакачилиги даврларидан бошланди. Кейинчалик турли халқ кўзғолонлари, айниқса Туркистон Мухториятининг галабаси ва уни қулатган большевиклар тузуми давридаги зулмга қарши бўлган турли курашлар бўлиб ўтди. Бу курашларда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Фитрат, Чўлпонлар қатнашиб, 1917—1920 йилларда фақат Туркистонда эмас, бутун Россияда миллий истиқлол курашчилари сифатида танилдилар. Улар орзу қилган миллий мустақилликка ўзбек халқи 70 йилдан кейин эришди.

Истиқлол сабабли маънавий қадриятларимиз, урф — одатлар тикланди. Дунё илм — фанига асос солган, унинг тараққиётига улкан ҳисса кўшган алломаларимиз шуҳрати ўзимизга қайтиб келди. Уларнинг номлари фахр билан тилга олинмоқда. Хўжа Аҳмад Яссавий, Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ зотларнинг адабий меросларини чуқур ўрганиш бахтига муяссар бўлдик.

Ўзбекистон умуминсоний қадриятларга асосланган, ўзбек халқи келажигини аниқ қилиб белгилаб берган «Асосий Қонун – Ўзбекистон Конституция»сини қабул қилди. Республика миқёсидаги бағча анжуманларда давлат мадҳияси янграб турибди. Ўзбекистонни ҳозирги кунга келиб, 160 мамлакат суверен давлат сифатда тан олди. Жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатда ўз йўлини танлаб олди ва шу йўлдан дадил бормоқда.

ЛУҒАТ

истиқлол	— независимость
собиқ	— бывший
хорижий	— зарубежный
элчихона	— посольство
мустамлакачилик	— колонизаторство
маҳрум бўлмақ	— лишиться
уйғониш	— возрождение
мадҳия	— гимн

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва мазмуни айтиб беринг.
2. Матндаги сифатларни топиб, улар иштирокида 6-та гап тузинг.

СИФАТ. СИФАТ ДАРАЖАЛАРИ

Предметнинг ранги, ҳажми, шакли, маза – таъмини, характери, ўрин – вақтга муносабатини билдирувчи мустақил сўз туркуми сифат дейилади. Сифат қандай?, қанақа?, қайси?, каби сўроқларга жавоб беради. Масалан: тоза, чиройли, қизил, катта, ширин, кундузги каби.

Сифат даражалари. Бир неча предметдаги бир хил белгини миқдор жиҳатдан фарқлашга сифат даражаси дейилади. Икки предметдаги бир хил белгининг ўзаро қиёсланмаган шакли оддий даража ҳисобланади. Масалан: кичик, яхши, иссиқ.

Бир хил белгининг қиёс қилинишидан икки даража ясалади: қиёсий даража, оттирма даража.

Предметдаги маълум бир белгининг бошқа предметдаги худди шундай белгидан ортиқ ёки камлигини кўрсатувчи даража қиёсий даража дейилади. Қиёсий даража оддий даражага – **роқ** кўшимчасини қўшиш билан ясалади. Масалан: Унинг дала боғи бизнинг дала боғимиздан каттароқ. Сенинг ёшинг унинг ёшидан кичикроқ.

(Знаменательные слова, обозначающие признак предмета, называются именем прилагательным. Прилагательные отвечают на вопросы **қанақа?**, **қандай?** (какой?, **какая**, **какое?**), **қайси?** (который?, **которая?**, **которое?**), **тоза**(чистый), **чиройли** (красивый), **қизил** (красный), **катта** (большой), **ширин**(сладкий), **кундузги**(дневной).

В узбекском языке прилагательные с определяемым словом не согласуются ни в числе, ни в падеже. Например: балаңд бино — высокого здания, балаңд бинонинг — (даражалари) — (окно) высокого здания; балаңд бинолар — высокие здания, балаңд бинодан — от высокого здания. По значению и некоторым грамматическим признакам в узбекском языке различаются два типа прилагательных: качественные (аслий) и относительные (нисбий).

Качественные прилагательные (аслий сифатлар) выражают признак непосредственно, т.е. лексически. Например: оқ (белый), кичик (маленький), балаңд (высокий), сариқ (жёлтый) и т.д.

Относительные прилагательные (нисбий сифатлар) выражают признаки предметов и понятий через их соотношение с другими предметами и понятиями и обычно являются производными от существительных. Например: баҳор (весна) — баҳорги (весенний), илм (наука) — илмий (научный), қиш (зима) — қишки (зимний) и т.д.

Сифат даражалари. — (Степени имён прилагательных).

В узбекском языке категория степени свойственна только качественным прилагательным. Качественные прилагательные употребляются в формах положительной, уменьшительной и превосходной степени.

1. Форма положительной степени, в которой признак одного предмета не сравнивается с признаком другого предмета, является исходной для других степеней. Например: кичик (бола), яхши (китоб), иссиқ (хона) и т.д.

2. Форма уменьшительной степени обозначает признак, который проявляется в данном предмете в меньшей мере. В узбекском языке уменьшительная степень образуется прибавлением к основе прилагательного аффикса —роқ. Например: Унинг дала боғи бизнинг дала боғимиздан каттароқ. — Его дача больше, чем наша дача.)

23-машқ. Қуйидаги қўшма ва жуфт сифатлар асосида гап тузинг: қўлбола, очкўз, тинчликсевар, катта — катта, узун — қисқа, яхши ёмон, оқ — қизил.

24-машқ. Гаплардаги сифатларни топиб, тагига чизинг.

1. Муҳаббат — ўзи ёт кўзлардан йироқ бўлган ўта нозик ҳис (П.Қ.). 2. Сув ўртасида кўкариб турган ялпиздан атрофга муаттар ҳид тараларди (Ч.А.). 3. Кеч кириб, тоғдан эсан майин шабада ҳам тиниб, хирмон жимжит бўлиб қолди. (Ч.А.). 4. Бу келган йигит Жамиланинг узоқ қариндоши, ҳамқишлоғи экан (Ч.А.). 5. Бу орада у кечаги оқшомнинг энг қувончли дамларини кўз олдида бир — бир ўтказарди (П.Қ.). 6. У ўрта бўйли, қотмадан келган, оқиш юзли ва териси юпқа йигит эди (П.Қ.). 7. — «Ўтир, ўтир, аҳмоқ чол, сўрамаса аралашиб нима қилсан» (Ч.А.).

18-§. ОЛТИН ОЛМА, ДУО ОЛ, ДУО ОЛТИН ЭМАСМИ?

«Кишиларга яхшилик қил. Яхшилик қилсанг, эл орасида номинг

қолади. Яхшилик қилиб кўпчиликнинг олқишини олсанг, бу олтидан аъло» — дейди халқимиз.

«Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?», «Ёмғир билан ер кўқарар, олқиш билан эр кўқарар», «Олқиш олган — оғримас, қарғиш олган — ёримас (бу кейинги мақолларда кишиларга яхшилик қилиш жуда яхши оқибатларга, ёмонлик қилиб, қарғиш, лаънатлар эшитиш эса жуда ёмон оқибатларга олиб бориши қайта — қайта уқтирилган). «Балли, қовоғини солиб дейди Ёрмат, — олтин олма, дуо ол, деган қадимгиларнинг сўзи бор. Лекин дуо оламан деб хўжайинига зарар етказиш ярамайди» (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

ЛУҒАТ

олқиш	— восхваления
қарғиш	— проклятие
хужайин	— хозяин
қайта — қайта	— еще и еще раз
киши	— мужчина (мужчина в годах)
балли	— браво
қовоғини солиб	— хмуро

Топшириқ:

1. Матни ўқинг, унинг мазмунини, маъзини чақинг.
2. Гаптаги орттирма даражали сифатларнинг тагига чизинг. Улар ёрдамида ўзингиз мустақил гаплар тузинг.

СИФАТНИНГ ОРТТИРМА ДАРАЖАСИ

Предметдаги белгининг бошқа ўхшаш предметдаги шундай белгидан миқдор жиҳатдан анча кўп эканлигини кўрсатувчи даража орттирма даража дейилади. Орттирма даража белгини ифодаловчи сўздан олдин энг, жуда, жуда ҳам, гоят каби сўзлардан бирини келтириш билан ифодаланади. Масалан: Рассомнинг энг яхши асари кўргазмага қўйилди.

(Прилагательные в превосходной степени обозначают наибольшую степень признака, т.е. признак проявляется в большей мере. Превосходная степень образуется путём прибавления слов энг (самый), жуда (очень), жуда ҳам (очень даже), ҳаммадан (из всех) к прилагательным. Например: На выставку поставлено самое хорошее произведение художника).

25-машқ. Сифатнинг орттирма даражасига мисоллар келтиринг, шу мисоллар асосида гап тузинг.

Намуна: энг, гоят, жуда, ниҳоятда, беҳад.

Биз ёшлар учун бу дамлар энг бахтиёр дамлардир.

26-машқ. Сифатларни топиб, қайси даража шаклида қўлланганини аниқланг.

1. — Ич, иссиқроқ ич, қўрқма. Шамоллашни фақат иссиқ билан ҳайдайсан (Ҷ.А.). 2. — Йўқ, йўқ, тўхтасак, қочишдан ҳам хунуроқ бир фалокат юз бериши аниқ, — деди Чўлпон (А.Ҳасан). 3. — Кифоятхон бу кишидан уч—тўрт ёш каттароқ (А.Қ.). 4. — Чўққилар аввалгидан ҳам оқроқ ва силлиқроқ (П.Қ.). 5. — Кишининг иши тўғри бўлса, бу унинг учун энг яхши мақтовдир (А.Н.). 6. — Байкал — энг чуқур қўл.

19-§.ИЗЗАТ СУЛТОН

Улкан адабиётшунос олим ва адабиёт назарийчиси, таниқли драматург ва кинодраматург, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва санъат арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Республика Давлат мукофотининг совриндори, академик Иззат Султон 1910 йил 29 ноябрда Қирғизстон Республикасининг Ўш шаҳрида туғилди.

Иззат Султон бутун онгли ҳаётини Ўзбекистоннинг фани, маданияти ва санъатининг равнақиға бағишлади. У санъатнинг бадиий адабиёт, театр, кино ва опера турларида самарали ижод этиб, ўлмас санъат асарлари яратди.

Ҳозирги замон ўзбек адабиётининг қирқ йилдан ортиқ вақт ичида йиғилган тажрибасини умумлаштирган «Ўзбек адабиёти тарихи очеркининг (1961—1962) майдонга келишида Иззат Султоннинг хизматлари катта бўлди. 1857—1962 йилларда «Ўзбек адабиёти масалалари» номидаги ўзбек ва рус тилларида чоп этилган учта йирик адабий—тарихий тўпламларда, 1967—1975 йилларда босмадан чиққан икки томлик «Адабиётимизнинг ярим асри» ва бошқа илмий тўпламларда Иззат Султоннинг муҳим аҳамиятта эга бўлган илмий асарлари босилди.

Иззат Султон икки жилдлик «Адабиёт назарияси» (1978—1979 й.) ва «Адабий — танқидчилик тарихи» китобларига раҳбар ва муаллиф сифатида иштирок этди. Унинг ўрта мактаблар учун «Адабиёт назарияси» китоби 1939 йилда матбуотда чиққан эди. 1980 йилда олий мактаблар учун «Адабиёт назарияси» китобини яратиб, Иззат Султон жаҳон миқёсида фикрлай оладиган олим эканлигини намойиш этди.

1969 йилда яратилган «Навоийнинг қалб дафтари», «Книга признаний Навои» (1980 г.) монографияси олим ижодида муҳим ўрин эгаллади.

Иззат Султон асарлари Ҳамза номи ўзбек Давлат Академик драма театрида мустаҳкам ўрин олган атоқли драматург ҳамдир. У ўзининг 1939 йилда яратилган тўнғич саҳна асари «Бургутнинг парвози» билан драматургияга кириб келди. 1941 йилда у шоир ва драматург Уйғун билан ҳамкорликда машҳур «Алишер Навоий» сини

ёзди. Кейинчалик «Имон» (1960), «Номаълум киши» (1963), «Кўрмайин босдим тиконни» (1975), «Истеҳком» (1978), «Донишманднинг ёшлиги» (Ибн Синонинг 1000 йиллигига бағишланган (1980), «Абдулла Қодирийнинг ўтган кунлари» (1989) каби саҳна асарларини яратди.

А.Спешнёв, Уйғун ва В.Щкловскийлар билан ҳамкорликда «Алишер Навоий» (1947) ва ўзи мустақил равишда «Россиядан нур» (1959), «Фидоқй» (1964), «Малоҳат» (1972) киносценарийларини, «Шоир қалби» (1962), «Зарафшон водийларида» (1972) каби опера – либреттоларини ёзди.

Иззат Султон Анри Барбюснинг «Михаил Кольцов», А.С.Пушкиннинг «Белкин қиссалари», «Бекат назоратчиси», К.Гальдонийнинг «Гаройиб ҳодиса», А.Софроновнинг «Москваликлар характери», М.Шатровнинг «Алвон яйловларда кўк тулпорлар» асарларини ўзбек тилига, Ҳамза пьесаларини рус тилига таржима қилган моҳир таржимон ҳамдир.

Иззат Султон узоқ йиллар илмий ишларни, давлат ва жамоат ишлари билан боғлиқ ҳолда олиб борди. У 1941–1943 йилларда Республика Радиоэшиттириш давлат комитети раисининг ўринбосари, 1943–1945 йилларда Тошкент киностудиясининг директори, 1945–1948 йилларда Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари, 1948–1950 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил ва адабиёт институтининг директори, 1956–1957 йилларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби ва бошқа лавозимларда ишлади. 1964 йилдан эса Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг адабиёт назарияси ва танқидчилик тарихи бўлимининг раҳбари лавозимларида ишлади.

Шунингдек Иззат Султоннинг 14 жиллик Ўзбек Энциклопедиясининг бош таҳрир ҳайъати аъзоси, адабиёт ва фольклор бўлимининг раҳбари, «Ўзбек тили ва адабиёти», «Ўзбекистон санъати» журналларининг таҳрир ҳайъати аъзоси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, кинно ходимлари уюшмаси ва республика–Театр арбоблари уюшмаси аъзоси сифатида олиб борган ишларини алоҳида таъкидлаш керак.

Иззат Султон 2001 йилда Тошкент шаҳрида вафот этди.

ЛУФАТ

адабиёт назарияси	– теория литературы
адабий танқид	– литературная критика
«Бургутнинг парвози»	– «Полёт орла»
«Имон»	– «Люди с верой»
«Номаълум киши»	– «Неизвестный»
«Истеҳком»	– «Крепость»
фидоқй	– одержимый
етақчи	– ведущий
тимсол	– символ
жараён	– процесс
бағишланган	– посвящен(ный)

гайратли, шижоатли
қийин, мураккаб

— энергичный, напористый
— сложный

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Матндаги сон турларини аниқланг ва улар иштирокида 8—та гап тузинг.

СОН. САНОҚ ВА ТАРТИБ СОНЛАР

Бир хилдаги предметларнинг сон — саноғини, тартибини билдириб, неча?, нечанчи?, нечта?, қанча?, каби саволлардан бирига жавоб берадиган мустақил сўзлар сон дейилади. Масалан: бешта дафтар, тўртта китоб, иккинчи курс, учинчи қават каби.

Сонларнинг турлари. Сонлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра икки катта гуруҳга бўлинади: саноқ ва тартиб сонлар. Саноқ сонлар неча?, қанча? сўроқларига жавоб, бўлиб, предметларнинг сон — саноғини, билдириш учун қўлланади. Масалан: 2 — икки, 14 — ўн тўрт, 100 — юз, 1000 — минг каби.

Тартиб сон бир хил предметларнинг, нарса — ҳодисаларнинг тартибини билдиради ва —нчи, (—инчи) қўшимчаси орқали ясалади. Масалан: бешинчи курс, учинчи бригада, иккинчи қатор, ўнинчи қават. Саноқ сонлар беш турли бўлади: миқдор сон, дона сон, чама сон, жамловчи сон, тақсим сон ва каср сон. Икки, ўн, ўттиз, тўққиз каби қўшимчаларсиз қўлланган сонлар миқдор сон ҳисобланади. Дона сонлар миқдор сонга — та қўшимчаси қўшиш билан ясалади: еттита, юзта, мингта каби. Ўнтача, юзтача, минглаб, мингларгача, бир — икки, беш — ўн сонлар чама сонлардир. Чама сонлар — тача, —ларча, —лаб қўшимчаси орқали ёки икки соннинг жуфтлашишидан ясалади. Олтов, икков, бешов, учов, иккала, бешовлон каби сонлар жамловчи сонлар бўлиб, улар миқдор сонга —ов, —ала, —овлон қўшимчаларини қўшиш билан ясалади. Тақсим сонлар —тадан, —дан қўшимчалари ёрдамида ёки икки соннинг жуфтлашиши ва такрорланишидан ясалади. Бунда жуфтлашиб ёки такрорланиб келаётган сонларнинг иккинчи қисми — дан қўшимчасини олади. Масалан: ўнтадан, учтадан, иккита — иккитадан, бешта — бештадан.

(Имя числительное в узбекском языке отвечает на вопросы неча?, қанча?, нечта? (сколько?), нечанчи? (который?) и обозначает количество или порядок предметов при счёте. Например: пять тетрадей, четыре книги, второй курс, третий этаж и др.

По значению числительные делятся на количественные и порядковые. Количественные числительные (саноқ сонлар) отвечают на вопросы неча?, қанча? (сколько?) и употребляются для обозначения количества предметов, например: 5 — беш (пять), 14 — ўн тўрт (четырнадцать), 80 — саксон (восемьдесят), 100 — юз (сто), 1000 — минг (одна тысяча) и т.п.

Порядковые числительные (тартиб сонлар) отвечают на

вопрос нечанчи? (который?) и употребляются для обозначения порядка предметов при счёте. Они образуются от количественных числительных путем прибавления к ним аффиксов —нчи, —инчи, например: бешинчи курс (пятый курс), учинчи бригада (третья бригада), иккинчи қатор (второй ряд), ўнинчи қават (десятый этаж).

В узбекском языке различаются следующие разряды количественных числительных: дона сонлар (штучные), чама сонлар (приблизительные), жамловчи сонлар (собираемые), тақсим сонлар (разделительные), каср сонлар (дробные).

Дона сонлар (штучные числительные) обозначают общее количество предметов при их штучном исчислении. В узбекском языке штучные числительные образуются двумя способами:

1. Присоединением к количественным числительным аффикса —та: еттита фишт — семь кирпичей, юзта ўқувчи — сто учеников, мингта талаба — одна тысяча студентов.

2. При помощи слов образующих штучность: дона (штука), жуфт (пара), даста (пачка, связка, букет), туп (куст и т.п.), например: уч дона ёнғоқ — три ореха, ўн туп кўчат — десять саженцев и т.п. . .

Чама сонлар (приблизительные числительные) обозначают приблизительное количество предметов и образуются присоединением к основе числительного аффикса —тача, —ларча, —лаб; юзтача (около ста), минглаб (тысячами).

Жамловчи сонлар (собираемые числительные) обозначают количество единиц, образующих совокупность предметов, и образуются присоединением аффиксов —ов, —ала, —овлон к количественным числительным от одного до семи. Например: олтов (шестеро, вшестером), икков (двое, вдвоём), бешовлон (пятеро, впятером).

Тақсим сонлар (разделительные числительные) обозначают приблизительное количество предметов и образуются следующими способами:

1. Присоединением к основе числительного аффикса —таган: ўнтадан (по десять), учтадан (по трое).

2. Повторением штучных числительных: учта—учта (по трое), бешта—бешта (по пять).

Каср сонлар (дробные числительные) обозначают части целых чисел и образуются присоединением к знаменателю аффикса —ган, тогда как числитель остается в форме падежа: 3/5—бешдан уч, 1/6—олтидан бир. Целое перед дробью передается словами бутун: 3 1/2—уч бутун иккидан бир, 8 2/3—саккиз бутун учдан икки.

27—машқ. Рақамларни сўзга айлантириб кўчириш ва уларни тўғри талаффуз қилиш.

10, 20, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90, 99,
109, 111, 114, 115, 200, 300, 350, 555.

28-машқ. Сонларнинг маъно турларини аниқланг.

1. Бирпасда бир гуруч, бир гўшт қилиб ош дамлаб келди (Ў.Ҳ.).
2. Илмий кишиларнинг умри — иккита (С.Н.).
3. Шофер чўнтагидан иккита олма чиқазди — да, болага берди (С.А.).
4. Собир Раҳимов биринчи ўзбек генерали эди.
5. Тошкент минг — минглаб кишиларни ўз қучоғига олган эди.

20-§. МЕНИНГ ИШ КУНИМ

Мен ҳар куним эрталаб соат еттида ўрнимдан тураман. Эрталабки гимнастика машқларини бажараман, ювинаман, тишларимни тозалайман ва нонушта қиламан. Соат саккиз яримда уйдан чиқаман. Трамвайда институтга бораман.

Институтда дарс соат иккигача давом этади. Дарсдан чиқиб ошхонада овқатланаман. Овқатдан кейин уйга бораман ва икки соатча дам оламан: газета, журнал ёки бадиий асар ўқийман. Баъзан овқатдан кейин кўчада сайр қиламан, сўнг дарс тайерлаш учун дарсхонамга кираман.

Соат саккизда кечки овқатни ейман, сўнг телевизор кўраман, ухлаш олдидан ўртоғим билан тоза ҳавода сайр қиламиз. Соат ўн бирда ётамиз.

ЛУҒАТ

кун	— день
эрталаб	— утром
соат	— часы
етти	— семь
нонушта	— завтрак
ошхона	— столовая
уй	— дом
бадиий асар	— художественное произведение
тоза	— чистый
ҳаво	— воздух
тоза ҳаво	— чистый воздух
кечки	— вечерний
кечки овқат	— ужин

Топшириқ.

1. Матнини ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Аниқ вақт соатини белгиловчи сўзларнинг тагига чизинг.

ВАҚТ ҲИСОБИ

Ўзбек тилида вақтни ифодалаш учун соат сўзи дونا сонлар билан бирга қўлланиб, маълум бир вақт ҳисобини билдиради ва қуйидагича

юритилади:

1. Вақтнинг қандайдир бўлагини ёки узоқ муддат давом этганлигини аниқ қилиб кўрсатишда соат сўзи сондан кейин қўлланади. Масалан: Беш соат юрдим. — Пять часов ходил.

2. Кунлик вақтни ифодалаш учун соат сўзи сондан аввал айтилади. Масалан: Иш соат бешгача давом этади. — Работа продолжается до пяти часов.

Вақт соат ва дақиқа ҳисобида қуйидагича ифодаланади:

1. Тўлиқ бўлмаган соатнинг биринчи ярмини чегаралаб кўрсатишда, яъни соатдан маълум бир дақиқа кечганлигини ифодалаш учун дونا сонга чиқиш қўшимчаси қўшилади, сўнг «ўтмоқ» феъли феъл замониға қараб кўшиб айтилади.

Масалан: Ҳозир соат учдан ўн икки дақиқа ўтди. — Сейчас двенадцать минут четвертого.

2. Тўлиқ бир соатга қанчадир дақиқа етмаслигини билдириш учун эса дақиқани билдирувчи сондан кам сўзи қўлланиб, сўнг соат вақти кўрсатилади. Масалан: Ҳозир соат ўн беш дақиқаси кам (чорак кам) саккиз. — Сейчас без пятнадцати (без четверти) восемь.

Для обозначения времени в узбекском языке употребляется слово *соат*, которое в сочетании с количественными числительными выражает определенные понятия и имеет следующие особенности употребления:

1. Для обозначения отрезка и продолжительности времени слово, *соат* употребляется после числительного, например: Беш соат юрдим — Пять часов ходил.

2. Для обозначения времени суток слово *соат* употребляется перед числительным, например: Иш соати бешгача давом этади — Работа продолжается до пяти часов. Время в часах и минутах выражается следующим образом:

1. В пределах первой половины неполного часа за словом *соат* ставится числительное в исходном падеже, за ним — числительное, указывающее на количество минут, и соответствующие формы времени глагола ўтмоқ: Ҳозир соат учдан ўн дақиқа ўтди. — Сейчас двенадцать минут четвертого.

2. В пределах второй половины неполного часа за словом *соат* ставится числительное, указывающее на количество минут, недостающих до полного часа, и слово кам (без) потом числительное, указывающее, к какому полному часу приближается время.

Ҳозир соат ўн беш дақиқаси кам (чорак кам) саккиз. — Сейчас без пятнадцати (без черверти) восемь.

29—машқ. Қуйидаги гапларни кўчиринг. Вақт ҳисобини белгилловчи сўзларнинг ёзилишига ва талаффузига эътибор беринг.

— Сизнинг дарсингиз соат нечада бошланади?

— Соат саккиз яримда.

— Ўқишингиз нечада тугайди?

— Ўқишимиз йигирма дақиқаси кам тўртда тугайди.

- Катта танаффус неча дақиқа?
- Ярим соат. Қолган танаффуслар беш дақиқадан.
- Мажлис беш яримда бошланадими?
- Йўқ, соат олтидан йигирма дақиқа ўтганда.

21-§. ВАТАНИМНИНГ ШОНИ, НОМИ, РАВНАҚИ ЯНАДА ОШАВЕРСИН

Жонажон Ўзбекистонимизнинг давлат мустақиллигини кўлга киритганига мана ўн йил бўлди. Бу шонли давр мобайнида мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, юртимизни жаҳондаги илғор мамлакатлар қаторидан жой олишини таъминлаш борасида фахрланиб тилга олса арзигулик ишлар амалга оширилди.

Халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш жараёни самарали давом эттирилмақда. Иқтисодий мустақилликка, хусусан, галла мустақиллигига эришиш мақсадида жонбозлик кўрсатилмоқда. Юртимиздаги бунёдкорлик ишлари, улкан қурилишлар ҳар қанча таҳсин — у ҳайратга лойиқдир. Амир Темур хиёбони ёнгинасида жадал суръатларда қад ротланган гўзал мафтункор иншоот — Темурийлар тарихи музейининг қурилиши ҳам фикримизнинг ёрқин мисолидир.

Маънавиятга иқтисодиётдан қолишмайдиган устувор соҳа сифатида қаралаётганлигини ҳам алоҳида мамнуният билан таъкидлаш жоиз. Бу узоқни кўзлаб қилинаётган ишдир. Зеро, иқтисодий соҳалардаги етишмовчиликларнинг ўрнини қоплаш мумкин, аммо маънавий қаҳатчиликнинг оқибатлари ҳамиша аянчли бўлиб, уларни бартараф этиш учун бир неча ўн йиллар, ҳатто асрлар керак бўлиши тарихдан жуда яхши маълум.

Биз ота — боболаримиз яратган буюк маънавий қадриятларга мустаҳкам таянган ҳолда янги бир жамият, адолатли, ҳуқуқий давлат барпо этмоқдамиз.

ЛУФАТ

давлат	— государство
мустақиллик	— независимость
жаҳон ҳамжамияти	— международное сообщество
жаҳон халқлари	— народы мира
иқтисодий мустақиллик	— экономическая независимость
Амир Темур хиёбони	— площадь Амира Темура
Темурийлар тарихий музейи	— музей истории Темуридов
маънавий қадриятлар	— духовные ценности

Топширик:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Матндаги кишилик олмошларининг тагига чизинг.

ОЛМОШ, КИШИЛИК ОЛМОШЛАРИ

Феъдан бошқа мустақил сўз туркумлари ўрнида қўлланиладиган сўзлар олмош дейилади.

Олмошлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади: кишилик, кўрсатиш, сўроқ, белгилаш, ўзлик, бўлишсизлик, гумон олмошлари.

Кишилик олмошлари уч шахс ёки предметни кўрсатиб, бирлик ва кўпликда қўлланади:

Шахс	Бирлик	Кўплик
1ш.	мен	биз
2ш.	сен	сиз
3 ш.	у	улар

Кишилик олмошлари келишиклар билан турланади. Кишилик олмошлари мен, сен қаратқич ва тушум келишиги қўшимчаларини қабул қилганда, одатда битта н тушиб қолади. Мен –нинг –менинг, сен –нинг –сенинг, мен –ни –мени, сен –ни –сени каби. Учинчи шахсдаги у олмоши жўналиш, ўрин –пайт, чиқиш келишиги қўшимчаларини олганда, аксинча, бир н товуши орттирилади: у –н –га –унга, у –н –да –унда.

(Местоимением называется часть речи, которая употребляется вместо имени существительного, прилагательного и числительного.

По значению и грамматическим признаком в узбекском языке различаются следующие разряды местоимений: кишилик (личные), ўзлик (возвратное), кўрсатиш (указательные), сўроқ (вопросительные), белгилаш (определятельные), бўлишсизлик (отрицательные), гумон (неопределенные).

Личные местоимения в узбекском языке представлены словами: мен (я), сен (ты), у(он), биз (мы), сиз (вы), улар (они).

Личные местоимения склоняются по падежам, принимают аффиксы лица числа.

При склонении в притяжательном, в винительном падежах местоимения мен и сен пишутся с одним н: мен –нинг –менинг, сен –нинг –сенинг, мен –ни –мени, сен –ни –сени, а местном и исходном падежах принимают одно н: у –н –га –местоимения третьего лица в дательно –направительном унга, у –н –да –унда, у –н –дан –ундан).

Кишилик олмошларининг турланиши (склонение личных местоимений)

Келишиклар (падежи) 1 шахс 1 лицо 2 шахс 2 лицо 3 шахс 3 лицо
Бирлик (ед.чис) Кўплик (мн.чис)
Б.к. мен биз сен сиз у улар
Қ.к. менинг бизнинг сенинг сизнинг унинг уларнинг
Т.к. мени бизни сени сизни уни уларни
Ж.к. менга бизга сенга сизга унга уларга

Ў.п.к. менда бизда сенда сизда унда уларда

Ч.к. мендан биздан сендан сиздан ундан улардан

30—машқ. Қавс ичида берилган кишилик олмошларини келишиклар билан турлаб, сўз бирикмалари ҳосил қилинг.

(Мен) китобим, (сен) дўстинг,

(У) отаси, (биз) шаҳримиз,

(Сиз) вазифангиз, (улар) кўрдим,

(У) кўринган, (мен) аталган,

(Сен) олган, (биз) кейин,

(Сиз) оилангиз.

22-§. ШУКУР БУРҲОНОВ

Истеъдодли актёр, халқ артисти Шукур Бурҳонов 1910 йил 15 сентябрда Тошкентда туғилди. Ш.Бурҳонов Тошкент қишлоқ хўжалиги техникумида ўқиб юрган даврида драма тўғарагига қатнашиб, актёрлик касбига меҳр қўяди. У атёрлик фаолиятини 1928 йилдан Ўзбек Давлат драма (ҳозирги Ўзбек Миллий академик) театрида бошлади. У дастлаб саҳнада ёшлар образини яратди. Уруш ва-урушдан кейиндаги йилларда у саркардалар образини яратди. И.Султоннинг «Бургутнинг парвози» пьесасида Фрунзе, К.Яшиннинг «Генерал Раҳимов» пьесасида генерал Раҳимов, Н.Сафаровнинг «Шарқ тонги» спектаклида Шумилов каби образлар шулар жумласидандир.

50—60—йилларда Ш.Бурҳонов ижобий қаҳрамонлар образини яратиш билан бир қаторда фожиавий ролларни ижро этишдаги маҳоратини ҳам кўрсатди. У саҳнада жаҳон, классик ва ўзбек ёзувчилари асарларидаги Ҳамлет (В.Шекспир «Ҳамлет», 1950), Брут (В.Шекспир «Юлий Цезарь», 1958), Шоҳ Эдип (Софокл «Шоҳ Эдип», 1970), Мирзо Улуғбек (М.Шайхзода «Мирзо Улуғбек», 1963) сингари машҳур қаҳрамонлар образларини яратди. Актёр Ҳамлет образи орқали ҳақиқат изловчи, саройда ҳукмрон бўлган риёкорлик, фитна—найрангларни фош этувчи қудратли инсон сиймосини акс эттиради. У Мирзо Улуғбек ролини ҳам юксак маҳорат билан ижро этиб, Улуғбекни давлат арбоби, буюк олим, мутафаккир ва одил инсон сифатида кўрсатди. Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асаридаги Эдип ролини ижро этишда Ш.Бурҳонов ўзининг бой тажрибаси ва имкониятларини ишга солди. Эдип образи билан Ш.Бурҳонов жаҳон театрининг йирик намоёндалари қаторидан жой олди.

Актёрнинг ижоди фалсафий ва кўп қиррали. У романтик, лирик характерли ва сатирик ролларда ҳам маҳорат кўрсатган. Масалан, Гоголнинг «Ревизор» комедиясида шаҳар ҳокими ролини ижро этди. У қандай ролда ўйнамасин, инсон тақдирини, унинг ички дунёсини очишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

Новатор актёр Ш.Бурҳонов киноактёр сифатида биринчи марта «Асал» (1940) фильмида Рустам, «Уйқусиз йўл» (1946) фильмида Ниёзий ролларини ўйнади, Н.Ғаниевнинг жаҳон экранида кенг шухрат

қозонган «Тоҳир ва Зухра» (1945) фильмидаги Қоработир образи актёрнинг кинодаги биринчи ютуғидир. 50 – йилларда Бурҳонов кинода Гофир (А.Файзиев «Бой ила хизматчи», 1954), Каримов («Бахт йўлида», 1957), Қаландаров (А.Файзиев «Синчалак», 1962) каби образларни яратди. Мирзо Улуғбек («Улуғбек юлдузи», 1964) роли Ш.Бурҳоновнинг кинодаги энг катта ютуғи бўлди. Актёр умрининг охиригача сахнани тарк этмади. Ш.Бурҳонов ўзининг сермаҳсул ижодий фаолияти билан ўзбек театри ва киноси ривожига катта ҳисса қўшди.

Бетакрор истеъдоди ва ўлмас ижодий мероси билан ўзбек миллий маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўшганлиги, бутун ҳаётини эл – юрт тараққиёти, халқимиз маънавиятининг юксалишига бахш этганлиги учун у 2001 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

ЛУФАТ

Тор – мор – истребление
 ютуқ – успех
 номус ва муҳаббат – честь и любовь
 саркардалар – полководцы
 мутафаккир – мыслитель
 қудратли – могучий
 ижобий қаҳрамон – положительный герой
 фожиавий роллар – трагические роли
 фитна – найранг – интриги, происки,
 заговор

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва унга 7–та савол тузинг. Дафтарингизга жавобини ёзинг.
2. Ўзлик олмошларининг тагига чизинг.

ЎЗЛИК ОЛМОШИ

Шахс ёки предметни аниқлаб, яққалаб кўрсатиш учун ишлатиладига ўз (ўзи) сўзи ўзлик олмоши дейилади.

Ўзлик олмоши (кўпликда, асосан кесатиқ ёки пичинг маъносини ифодалайди) қўлланганда, ундан олдин ёки кейин албатта эгалик қўшимчаси қўшилади. (Ўзлик олмошига қўшимчалар ўзларингни каби тарзида, яъни олдин кўшлик, кейин эгалик, сўнг келишик қўшимчалари қўшилади).

(Возвратное местоимение в узбекском языке представлено словом ўз. Оно соответствует русскому определённому местоимению сам.

В большинстве случаев возвратное местоимение ўз употребляется с притяжательными аффиксами, которые заменяют соответствующие личные местоимения: (мен) ўзим – я сам, (сен) ўзинг – ты сам, (у) ўзи – он сам: (биз) ўзимиз – мы сами, (сиз) ўзингиз – вы сами, (улар) ўзлари – они сами.

Местоимение ўз соответствует русскому притяжательному

местоимению свой, когда употребляется без аффиксов принадлежности. При этом определяемое слово обязательно должно иметь соответствующий аффикс принадлежности).

Бирлик (Ед.число)

Мен ўз қаламимни олдим — Я взял свой карандаш

Сен ўз қаламингни олдинг — Ты взял свой карандаш

У ўз қаламини олди — Он взял свой карандаш

Кўплик (Мн.число)

Биз ўз қаламимизни олдик — Мы взяли свой карандаш

Сиз ўз қаламингизни олдингиз — Вы взяли свой карандаш

Улар ўз қаламларини олдилар — Они взяли свой карандаш).

31-машқ. Мустақил равишда ўзлик олмоши асосида 6-та гап тузинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

32-машқ. Қуйидаги гапларни кўчиринг ва ўзлик олмошларини топинг, рус тилига таржима қилинг.

1. «Тафтишни ўзимиз ўтказамиз, — деди Норбой (Н.Е.)
2. Июль кۈеши ўз зарраларини унинг кўзларига сочди (Э.С.)
3. Ойнада ўз аксини кўрди. Ўзига ўзи узоқ тикилиб турди.
4. Буни биров сезмайди, фақат ўзи билади. (Э.С.)
5. «Ўша жойларга электр қувватини ҳам ўзимиз етказиб берамиз» (Э.С.)
6. Таътидан қайтгач, ўзим унга тушунтириб қўяман. (Э.С.)
7. «Келдим, эна келдим, ўзингиз омонмисиз?» (Э.С.)
8. Тўйдан кейин Комила опа уларни қўярда — қўймай ўз уйига кўчирди. (Э.С.)

23-§. АЛИШЕР НАВОЙЙ

(ҚИЗИҚ ҲИКОЯТЛАР)

Ҳикояш. Бир зўр паҳлавон бўлиб, у беҳунарлик бобида соҳибхунар эди. Чошгоҳда ўн ботмон, кечқурун ҳам худди шунча овқат ер эди. Бу икки пайт оралиғида яна шунча овқатланиб олар эди. У шунчалик кучли эдики, ҳатто маст филга ҳам шикаст етказа оларди. Иттифоқо, ҳаёт ҳодисалари туфайли мамлакатда харобалик юз берди. Шу сабабли у ернинг аҳолиси ўз жойини тарк этиб, ўзга томонга кетишга мажбур бўлди. Халқ жон ҳовучлаган ҳолда ўзга юрт сари бош олиб кетди. Йўл қийинчиликларидан беҳабар паҳлавон ҳам уларга ҳамроҳ бўлди. Йўл узоқ бўлиб, баднафс кишилар нафсини тўқ тутадиган обод жойлар йўқ эди. Таом емаган паҳлавон биринчи кундаёқ ўз ҳолига аза тутишга киришди. Иккинчи кун эса унинг жисмида мадори қолмади. Аммо учинчи кун у бояқиш биёбонда жонини топширишга мажбур бўлди.

Яна икки — уч машаққат тортгач, ёш болалар ҳам, ҳатто икки букилган қариялар ҳам сабр — тоқат билан йўлни охирига етказишди ва обод бир манзилга етиб келиб, мақсадларига эришишди.

Паҳлавон эса бу азоб ва уқубатларга бардош беролмай, йўлда нобуд бўлди.

ЛУҒАТ

пахлавон	— богатырь
зўр пахлавон	— сильный богатырь
ҳаёт	— жизнь
ўзга юрт	— чужая страна
йўл	— дорога
узоқ йўл	— дальняя дорога
ёш болалар	— дети
қария	— старый человек
ажал	— смерть
манзил	— адрес

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Матндаги кўрсатиш олмошларининг тагига чизинг.

КЎРСАТИШ ОЛМОШЛАРИ

Кўрсатиш олмошлари предмет ва шахсни кўрсатиш учун ишлатилади. Буларга: бу, шу, у ўша, ана у, мана бу (ул, бул, шул, ўшал) каби олмошлар киради. Кўрсатиш олмошлари маъноси, қўлланиш хусусиятига кўра бир—биридан маълум даражада фарқ қилади. Чунончи бу олмоши сўзловчига энг яқин предметни кўрсатса, ўша олмоши сўзловчига нисбатан узоқроқ бўлган предметни кўрсатиш ёки бирор нарса, воқеани эслатиш учун ишлатилади. Масалан: Бу ҳурмат. Бу меҳр—оқибат. Ўша гул пайванд қилинган теракни уч марта кинога олишди.

Кўрсатиш олмошларига қўшимчалар қуйидаги тартибда қўшилиб келади: оқдин кўплик, сўнг эгалик. Кейин келишик: шуларингни, ўшаларингдан каби.

(Указательные местоимения в узбекском языке

представлены следующими словами: бу, шу (этот, это), у, ўша (тот), ана (вон), мана (вот), ана у (вон тот), мана бу, ана шу (тот, этот), ул (тот), шул (это), ўшал (тот).

Когда указательные местоимения выступают в роли определения, они не согласуются с определительными словом ни в числе, ни в падеже. Например: у қишлоқ — то село, у қишлоқда — в том селе, шу автомобиль — этот автомобиль, бу автомобилда — на этом автомобиле.

При самостоятельном употреблении указательные местоимения принимают соответствующие падежные аффиксы. К местоимениям бу, шу, у, ўша в дательно—направительном, местном и исходном падежах прибавляется: н: бу—н—га—бунга, шу—н—га—шунга, у—н—да—унда, ўша—н—дан—ўшандан).

33-машқ. Қавс ичида берилган олмошларни келишиклар билан

турлаб, сўз бирикмалари тузинг ва ёзинг. Сўз бирикмалари иштирокида тўртта гап тузинг.

(Мен) китобим), (мен) чақирмоқ, (мен) сўрамоқ, (мен) айтмоқ, (мен) олмақ, (сен) газетанг, (сен) бормоқ, (у) мақтамоқ, (у) кўрмоқ).

34-машқ. Гапларни кўчиринг. Кўрсатиш олмошларини топиб, тагига чизинг.

1. Йўл – йўлакай шу ҳақида ўйлаб кетди. (Э.С.)
2. Буфетни менга кўрсатдилар, – деди қиз. (Э.С.)
3. Аминов буни қўшиқдай жаранглатиб айтди. (Э.С.)
4. Уни Новосибирскдаги савдо институтига киритиб қўйди.
5. Ўша жойга аёллардан қўясиз. (Н.Е.)
6. «Мана бу замонавий кабинет бўлибди», – дея хитоб қилибди. (Н.Е.)
7. Ана шу воқеадан сўнг уч йил ўтди. (Э.С.)

24-§. КУТУБХОНАДА

- Салом. Марҳамат қилиб мени кутубхонангизга аъзо қилсангиз.
- Паспортигиз борми?
- Беринг. Сизни кутубхонага аъзо қилиб ёздим. Мана сизга аъзолик билети.
- Раҳмат. Ўзимга керакли китобларни қандай олишим мумкин?
- Навбатчи маслаҳатчига мурожаат қилинг, у ҳаммасини тушунтиради.
- Марҳамат қилиб айтсангиз, менга керакли китобни қандай топсам бўлади?
- Алфавитли ёки соҳа каталоги бўйича топасиз.
- Уларни қандай олса бўлади?
- Китобингизнинг шифрини топгач, талабномани тўлдириб, кутубхоначига топширасиз. Сўнг сизга керакли китобни топиб беришади.
- Раҳмат.

ЛУҒАТ

паспортигиз борми	– паспорт (у вас) есть?
беринг	– дайте
аъзолик билети	– членский билет
наватчи	– дежурный
раҳмат	– спасибо
мурожаат қилмоқ	– обращаться
марҳамат қилиб айтсангиз	– скажите пожалуйста
топмоқ	– найти
қандай олса бўлади?	– как можно взять?
топширмоқ	– сдать (сдавать)
керакли китоб	– нужная книга

Топшириқ:

1. Матни ифодали ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Матндаги сўроқ олмошлари иштирок этган гапларни топинг ва уларни алоҳида кўчириб ёзинг.

СЎРОҚ ОЛМОШЛАРИ

Сўроқ олмошлари предмет, шахс, белги, миқдор ҳақидаги сўроқни билдиради. Бошқача қилиб айтганда, сўроқ олмошлари отларга, сифат ва равишларга, шунингдек миқдор билдирувчи сўзлар, сонларга нисбатан сўроқни ифодалайди. Масалан: ким?, нима?, отга: қайси?, қандай? сифат ва равишга: қанча?, нечанчи? каби сўроқ олмошлари сонга нисбатан қўлланади.

(Вопросительные местоимения в узбекском языке представлены словами ким? (кто?), кимлар? (кто?) по отношению к группе лиц, нима? (что?). нималар? (что?) по отношению к группе предметов, қандай?, қанақа? (какой?, как?), қайси? (который?), қанча?, неча? (сколько?), қачон? (когда?), қалай? (как?, چگونه?).

Ким?, нима? олмошларининг турланиши (склонение местоимений ким?, нима?).

Келишικлар Бирлик (Ед.число)
(падежи)

Кўплик (Мн.число)

Б.к ким?, нима?

Кимлар?, нималар?

Қ.к. кимнинг?, ниманинг?

Кимларнинг?, нималарнинг?

Т.к. кимни?, нимани?

Кимларни?, нималарни?

Ж.к. кимга?, нимага?

Кимларга?, нималарга?

Ў.п.к. кимда?, нимада?

Кимларда?, нималарда?

Ч.к. кимдан?, нимадан?

Кимлардан?, нималардан?

35-машқ. Кўчиринг. Олмошларни топиб, тагига чизинг ва турини айтинг.

1. Ҳаётни қанча севсанг, у сенга шунча гўзал кўринади.

2. Кишининг ҳурмати ўз қўлида.

3. Ким бўлди, унга шунча ҳасрат, шафқат, илтифот билан салом берган.

36-машқ. Олмошларнинг маъно турларини аниқланг.

1. Унинг кўзида ҳеч қачон ёш кўрмаган эди. (Ў.Ҳ.) 2. Қўнғироқ чалиниб бўлгунча, ҳеч ким гапирмади. (П.Қ.) 3. Очил қоғозларини йиғиштириб, дераза оддидаги тумбочкасининг устига элтиб қўйди. (П.Қ.) 4. Ҳаммамиз дув этиб боланинг кетидан эргашамиз. (О). 5. Дарахат соясида ётган йўлбарсни эса аллақадан келиб қолган овчи отиб ўлдирибди. 6. — «Дониёр ака, отлар сизникими?» — деб сўрадим ундан (Ч.Айт.)

Тошкент — Ўзбекистон Республикасининг пойтахти. Мамлакатимизнинг энг йирик саноат — транспорт ва маданият маркази. Республиканинг шимоли — шарқида Тянь — Шань тоғлари этакларида, денгиз сатҳидан 440 — 480 метр баландликда. Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган. Майдони 250 кв.км. Аҳолиси 2 миллиондан зиёд.

Тошкентнинг энг қадимги номи «Чоч» бўлган, Тошкент араблар тасарруфига ўтган, араб алифбосида «Ч» ҳарфи йўқлиги боисидан арабий асарларда у «Шош» деб юритилган. Илк ўрта асрларда у «Чоч», «Шошкент», «Мадинат аш — Шаш», «Бинкет» ва «Таркан» деб номланган. 14 — 15 асрлар бошида Тошкент Темур ва Темурийлар давлати таркибида бўлди. 1410 йилда у Улуғбек ихтиёрига мулк тарзида берилди. Бу даврда шаҳар воҳа билан кўчманчилар дашти чегарасидаги кучли қалъага айланди, унинг ҳудуди кенгайди, ишлаб чиқариш, савдо — сотиқ, маданият ривожланди. Шайхонтоҳур ансамблидаги мақбаралар. Жомеъ масжид ва бошқалар қурилди. ...Темурийлар ўртасида бошланган тахт учун кураш натижасида Тошкент 1485 йилда Мўғилистон хони Юнусхон ихтиёрига ўтди ва унинг қароргоҳига айланди. Шўринг қурғур шаҳар бундан кейин ҳам Шайбонийхонлар, Аштархонийлар, Бухоро хонлиги истилосида бўлди, неча бор яксон этилиб, неча бор тикланди.

XV асрда Тошкент бир неча дарвозали девор билан ўралган эди. XIX аср ўрталарида Тошкент бекларбегиси томонидан таъмирланган деворнинг Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешёғоч, Қўймас, Қўқон, Қашқар каби 12 дарвозаси ва 2 та қоғсқаси (бир отлиқ кириб чиқишига мўлжалланган) бўлган.

Тошкент чор Россияси томонидан босиб олингач, шаҳар дарвозалари ўз аҳамиятини йўқотди ва 1890 йилдан бошлаб бирин — кетин бузиб ташланди.

Мустақиллик даврида Тошкентнинг жамоли ўзгарди. Халқаро тоифадаги. «Интерконтиненталь», «Тата», «Шератон» меҳмонхонаси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбек Миллий академик драма театри, Ўзбекистон Давлат консерваторияси бинолари Ҳамид Олимжон майдонидаги иншоотлар мажмуи, бир қанча деҳқон бозорлари каби ажойиб ва нодир иншоотлар қурилди.

Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор заводи, «Ўзбеккабель», электрон техника заводи, «Кабултекс» тўқимачилик комбинати, «Қизил тонг», «Малика» акционерлик жамиятлари ва бошқа қатор қудратли индустриямизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нафақат мамлакатимизда, чет элларда ҳам қадри баланд.

Бугунги кунда шаҳримизда «УзДЭУ электроникс», «Совпластитал», «УзБАТ», «Ай — сель», «Ташинтерн», «Зафар», «Кока — Кола», «ЮМИ» сингари қўшма корхоналар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

пойтахт	— столица
қишлоқ	— село
қалъа	— крепость
таъмирлаш	— ремонтировать
шаҳар дарвозаси	— ворота города
меҳмонхона	— гостиница
нодир иморатлар	— уникальное здание
тўқимачилик комбинати	— текстильный комбинат
қўшма корхона	— совместное предприятие
баланд	— высокое
нафақат	— не только
фаолият	— деятельность

Топширик:

1. Матнини ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Матнлардан олмош иштирок этган гапларни топиб кўчиринг, олмошларнинг тагига чизинг ва турини устига ёзиб қўйинг.

БЕЛГИЛАШ ОЛМОШЛАРИ

Белгилаш олмошлари предметни ёки унинг билгисини жамлаб, яккалаб ажратиб кўрсатиш учун ишлатилади: ҳамма, барча, бари, баъзи, ҳар, ҳар бир, ҳар ким, ҳар қайси, ҳар қанча, ҳар нарса каби олмошлар белгилаш олмошлари ҳисобланади.

(Определительные местоимения в узбекском языке представлены словами: ҳамма, барча (всё), баъзи (некоторый), ҳар (всякий, каждый), ҳар бир (каждый), ҳар ким (каждый, всякий), ҳар қайси (каждый), ҳар қанча (сколько — то ни было), ҳар нарса (всё, что угодно) ит.п.

Определительные местоимения ҳамма, барча, бари выражают обобщённый признак предмета в его самостоятельном значении. Например: Барчага шофёрлик гувоҳномаси топширилади — Всем вручены шофёрские удостоверения.

Местоимения баъзи указывает на часть целого. Например: Баъзи ишчилар уйга кетишди — некоторые рабочие уехали домой.

Составные определительные местоимения, образованные путём сочетания слова ҳар с вопросительными местоимениями или словом бир, иногда словом нарса, выражают разделительное значение. Например: Ўқиш — ҳар биримизнинг вазифамиз (Учиться — долг каждого из нас).

37—машқ. Матнини ўқинг. Мазмунини ўзбек тилида сўзланг. Матндаги олмошларни топинг.

Мы живём в Ташкенте на улице Навои. Эта улица широкая,

длинная и чистая. По обеим сторонам улицы много деревьев и цветов.

Дома на улице Навои высокие и красивые. Здесь много учреждений, жилых домов и магазинов.

38-машқ. Гапларни ўқинг. Белгилаш олмошларини топинг, маъноси ва гаптаги вазифасини изоҳланг.

1. Ҳар қўлида икки шишадан «Баржоми» кўтариб, қизил кўйлакли қиз кирди (Э.С.).
2. Уччаласи ҳам уйғоқ, ҳар ким ўз хаёли билан банд эди.
3. Демак, энди кон ҳам, гор ҳам, бари сув остида қолади.
4. «Баъзи касалларга туз тескари реакция берармиш», — деди Қурбон ака (Э.С.)
5. «Биз ҳар ишга, ҳар бир мамлакатга сиёсий баҳо беришимиз керак». (Э.С.)
6. Бу ерда ҳар куни йилнинг фаслини кузатиш мумкин.

26-§. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ

Абдулла Қодирий (Жулқунбой) ўзбек адабиётининг буюк намояндаларидан бири бўлиб, ёзувчиларнинг катта авлодига мансуб. Абдулла Қодирий 1894 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Отаси боғбон бўлиб, оилани зўрға тебратар эди. Абдулла тўққиз ёшларида эски мактабга ўқишга кирди. Орадан икки — уч йил ўтгач, оиласи ҳаддан ташқари қашшоқлиги туфайли, Абдуллани бир бойга хизматкорликка берадилар. Бу вақтда у ўн икки ёшда эди. Уша даврда Туркистон ўлкасининг катта шаҳарларида, жумладан, Тошкент шаҳрида янги усул мактаблари билан бирга рус — тузем мактаблари ҳам очилган эди. Абдулла рус тилини ўрганиш мақсадида рус — тузем мактабига кириб ўқийди.

Ёзувчининг илк ижоди 1913—1914 йиллардан бошланади. Абдулла Қодирий ҳам кўп ёзувчилар каби илк ижодида шеърятга қизиқди ва «Аҳволимиз» (1915), «Миллатимга» (1915), «Тўй» (1915) каби шеърлар ёзиб, уларни «Ойна» журналыда эълон қилди.

1915 йилда ёзувчининг «Бахтсиз куёв» пьесаси, кейинчалик «Жувонбоз» ҳикояси матбуотда эълон қилинади.

1923 йилдан бошлаб Абдулла Қодирий «Муштум» журналыда ишлаб, фельетон, мақола ва ҳажвий ҳикояларини ёзди.

Адабий жамоатчилик Абдулла Қодирийнинг биринчи навбатда ўзбек реалистик роман жанрининг асосчиси сифатида танийди. Унинг уч қисмдан иборат бўлган биринчи романи «Ўтган кунлар» 1925 йилда нашр қилинди. 1928 йилда ёзувчининг иккинчи тарихий романи «Меҳробдан чаён» нашрдан чиқди.

«Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари Абдулла Қодирий ижодининг чўққиси ҳисобланади.

1934 йилда ёзилган «Обид кетмон» повести ёзувчининг гоёвий ва ижодий ўсишида олға қўйган муҳим қадам бўлди. Ёзувчи ижодий чўққига чиққан даврда 1937 йилнинг 13 декабрида «Халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отилган.

1990 йилда А.Қодирий номидаги Республика Давлат мукофоти таъсис этилди. 1991 йили эса А.Қодирийга Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди. Ҳозирги кунда бир қатор кўчалар, боғлар, мактаблар, кутубхона ва институтлар ёзувчининг номи билан аталади.

ЛУҒАТ

Ўзбек адабиёти — узбекская литература

ёзувчи — писатель

боғбон — садовник

оила — семья

қашшоқлиги туфайли — из — за бедности

Туркистон ўлкаси — Туркестанский край

ҳажвий ҳикоя — сатирическая новелла

Ўзбек реалистик роман жанрининг асосчиси —
основатель жанра узбекского реалистического романа

«Тўй» — «Свадьба»

«Бахтсиз куёв» — «Несчастный жених»

адабий жамоатчилик — литературная общественность

«Ўтган кунлар» — «Минувшие дни»

«Меҳробдан чаён» — «Скорпион из алтаря»

Топшириқ:

1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

А) Абдулла Қодирий ижодининг бошланиш даври.

Б) Абдулла Қодирийнинг қайси романи ўзбек реалистик роман жанрига асос солди?

В) Қайси роман А.Қодирий ижодининг чўққиси ҳисобланади?

Г) Қайси повесть ёзувчи ижодининг гоёвий ва ижодий ўсишида

муҳим қадам бўлди?

Д) Ёзувчи номида қандай Давлат мукофоти таъсис этилган?

Е) Унинг номи мустақиллик даврида қандай абадийлаштирилди?

2. Гапдаги олмошларнинг турини аниқланг.

БЎЛИШСИЗЛИК ВА ГУМОН ОЛМОШЛАРИ

Бўлишсизлик олмошлари мавжуд бўлмаган предмет, белги миқдорни умумлаштириб кўрсатади. Бўлишсизлик олмошларига ҳеч, ким, ҳеч нарса, ҳеч бир каби олмошлар киради. Бўлишсизлик олмошларига қўшимчалар қуйидаги тартибда қўшилади: олдин кўплик, сўнг эгалик, кейин келишик: ҳеч нималарингни, ҳеч нарсаларингга каби.

(Отрицательные местоимения в узбекском языке образуются с помощью отрицательной частицы *ҳеч*, которая сочетается с вопросительными местоимениями: *ҳеч ким* (никто), *ҳеч қандай* (никакой), *ҳеч нима* (ничто). *Ҳеч қачон* (никогда), *ҳеч қайси* (никакой). Например: *Ҳеч ким сени сўрамади.* — Никто тебя не спрашивал.

При самостоятельном употреблении отрицательные местоимения могут склоняться по падежам и принимать притяжательные аффиксы. Например: *Сен бу гапни ҳеч кимга айтма* — Об этом ты никому не говори.

Гумон олмошлари нутқ жараёнида мавжуд бўлган, аммо сўзловчи учун ноаниқ, номаълум бўлган предмет ёки белгини кўрсатади.

Гумон олмошлари — *дир*, — *алла*, — *ов*, — *ор* каби элементлар қўшилиши орқали ясалган *кимдир*, *нимадир*, *биров*, *бирон*, *бирор*, *алаким*, *алаанарса* каби сўзлар ва баъзи *бир*, *қайси бир* каби олмошлар киради. Гумон олмошларига қўшимча қўшилиш тартиби қуйидагича: олдин кўплик, кейин келишик (бировларни) каби ёки аввал эгалик, сўнг келишик (алакимингиз) каби.

Неопределённые местоимения выражают наличие существующего, но неопределённого предмета или его признака. Неопределённые местоимения образуются путём присоединения к вопросительным местоимениям приставки — *алла*, или аффикс — *ов*, — *ор*, — *дир*. Например: *алаким* (кто — то), *алақандай* (какой — то), *нимадир* (что — то), *биров* (кто — то), *бирор* (что — то) и т.п. Неопределённые местоимения употребляются самостоятельно и изменяются по падежам или лицам. Например: *Мактабга кимдир кирди* — В школу вошёл кто — то. *Мажлисда алаким гапирди.* — На собрании кто — то говорил).

39–машқ. Қуйидаги гаплардаги гумон олмошларини топинг.

1. Мирвали — алақайси институт талабаси.
2. Қаердадир чигирткалар ёқимли чириллайди.
3. Бир маҳал аллақаяёқдан кимнингдир товуши келди.
4. Чодирда ҳеч ким йўқ эди.
5. Кимдир эшикни тақиллатди.
6. Сен ҳам бирон нарса десанг — чи.
7. Узоқдан аллакимнинг овози эшитилди.

40–машқ. Гапларни кўчиринг. Бўлишсизлик ва гумон олмошларининг тагига чизинг, ясалишини тушунтиринг.

1. Орадан бирор йиллар ўтгач, дадам уни чақиртибди (Қ.С.)
2. Мен ҳайрон, ҳеч нарсага тушунмайман (Қ.С.)
3. У аллақанча вақтдан бери касал эди (Қ.С.)
4. Телефон трубкасини кимдир кўтарди (Қ.С.)
5. «Аммо, дўқ қилиб гапириш учун бизга ҳеч ким ҳуқуқ берган эмас» (Қ.С.)
6. «Яхшилигингизни ҳеч қачон унутмаймиз», — дейишди меҳмонлар. (Қ.С.)
7. У яна алланималар деди (Қ.С.)
8. «Улар шивир — шивир қилиб қолишди. Бирон гап борми?», сўради Тожи (Н.Е.)

27–§. ТОШКЕНТ – АФИНА ЙЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ

Бугун «Узинтранс» автомобил бирлашмасининг маъмурияти Тошкент–Афина маршрути бўйича юк ташувчи автомобилларнинг ҳужжатларини ҳозирлайди.

Шундай қилиб, ўтган йили иш бошлаган, шаҳарлар ва мамлакатлараро юк ташийдиган бу корхона ҳайдовчилари Грециянинг ҳаракат йўларидан юришга бел боғладилар, Бир неча кундан кейин халқаро сафарга чиқадиган ҳайдовчилар “МАЗ” машиналаридан етти минг километрга яқин йўл босиб, Грециядаги буюртмачиларга 50 тонна асал етказиб берадилар.

Транспорт корхонасининг бош директори Ботир Қосимов бундай деди:

—Биз Ўзбекистондан исталган корхонанинг юкларини Осиё ва Европадаги белгиланган мамлакатларга етказиб берамиз. Корхонамизда 25 тоннагача юк кўтарадиган 90 та қудратли машина бор. Улар келгусида янада кўпаяди. Ўтган йили 500 марта сафар қилинган бўлса. Бу йил бу рақам 1000—1250 тага етади.

Корхонамиз ҳозир истаган миқдорда буюртма қабул қилиш ва уни бажаришга қодир. Чунки биз Хитой, Афғонистон йўлларида қатнаб, етарли тажриба тўплаймиз.

ЛУФАТ

автомобил бирлашмаси	— автомобильное объединение
маъмурият	— администрация
юк ташувчи автомобил	— грузовой автомобиль
ҳужжат	— документ
ҳайдовчи	— водитель
ўтган йили	— в прошлом году
халқаро-сафар	— международное путешествие
буюртмачи	— заказчик
асал	— мёд
етказиб бермоқ	— донести, довести
транспорт корхонаси	— транспортное предприятие
юк	— груз
қудратли	— мощный (—ая, —ое)
келгусида	— в будущем
1000—1250 тага етади	— дойдут до 1000—1250
рақам	— цифра
миқдор	— количество
буюртма	— заказ
тажриба тўплаймиз	— набираем опыт

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Бел боғладим, етказиб бердим, ҳозирлаб турибман, тажриба тўплайман каби қўшма феъллар асосида гап тузинг.

41-машқ. Луғат диктанти ёзинг.

Адабиёт, аъзо, атоқли, қабул, дала, бола, маъно, совуқ, совға, монтер, юрист, ҳада, Надя, пайдо, фармон, фарзанд, феъл, ҳовли, ҳиссиёт, хосса, халта, Аҳмад, Зулайҳо, Раҳим, Мухтор, боғча, чироқ, чароғон, қутлуғ, уруғ, қуруқ, қуллақ, боғбон, дарвозабон.

ФЕЪЛ. ҚЎШМА ВА ЖУФТ ФЕЪЛЛАР

Ҳаракат маъносини ифодаловчи сўзлар феъл дейилади. Феъл предмет, от билан боғланиб, унинг ҳаракатини, ҳолатини билдиради.

Феъллар нима қилди?, нима қияпти?, нима қилмоқчи? каби сўроқларнинг бирига жавоб беради. Масалан: Ўктам хат ёзди. Эркин китоб ўқияпти.

Феълларнинг тузилиши. Феъллар ҳам тузилишига кўра туб (ёз, ол, келди, ёзаяпти) ва ясама (михла, уйқусиради) бўлади.

Ясама феъллар феъл ясовчи қўшимчалар билан от ва бошқа сўз туркумларидан ясалади.

Икки ва ундан ортиқ ҳар хил маъноли ўзакнинг бирикувидан ташкил тошган феъллар қўшма феъл дейилади. Масалан: қўл қўймоқ, қарор қилмоқ, ўқиб чиқди.

Таркибига кирган сўзларнинг ҳар хиллигига кўра қўшма феъллар икки турга бўлинади:

1. От – феъл туридаги қўшма феъллар;
2. Феъл – феъл туридаги қўшма феъллар;

Биринчи турдаги қўшма феълларнинг биринчи қисми асосан от бўлиб, у етакчи қисм, иккинчи қисми феъл бўлиб, у кўмакчи қисм ҳисобланади. Масалан: назар солмоқ, ёд олмоқ, дам олмоқ каби.

Иккинчи турдаги қўшма феълларнинг таркибий қисми феъллардан ташкил топади. Биринчи қисм асосан –б, (–иб) қўшимчаси билан ясалган равишдошдан бўлади: у етакчи қисм ҳисобланади: чунки қўшма феъл асосида ётган лексик маънони ифодалайди. Иккинчи (кўмакчи) қисм кўмакчи феъл деб юритилади.

Етакчи қисм қўшма феълнинг бош қисмида, кўмакчи қисм эса ундан кейин келади: бориб кел, ўқиб чиқ, имзо чек.

Бир хил формада шакланган етакчи, кўмакчи феъллардан ташкил топган янги лексик маъно англатувчи феъл жуфт феъл дейилади. Масалан: айтди — қўйди, ўтди — чиқди. Жуфт феъллар доим дефис билан ёзилади.

(Знаменательные слова, обозначающие действие или состояние предмета, называется глаголом. В узбекском языке глаголы отвечают на вопросы нима қилди? (что сделал?), нима қиляпти? (что делает?), нима қилмоқчи? (что сделает?). Например: Ўктам хат ёзди. (Уктам написал письмо); Эркин китоб ўқиди. (Эркин читал книгу).

В узбекском языке, в отличие от русского, нет категории вида, но узбекский глагол очень богат формами времени.

СТРУКТУРА ГЛАГОЛА

Глаголы в структурном отношении бывают простые и сложные. Простые глаголы состоят из глагольной основы, например: ёз (пиши), ол (возьми), ур (бей), юр (ходи) ит.п.

Производные глаголы образуются путем присоединения к основе различных частей речи глаголообразующих аффиксов. Например: оқ (белый) — оқ — ла (бели), мих (гвоздь) — мих — ла (прибей), соғ (здоровый), соғаймоқ (выздоровливать) и т.п.

Сложные глаголы по структуре представляют собой сочетание двух или более слов. Они образуются двумя способами:

1. Сочетанием имени существительного с простым глаголом, где лексическое значение сложного глагола производно от значения имени, например; тамом (конец) — қилмоқ (сделать) — тамом қилмоқ (закончить), дам (отдых) — олмоқ (отдыхать) и т.п.

Сочетанием двух или более глагольных основ, первая из которых имеет форму деепричастия и является основным глаголом, а вторая вспомогательным, служащим для передачи разных оттенков лексического значения основного глагола. Например; олиб келмоқ — принести, гапириб бермоқ — рассказывать, имзо чекмоқ — подписывать и т.п.)

42-машқ. Қуйидаги феъллардан келаси замон маъносини ифодаловчи феъллар ҳосил қилинг.

Уларнинг айримларини туслаб, шулар иштирокида бир неча гап тузинг.

Қўймоқ, ёзмоқ, экмоқ, қўрмоқ, келмоқ, тайёрланмоқ, турмоқ, юрмоқ,

асрамоқ, даволамоқ, кўрмоқ.

43-машқ. Гапларни кўчиринг, феълларнинг тузилишига кўра турини аниқлаб, устига ёзинг.

1. Ганжа кўйлагининг тугмаларини қадади (Э.С). 2. Вокзалга бориб, поезднинг кетадиган вақтини аниқлади (Э.С.). 3. У Одилов ҳақида ўйлаб кетди (Э.С). 4. Вагондан қизил кўйлакли қиз шошиб тушди. (Э.С). 5. Йигит саволни эшитди (Э.С). 6. У поезддан тушган эди. (Э.С). 7. Ганжа ўйга йўл олган экан (Э.С). 8. Анор холанинг кўзларидан тирқираб ёш оқди. (Э.С).

28-§. Н.Н.КОНОНОВ

Атоқли туркшуос, филология фанлари доктори (1949), профессор (1950), Россия Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси (1958), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Андрей Николаевич Кононов 1906 йилда Петербург шаҳрида туғилган. Ленинград Шарқшунослик институтининг турк тиллари бўлимида ўқишни тугатди (1930) ва шу ернинг ўзида турк тили ўқитувчиси бўлиб ишлади (1932—1938).

1943—1945 йилларда Тошкентда яшаб, Ўрта Осиё Давлат университетининг филология факультети ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади.

У 1948 йилда Хива хони Абулғози Баҳодирнинг «Шажараи турк» асари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

А.Н.Кононовнинг биринчи илмий иши — «Грамматика современного турецкого языка» (ҳамкорликда) — 1934 йилда монография тарзида босилиб чиққан. Ҳозирги замон ўзбек тили грамматикаси ва эски ўзбек тили ёдгорликларини ўрганишга ва нашр этишга ҳисса қўшган. Турк ва ўзбек тиллари бўйича 150 дан ортиқ илмий мақолалар ёзган.

У орден ва медаллар билан мукофотланган.

ЛУГАТ

бўлим	— отделение
ҳимоя	— защита
ҳимоя қилмоқ	— защищать
ҳамкорлик	— сотрудничество
тарзида	— как

монография тарзида — как монография

эски ўзбек тили — староузбекский язык

ёдгорлик — памятник

ҳисса — вклад

ҳисса қўшмоқ — вносить вклад

қўлланма — пособия

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.

2. Матндаги бўлишли феълларни топинг ва русча таржимаси билан бирга кўчиринг.

ФЕЪЛНИНГ БЎЛИШЛИ ВА БЎЛИШСИЗ ФОРМАЛАРИ

Феъллар, иш — ҳаракатнинг бажарилиши ҳақида тасдиқ ёки инкорни билдиришига кўра, бўлишли ёки бўлишсиз бўлади.

Бўлишли феъллар иш = ҳаракатнинг бажарилишини тасдиқлаш маъносини англатади. Масалан; ёз, ўйна, ухла, тур, ўтир.

Бўлишсиз феъллар иш — ҳаракатининг бажарилиши ҳақида инкорни, бажарилмаслигини англатади ва феълнинг лексик маъно ифодаловчи қисмига — ма аффиксини қўшиш билан ясалади. Масалан: ёзма, ўйнама, ухлама, турма, ўтирма.

(Положительная и отрицательная форма глагола Положительная (бўлишли) форма глагола выражает совершенное, совершающееся, совершаемое действие. Например; ёз (пиши), ўйна (играй), ухла (спи), тур (вставай), ўтир (сиди).

Отрицательная (бўлишсиз) форма глагола выражает несовершенное несовершающееся, несовершаемое действие и образуется путем прибавления к основе глагола аффикса — ма. Например; ёзма (не пиши), ўйнама (не играй), ухлама (не спи), турма (не вставай), ўтирма (не сиди).

44-машқ. Қуйидаги бўлишли феълларни бўлишсиз феълларга айлантинг.

Кийинди, кийилди, ёзган, тушунтириб, келди, келган, кўрган, ўйлади.

45-машқ. Ўқинг. Бўлишли ва бўлишсиз шаклдаги феълларни топинг.

Бўлишсизлик маъносини ифодаловчи воситаларни кўрсатинг.

1. Ганжа индамади (Э.С). 2. Аёл нималарни ўйлаётганига у қизиқмади (Э.С). 3. Ганжа эътибор бермай, Одилов ҳақида ўйлаб кетди (Э.С). 4. Буни биров сезмайди, фақат ўзи билади (Э.С). 5. Мактабга гулсиз борган куни бўлмасди. (Э.С). 6. Аминовнинг қабулхонасида узоқ ўтиришмади (Э.С). 7. Сиз ёшсиз; урушдан кейинги йилларни билмайсиз (Қ.С.). 8. «Мен Абдиевни оқламоқчи эмасман», — деди Мусаев (Н.Е.)

29-§. ЯХШИ ДАМ –МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Кеч кириши билан шаҳар маданият саройи гавжум бўла бошлайди. Кимдир халқаро мавзуларга бағишланган маърузага кимдир тўтарак машғулотларига қатнашиш учун шошилади. Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройи ходимлари шаҳар меҳнаткашларининг кўнгилли дам олишлари учун турли тадбирлар дастурини ишлаб чиққанлар. Бу ерда, айниқса, ёшлар кечаларини ўтказиш одат тусига айланган. Бундай кечаларда ҳалол меҳнати билан ҳурмат қозонган кишилар шаънига яхши гаплар айтилади. Бундай кечаларда ёшларнинг кўпроқ қатнашишини таъминлаш, уларни зериктириб қўймаслик учун ёшларнинг диди, талаб ва эҳтиёжлари қизиқишларига эътибор берилган.

Маданият саройида 3 та халқ дастаси, 4 та оркестр, халқ театри, тасвирий санъат студияси ва бир қатор тўтаракларнинг ишлаши учун шароит мавжуд. Бадиий ҳаваскорлар ҳар йили 100 мингга яқин кишига хизмат кўрсатиш, концертлар, театрлаштирилган тадбирлар уюштиришга муваффақ бўлишади. Шаҳар меҳнаткашлари дам олиш соатларини маданият саройида бошлаб, уни бахтсейн ва стадионда ёки оммавий сайлларда давом эттиришлари мумкин.

ЛУҒАТ

халқаро мавзу — международная тема

тўтарак машғулотлари — занятия кружков

маданият саройи — дворец культуры

кишилар шаънига — в честь людей

халқ театри — народный театр

дам олиш соатлари — часы досуга

бахтли болалик — счастливое детство

қатнашди — участвовал

қатнашиш — участвовать

тўгарақда қатнашиш — участвовать в кружке

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва мазмунини айтинг.
2. Матндаги ҳаракат номи шакларини топинг.

ҲАРАКАТ НОМИ ФОРМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Ҳаракат номи — бевосита шахс, замон маъносини билдирмай, гапда отга хос вазифани бажарувчи феъл тури.

Ҳаракат номи отга ўхшашлигидан уни иш — ҳаракатнинг атамаси, номи деб ҳам юритилади. Масалан: олмоқ, ишламоқ, бормоқ, кўриш, тузиш, борув, келув каби. Ҳаракат номи гапда эга, кесим, тўлдирувчи вазифасида келади: ўқиш (эга) — улғайиш (кесим). Ўқишни истаган киши меҳнатдан қочмаслиги керак...

Ҳаракат номи тубандаги қўшимчалар орқали ясалади: — иш (—ш): бориш, келиш, чопиш, югуриш, ишлаш, яшаш; — моқ: ўқимоқ, ёдламоқ, эсламоқ, курашмоқ; — в (—ув): борув, ўқув, уқув (бу қўшимча ҳозир камдан — кам ҳолларда ҳаракат номи шаклида берилади).

(От положительной основы глагола путем присоединения аффиксов — иш (—ш), моқ, — в (—ув) образуется отглагольное имя действия, например; чоп — иш (бегать), юр — иш (хождение). ёзув (писание), чидамоқ (терпеть).

В узбекском языке отглагольное имя действия часто употребляется в сочетании со словами керак (нужно, необходимо, надо) лозим (необходимо, нужно), учун (чтобы, для того, чтобы), мумкин (можно). Например; ўйлаш керак (нужно думать), ўқиш керак (нужно читать), яшаш учун (чтобы жить), ишлаш керак (нужно работать) и т.п.

При спряжении с притяжательными аффиксами отглагольное имя действия сочетается со словами керак, лозим мумкин, и указывает на обязательность действия).

Бирлик (Ед. число)

Ёзиш

Им

керак — я должен писать (мне нужно писать)

мумкин — я могу писать (мне можно писать)

инг

керак — ты должен писать

мумкин — ты можешь писать

и

керак — он должен писать (ему нужно писать)

мумкин — он может писать (ему можно писать)

Кўплик (Мн.число)

Ёзиш

имиз

керак — мы должны писать (нам нужно писать)

мумкин — мы можем писать

ин — гиз

керак — вы должны писать (вам нужно писать)

мумкин — вы можете писать

Прибавлением аффикса —маслик к основе глагола образуется отрицательная форма имени действия, например: ўқи —маслик — ўқимаслик керак (не нужно читать), ўқи —маслик (чтобы не читать), ўқимаслик мумкин (можно не читать) и т.п.).

46—машқ. Қуйидаги сўз бирикмалари иштирокида гап тузинг ва шу гапларни рус тилига таржима қилинг.

Олиб бориш қерак, ортиш мумкин, хизмат қилиш керак, бориш учун, қийналмаслик учун, ўқув йили, йиғув цехи.

47—машқ. Гапларни ўқинг, ҳаракат номини топиб, ясалишини тушунтиринг.

1. «Хотин — қиз кадрлар билан ишлашни кучайтириш керак», — деди у (Н.Е.). 2. Анвар билан хайрлашув тантанали вазиятда ўтди (Н.Е.). 3. «Ўтиринг. Янги гилам солинганда дарров ўтириш керак» (Н.Е.). 4. Бошқа яна нима қилиш мумкин? — сўради Мусаев. 5. Айтмаган жойга

борув йўқ, айтган жойдан қолув йўқ (Мақол). 6. «Бундан кейин Абдиевдан эҳтиёт бўлиш керак», — деб ўйлади Бўриев (Н.Е.). 7. — «Учрашувга рухсатнома ололмадим. Ёрдам беринг», — деди Ширин. (Н.Е.). 8. Телефон орқали гаплашиш мумкин. (Н.Е.). 9. «Соат тўққизда ишга етиб бориш керак», — деди (Н.Е.).

48—машқ. Оғзаки. Қўшма феълларни аниқлаб, уларнинг ёзилишини тушунтиринг. Ҳаракат номини айтинг.

1. У зарур нарсаларни йиғиштириб жўнаб кетди.

2. Сайёра хурсанд бўлиб чиқиб кетди.
3. Бу фикрга Моҳимдан бўлақ ҳамма рози бўлди.
4. Лола бор гапни айтиб қўя қолди.

30-§. АЛИШЕР НАВОИЙ

Алишер Навоий — ўзбек халқининг буюк шоири ва мутаффакири. У Ҳирот шаҳрида кичик амалдор оиласида туғилди. 4—5 ёшидаёқ ўқиш — ёзишни ўрганди. Кичиклигидан китобга ҳавас қўйди. Тез орада ўзи ҳам шеърлар ёза бошлади.

Навоий мактабдош дўсти Ҳусайн Байқаро ҳукмронлиги йилларида давлатни бошқариш ишларида фаол қатнашди: вазирлик, ҳокимлик вазифаларини бажарди. У бу даврда солиқларни камайтиришга, мамлакатда адолат, тинчлик ўрнатишга астойдил ҳаракат қилди: кўплаб ариқлар қазирди, мадраса ва кутубхоналар, ҳаммомлар, кўприклар қурдирди. Бу ишлари билан меҳнаткаш халқ орасида ҳурмат ва обрў қозонди.

Навоий ярим аср давомида ижод қилди. У ўз асарларини асосан туркий тилда (эски ўзбек тилида) ёзди. Шунингдек форс — тожик тилида ҳам анчагина шеърлар яратди. А.Навоийнинг 30 дан ортиқ асари бор.

Булар ичида энг йириги ва машҳури «Ҳазойинул маоний» ва «Ҳамса» дир. Биринчи йирик асарида шоирнинг лирик шеърлари тўпланган. «Ҳамса» асари эса беш катта дostonдан иборат. Навоийнинг бу ва бошқа асарларида меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, дўстлик, чин севги ва садоқат улуқланади, золимлик, текинхўрлик, адолатсизлик ва бошқа ярамасликлар қораланади. Алишер Навоий ўзининг ўлмас асарлари билан эски ўзбек тилининг бойлигини ёрқин намойиш қилди, ўзи эса шу тилнинг асосчиси бўлди. Бу унинг жуда катта тарихий хизматидир.

Улуғ шоир, олим ва давлат арбоби Навоий 60 ёшида Ҳирот шаҳрида вафот этди. Унинг бебаҳо асарлари эса беш ярим аср давомида бутун дунё бўйлаб саёҳат қилмоқда. Навоий асарлари халқимизнинг ҳақиқий мулкига айланган: унинг асарлари минг — минглаб нусхада чиқарилади ва чиқарилмоқда. Алишер Навоий туғилганига 500 йил, 525 ва 550 йил тўлган кунлари эса бутун маънавиятимизда катта байрам қилинди. Ҳозир Самарқанд университети, Тошкентдаги адабиёт музейи, халқлар дўстилиги майдонидаги катта боғ, театр, қатор кутубхоналар, жамоа ва давлат хўжаликлари, метро бекати ва ниҳоят каттагина бир вилоят ва бир шаҳар улуғ шоиримиз номи билан аталмоқда.

буюк шоир	— великий поэт
давлат арбоби	— государственный деятель
шеър	— стихотворение
лирик шеърлар	— лирическое произведение
вазир	— визир
солиқ	— налог
ариқ	— речка
мадраса	— медресе
ҳаммом	— баня
меҳнатсеварлик	— трудолюбие
дўстлик	— дружба
чин севги	— настоящая любовь
адолатсизлик	— несправедливость
адабиёт музейи	— музей литературы

Топширик:

Қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг:

- Алишер Навоий қачон ва қаерда туғилди?
- У неча ёшида ўқиш ва ёзишни ўрганиб олди?
- А.Навоий қандай ишлар қилди?
- У ўз асарларини қайси тилда ёзди?

а) А.Навоий қандай асарлар ёзган?

б) А.Навоий ўз асарларида нималарни акс эттирди ва кимлар томонида турди?

в) А.Навоий қачон ва қаерда вафот этган?

г) Бизнинг замонда А.Навоий қандай кадрланмоқда?

д) Ўтган замон феълларни аниқлаб, ясашиши ва маъноларини тушунтиринг.

ФЕЪЛНИНГ ЎТГАН ЗАМОН ФОРМАЛАРИ

Ўтган замон феъли иш ҳаракатининг нутқ сўзланиб турган пайдан илгари юз берганлиги (ёки юз бермаганлиги)ни ифодалайди. Ўтган замон феъли қуйидаги шакллардан иборат: аниқ ўтган замон феъли, яқин ўтган замон феъли, узоқ ўтган замон феъли, ўтган замон давом феъли, ўтган замон мақсад феъли, ўтган замон ҳикоя феъли. Ўтган замон феъли — ди, — ган эди, — ётган эди, — моқда, — ди, — би (и) эди моқчи эди, — диган эди ва тусловчи қўшимчаларни бириктириш орқали ясаллади.

Бирлик (Ед. число)

I ш. ёз — ди — м

II ш. ёз — ди — нг

III ш. ёз — ди

Кўплик (Мн. число)

ёз — ди — к

ёз — ди — нгиз

ёз — ди (лар)

Бирлик (Ед. число)

Кўплик (Мн. число)

I ш. ёз — ган — ман (ёзган эдим)

ёз — ган — миз (ёзган эдик)

II ш. ёз — ган — сан (ёзган эдинг)

ёз — ган — сиз (ёзган эдингиз)

III ш. ёз — ган (ёзган эди)

ёз — ган — лар (ёзган эдилар)

Бирлик (Ед. число)

Кўплик (Мн. число)

I ш. ўқи — б — ман (ўқиб эдим)

ўқи — б — миз (ўқиб эдик)

II ш. ўқи — б — сан (ўқиб эди — нг)

ўқи — б — сиз (ўқиб эдингиз)

III ш. ўқи — б — ди (ўқиб эди)

ўқи — б — дилар (ўқиб эди — лар)

(Ўтган замон феъли (Прошедшее время глагола) в узбекском языке имеет следующие формы: аниқ ўтган замон феъли (очевидное прошедшее время глагола), яқин ўтган замон феъли (причастное прошедшее время глагола), узоқ ўтган замон феъли (давно прошедшее время глагола), ўтган замон давом феъли (многократно — длительное прошествие время глагола), ўтган замон мақсад феъли (прошедшее — повествовательное время глагола)).

√49- машқ. Мустақил иш. Ўзингиз мустақил равишда бир неча ўтган замон феълларини топиб, улар иштирокида гаплар тузинг.

√50- машқ. Нуқталар ўрнига ўтган замон феълнинг аффиксларини қўйиб кўчиринг.

1. У қишлоқ хўжалиги институтининг охирги курсида ўқиёт ... э..(Э.С). 2. Қумрихон Амударёни кўрма ... э... (Э.С). 3. Болтабеков билан ҳеч ким бундай гаплаш... э... (Э.С). 4. Телевизор экранида испан тилини ўргатиш машғулоти олиб борилаёт... э...5. Қорни очиб уйғонганда, тонг ёриш... э...

31-§. З У Л Ф И Я

Ўзбек адабиётининг ривожланишида, хусусан ўзбек поэзиясининг юксак поғоналарга кўтарилишида Ўзбекистон халқ шоираси ва таниқли жамоат арбоби Зулфиянинг алоҳида ўрни бор.

Зулфия Исроилова, 1915 йил 1 мартда Тошкент шаҳрида дегрез оиласида туғилди. Зулфия 1928 йилда бошланғич мактабни битириб, Тошкентдаги хотин — қизлар педагогика билим юртига кириб ўқийди. 1934 йил билим юртини тугатиб, Ўзбекистон Фанлар Комитетининг тил ва адабиёт илмий текшириш институти аспирантурасига киради. Кейин республика ёшлар ва ўсмирлар нашриётига кириб ишлади. 1932 йилда унинг "Ҳаёт варақлари" деб номланган илк шеърлар тўплами чиқди. Шу даврда Зулфия жуда сермахсул ижод қилиб. "Қизлар кўшиғи", "Шеърлар" тўпламларини мухлислар ҳукмига ҳавола қилди.

Уруш йилларида ватан ҳимоячиларини жасоратга, мард — ликка, ғалабага ундовчи "Уни Фарҳод дер эдилар", "Менинг Ватаним", "Қўлимда қуролу, устимда шинель", "Эримоқда қор" каби асарларини яратди.

Зулфия ўзбек адабиётининг вакили сифатида кўп мамлакатларда бўлиб, катта халқаро анжуманларда қатнашди. Шоира одамлар учун мусаффо тонг, тинчлик, дўстликни истайди. Буни «Юрагимга яқин кишилар» тўпламига кирган шеърлар мисолида кўришимиз мумкин. Тинчлик ва халқлар дўстлиги ғояси Зулфия ижодида асосий ўрин эгаллайди.

Унинг 1958 йилда Ҳиндистонга қилган сафари таассуротлари асосида ёзилган "Мушоира" шеъри бунга мисол бўла олади. Бу шеър Зулфия ижодининг чўққисидир. Зулфиянинг "Ўтар", "Йиллар, йиллар", "Камалак", "Ҳижрон кунларида" каби ўнлаб шеърий тўпламлари бор бўлиб, буларнинг ҳар бирида шоира руҳий оламининг янги қирраси намоён бўлади. Унинг поэмалари кам, лекин Ойбек ҳақидаги "Қуёшли қалам" поэмаси шоиранинг энг йирик асарларидан биридир.

Зулфия таржимон сифатида ҳам катта ишлар қилди. У Л.Украинка, С.Нерис, А.Ахматова, М.Алигер, М.Дилбози, М.Цветаева каби шоираларнинг шеърларини, Н.Ҳикмат, С.Рустам, Қ.Кулиев, М.Турсунзодаларнинг асарларини ҳам ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди. Яна Некрасовнинг "Рус аёллари" поэмасини, М.Каримнинг "Ой тутилган тунда" номи трагедиясини таржима қилиб, бу асарларни халқимиз мулкига айлантирди.

Зулфиянинг бу улуг меҳнатлари муносиб тақдирланган. Шоира мамлакатимизнинг бир қатор мукофотлари — Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти, Меҳнат Қаҳрамони унвони, шунингдек Неру номидаги умумҳиндистон ва "Нилуфар" мукофотлари, Болгария халқ республикаси ордени билан мукофотланган.

XX асрнинг машҳур шоираси Зулфия 1996 йилда Тошкентда вафот этди.

ЛУФАТ

юксак поғона	— высшая ступень
миллий	— национальный
мухлис	— поклонник
жасорат	— подвиг
халқаро анжуман	— международный форум
халқ мулки	— достояние народа
айрилиқ	— разлука
руҳий олам	— духовный мир
таассурот	— впечатление
ғоя	— идея
фахрланмоқ	— гордиться

Топшириқ:

1. Матни ифодаланг ўқинг. Зулфиянинг ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзланг.
2. Ҳозирги келаси замон феълларини топиб, улар иштирокида 4 та гап тузиб ёзинг.

ФЕЪЛНИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФОРМАЛАРИ

Ҳозирги замон феъли ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтида ва ундан кейин ҳам давом этишини ифодалайди. Ҳозирги замон феъли қуйидаги шакллардан иборат: Ҳозирги — келаси замон, аниқ ҳозирги замон, ҳозирги замон давом феъли. Ҳозирги замон феъли — а (й), — яп, — ётиб, — ётир. — моқда ҳамда тусловчи қўшимчаларни бириктириш орқали яса — лади.

Бирлик (Ед.число)	Кўплик (Мн.число)
I ш. бор — а — ман	бор — а — миз
II ш. бор — а — сан	бор — а — сиз
III ш. бор — а — ди	бор — а. — ди(лар)

Бирлик (Ед.число)	Кўплик (Мн.число)
I ш. бор — яп — ман	бор — яп — миз
II ш. бор — яп — сан	бор — яп — сиз
III ш. бор — яп — ти	бор — яп — ти (лар)

(Настоящее время глагола обозначает действие, которое совершается в момент речи).

Ҳозирги замон феъли (Настоящее время глагола) в узбекском языке имеет следующие формы: ҳозирги — келаси замон (настоящее — будущее время), аниқ — ҳозирги замон (настоящее время данного момента), ҳозирги замон давом феъли (настоящее длительное время).

Ҳозирги — келаси замон феъли (Настоящее — будущее время глагола) указывает на действие или состояние, обычно совершаемое, или на действие, которое будет совершено. Положительная форма настоящего — будущего времени глагола образуется присоединением к деепричастию на — а (й), личных аффиксов спряжения (ман, — сан, — ди, миз, — сиз, дилар).

	Бирлик (Ед.число)
мен ўқий — ман	— я читаю, буду читать
сен ўқий — сан	— ты читаешь, будешь читать
у ўқий — ди	— он читает, будет читать

	Кўплик (Мн.число)
биз ўқий — миз	— мы читаем, будем читать
сиз ўқий — сиз	— вы читаете, будете читать
улар ўқий — ди(лар)	— они читают, будут читать

Отрицательная форма настоящего — будущего времени глагола образуется присоединением личных аффиксов спряжения к отрицательной форме деепричастия — май.

✓ 51-машқ. Ўзингиз мустақил равишда ҳозирги замон маъносини ифодаловчи феъллардан гаплар тузинг.

✓ 52-машқ. Қуйидаги гапларда ишлатилган феълларнинг қайси замонда эканлигини аниқланг.

1. Зайнабнинг бригадасида ўттиз уч киши ишлайди (Ҳ.О). 2. — Ҳазратим, мен сизга... сизга хизматга келдим, — деди (П.Қ.). 3. —Йўқ, йўқ, жойингиздан қимирласангиз, улар қўрқувдан ўлиб қолишади. (М.Твен). 4. "Ўзим бориб келаман". 5. Йигирма чоғли рицарь баравар хитоб қилди. (М.Твен). 6. ...Барибир яхши тушунмаяпман. (М.Твен).

32-§. ЭСКИ АВТОПОКРИШКАЛАР ФОЙДАСИ

"Малайзия ҳукумати, — деб хабар қилади Каула — Лумпурдан АП ахборот агентлиги, — Япониядан бир неча миллион дона... яроқсиз автомобил покришкаларини сотиб олмоқчи. Бундай ғалати ният муайян иқтисодий манфаатлардан келиб чиқди. Гап шундаки, маъмурлар ишлаб чиққан лойиҳага кўра, мазкур резина буюмларни мамлакатга туташ денгиз соҳили яқинида сувга чўктириб, улардан сунъий тўсиқлар бунёд этиш режалаштирилмоқда.

Малайзия экспертларининг фикрича, бундай тадбирлар ёрдамида балиқлар кўпайиши учун қулайроқ шароитлар яратилади, демак балиқ, ови ҳам баракалироқ, бўлади.

Малайзия Қишлоқ хўжалик вазири Сануси Жунид "Нью Санди таймс" газетасига лойиҳани амалга ошириш учун 42 миллион дона автопокришка керак бўлишни айтади.

Бироқ Малайзиянинг ўзида "атиғи" 1,4 млн дона ана шундай автопокришкалар тўпланди, холос.

Л У Ф А Т

Малайзия ҳукумати	— Малазийское правительство
ахборот агентлиги	— информационное агентство
миллион дона	— миллион штук
яроқсиз автомобил пок —	— изношенные автомобильные
ришкалари	покрышки —
иқтисодий манфаат	— экономическая выгода
гап шундаки	— дело в том
лойиҳа	— проект
сунъий тўсиқлар	— искусственные препятствия
Малайзия экспертларининг	— по соображениям Малазийских
фикрича	экспертов
шароитлар яратилади	— создаются условия
балиқ ови	— рыбная ловля
амалга оширмоқ	— осуществить
атиғи	— всего — навсего
тўпланди (тўпламоқ)	— собралось (собрать)

Топшириқ:

1. Матни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Келаси замон феълларини аниқлаб, ясалиши ва маъноларини тушунтиринг.

ФЕЪЛНИНГ КЕЛАСИ ЗАМОН ФОРМАЛАРИ

Келаси замон феъли ҳаракатнинг нутқ сўзланиб турган пайтдан сўнг (келажакда) бажарилишини гумон, тахмин йўли билан ифодалайди. Келаси замон феъли қуйидаги шакллардан иборат: келаси замон гумон феъли, келаси замон мақсад феъли. У — р (— ар), — моқчи, — диган қўшимчаларини ва тусловчиларни бириктириш орқали ясалади.

Бирлик (Ед.число)

I ш.	бор — а — ман
II ш.	бор — а — сан
III ш.	бор — ар

Кўплик (Мн. число)

бор — а — миз
бор — а — сиз
бор — ар (—лар)

Бирлик (Ед. число)

I ш.	бор — моқчи — ман
II ш.	бор — моқчи — сан
III ш.	бор — моқчи (—лар)

Кўплик (Мн. число)

бор — моқчи — миз
бор — моқчи — сиз
бор — моқчи (—лар)

Келаси замон феъли (Будущее время глагола) в узбекском языке имеет формы: келаси замон гумон феъли (будущее предположительное время глагола) и келаси замон мақсад феъли (будущее время намерения). Келаси замон гумон феъли (будущее предположительное время глагола) означает действие или состояние, которое в будущем возможно осуществится. Эта форма будущего времени глагола образуется присоединением к причастию будущего времени (борар, сўзлар) личных аффиксов спряжения: —ман, —сан, —миз, —сиз (—лар).

Бўлишли шакл

Бирлик (Ед. число)

мен	ман — возможно, я уйду
сен кетар	сан — возможно, ты уйдешь
у	— возможно, он уйдет

Кўплик (Мн. число)

биз	миз — возможно, мы уйдем
сиз кетар	сиз — возможно, вы уйдете
улар	(лар) — возможно, они уйдут

В русском языке значение этой формы глагола передается при помощи слов или словосочетаний «возможно», «вероятно», «может быть», «по всей вероятности», «наверное». Например: Бугун кечкурун сизларниқига борарман. — Возможно, сегодня вечером я пойду к вам.

Келаси замон мақсад феъли (Будущее время намерения) — означает реальное намерение, предположение совершить то или иное действие, оно образуется присоединением к основе глагола аффикса — моқчи и личных аффиксов спряжения (— ман, — сан, — миз, — сиз, — лар).

Бўлишли шакл

Бирлик (Ед. число)

мен гапир — моқчи — ман — я хочу (намерен) говорить
сен гапир — моқчи — сан — ты хочешь (намерен) говорить
у гапир — моқчи — он хочет (намерен) говорить

Кўплик (Мн. число)

биз гапир — моқчи — миз — мы хотим говорить
сиз гапир — моқчи — сиз — вы хотите (намерены) говорить
улар гапир — моқчи — лар — они хотят (намерены) говорить

Отрицательная форма образуется сочетанием формы на — моқчи со словом эмас, к которому присоединяются личные аффиксы.

Бўлишсиз шакл

Бирлик (Ед. число)

мен гапирмоқчи эмас — ман — я не хочу (не намерен) говорить
сен гапирмоқчи эмас — сан — ты не хочешь (не намерен) говорить
у гапирмоқчи эмас — он не хочет (не намерен) говорить

Кўплик (Мн. число)

биз гапирмоқчи эмас — миз — мы не хотим (не намерены) говорить
сиз гапирмоқчи эмас — сиз — вы не хотите (не намерены) говорить
улар гапирмоқчи эмас — лар — они не хотят (не намерены) говорить

53-машқ. Мустақил равишда феълнинг келаси замон шаклига 10та гап ёзинг.

54-машқ. Қуйидаги гапларни ўқинг, келаси замон феълларни топинг, уларнинг ясалишига эътибор беринг.

1. Кечқурун Тошмат Умарович билан учрашмоқчиман (Н.Ё.). 2. Китоб билан танишиб чиқарман (Н.Ё.). 3. Бугун — эрта биронтасидан хат бериб юборарман (Н.Ё.). 4. Машинангизни бир амалаб тузатармиз (Н.Ё.). 5. Майли, бу саволга кейинроқ қайтармиз (Э.С.). 6. Зарур китобни олиб келармиз (Э.С.). 7. Сизни манави хат билан таништирмоқчиман (Э.С.).

33-§. МАННОН УЙҒУР

Таниқли ўзбек театр арбоби, етук режиссёр Маннон Уйғур 1897 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. У 1909—1914 йилларда Тошкентдаги янги усул мактабида, Аҳмадхўжа мадрасасида таълим олиб, саҳна фаолиятини 1916 йилда Турон труппасида актёр сифатида бошлаб, Г. Зафарийнинг «Ҳалимаси»да Муслим, Ҳамзанинг «Заҳарли ҳаёти»да Маҳмудхон, «Бой ила хизматчи»сида Гофур, Шиллернинг «Макр ва муҳаббати»да Миллер ва бошқа образларни яратиб, юксак ижрочилик маҳоратини намойиш этди.

М. Уйғур 1919—1920 йилларда «Бой ила хизматчи», «Заҳарли ҳаёт», «Тўхматчилар жазоси» асарларни саҳнага қўяди. 1924—1927 йилларда Москвада Ўзбек драма студиясида ўқиб, К. Станиславскийнинг илғор саҳна услуби, Е. Вахтангов режиссураси билан танишади. Ўқишдан қайтгач, Ў. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон», Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» асарларини саҳналаштиради. Сўнгра у жаҳон ва рус классик драматургиясининг «Ҳамлет», «Отелло» ва «Ревизор» каби нодир дурдоналарига мурожаат этиб, уларни муваффақиятли равишда саҳналаштириб, режиссёрлик санъатининг юксак чўққиларига чиқади.

Уруш йилларида М. Уйғур К. Яшиннинг «Ўлим босқинчиларга», М. Шайхзоданинг «Жалолiddин Мангуберди», С. Михоэлс билан ҳамкорликда Ҳ. Олимжоннинг «Муқанна» асарларини саҳналаштириб, қаҳрамонлик, ватанпарварлик, душманга нафрат ғояларини ифодалади. 1945 йилда М. Уйғур саҳналаштирган Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» спектакли ўзбек саҳнасининг шоҳ асарларидан бўлиб қолди.

Маннон Уйғурнинг серқирра ва сермазмун ижоди 1932 йилда «Ўзбекистон халқ артисти» унвони билан, «Алишер Навоий» спектаклини саҳнага қўйгани учун Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ўзбек театр санъатининг асосчиларидан бири Маннон Уйғур 1955 йилда Тошкент шаҳрида вафот этди. Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри, Тошкентдаги марказий кўчаларнинг бири унинг номи билан аталади. Мустақиллик йилларида Тошкент Давлат санъат институтига Маннон Уйғур номи берилди.

Маннон Уйғур 2001 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

ЛУҒАТ

асосчи

— основатель

ўзбек театрининг асосчи

— основатель узбекского театра

атоқли режиссер
таваллуд топди
труппа
образ
образ яратди
саҳна

— знаменитый режиссер
— родился
— труппа
— образ
— создал образы
— сцена

Топшириқ:

1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

а) Маннон Уйғур қачон ва қаерда таваллуд топди?

б) У дастлаб актёр сифатида ижодини бошлаб қандай ролларни ижро этди?

в) У малака ошириш учун қаерда ўқиган?

г) У қандай шоҳ асарини саҳнага қўйган?

д) Маннон Уйғур ижоди қандай мукофотларга сазовор бўлди ва унинг номи қандай адабийлаштирилди?

2. Ўқилган бола, айтилган сўз, қурилажак бино, келаётган йигит, ёзилажак роман сифатдошлари асосида 5 та гап тузинг ва рус тилига таржима қилинг.

СИФАТДОШ

Предметнинг белгиси бўлган иш — ҳаракатни англатадиган феъл шакли сифатдош дейилади. Сифатдош феълнинг сифатга яқин шаклидир. Шунинг учун сифатдош гапда ҳам сифат, ҳам феъл бажарадиган вазифаларда қўллана олади. Масалан: Юрган дарё, ўтирган бўйра. Ўқиган бола.

Сифатдошлар гапда ҳар хил гап бўлаги вазифасида келиши мумкин.

1. Эга: Ўқиган ўқдан ошар, ўқимаган турткидан шошар (Мақол).

2. Тўлдирувчи: Билмагандан билган яхши, тўғри ишни қилган яхши. (Мақол).

3. Аниқловчи: Айтилган сўз — отилган ўқ. (Мақол).

4. Кесим: Мард бир ўлар — номард юз ўлар. (Мақол).

Сифатдошлар феъл негизига тубандаги қўшимчаларни қўшиб орқали ясалади:

— ган (— қан, — қан): борган, келган, юрган, эккан, чиққан, йиққан;

— ётган: бораётган, келаётган, ўқиётган;

— вчи (— увчи): ишловчи, яшовчи, ёзувчи;

— р (— ар): турар (жой), оқар (сув);

— жак (— ажак): ёзажак; боражак, ўқияжак, бўлажак (бу қўшимчалар кўпроқ эски ўзбек тилида сифатдош ясаган).

Сифатдош ҳам барча феъллар сингари бўлишли ва бўлишсиз

(ўқиган — бўлишди, ўқмаган — бўлишсиз), ўтимли ва ўтимсиз (китобни ўқиганман — ўтимли, китоб ўқилган — ўтимсиз) бўла олади.

Баъзи сифатдошларнинг ясалиши ва уларнинг ёзилиши

Сифатдош ясовчилар	Ёзилиши	Мисоллар
— <u>ган</u> , — <u>қан</u> , — <u>қан</u>	К, Г, Қ, Ғ, дан бошқа товуш билан ёки унли билан тугаган феълга — <u>ган</u> қўшилади; охири <u>қ, ғ, т</u> товушлари билан тугаган феълларга — <u>қан, қ, ғ</u> товушлари билан тугаган феълларга — <u>қан</u> қўшимчаси қўшилади.	ўқиган, ўйнаган, келган, келтирган, севган, ўсган; эккан, туғ — тулган, чиқ — чиққан, соғ — соққан.
— <u>диган</u> , — <u>ётган</u>	а, й билан тугаган равишдошларга қўшилади. Эслатма. Бу қўшимча (— ёт — ган) й билан тугаган равишдошларга қўшилганда, й тушиб қолади.	очадиган, ўқийди — ган, ўйнайдиган, ёзаётган, сўзлаётган; ишлай — ётган — ишла — ётган, ўқий — ётган — ўқиётган.
— <u>р</u> , — <u>ар</u>	Феълнинг охири унли товуш билан тугаса, — <u>р</u> , ундош товуш билан тугаса, — <u>ар</u> қўшимчаси қўшилади.	ўқир, келар.
— <u>миш</u>	Ўтган замон сифатдошнинг бу шакли эски адабий тилда, айниқса поэзияда кўп ишла — тилган ва айрим ҳолларда ҳозир ҳам учрайди.	ёзилимиш, айтилмиш, қутулмиш.
— <u>жак</u> , — <u>ажак</u> (яжак)	Ундош товуш билан тугаган, феълга — <u>ажак</u> , унли билан тугаган феълга — <u>жак</u> тарзида қўшилади.	қурилажак (бино), келажак (кунлар) ўқияжак.
— <u>аси</u>	Бу қўшимча асосан келмоқ феълидан сифатдош ясайди.	келаси (замон)

СИФАТДОШ

(Причастие)

(Причастие в узбекском языке является формой глагола, которая

по своему морфологическому строению совпадает с формой глагола III лица единственного числа. В предложении выступает в качестве подлежащего, сказуемого, определения, дополнения и обстоятельства, т.е. функционально совпадает с именем существительным. Таким образом, эта глагольная форма "причастна" как глаголу (обладает категорией залога, времени), так и к имени существительному сочетается с аффиксом принадлежности, склоняется, имеет форму множественного числа).

ЎТГАН ЗАМОН СИФАТДОШИ (Причастие прошедшего времени)

(Причастие прошедшего времени образуется прибавлением к положительной или отрицательной основе глагола аффиксов — ган (— қан, — қан): ўқиган — читавший, тот, который читал; ёзган — писавший, тот, который писал; чиққан — вышедший, эккан — посеявший).

Причастие прошедшего времени в предложении выполняет функции определения, если оно субстантивированно — подлежащего и дополнения:

Биз университетта келган космонавт билан учрашдик. — Мы встретились с космонавтом, прибывшим (который прибыл) в наш университет. Ўзбек тилини билган талаба шу тилда маъруза қилади. — Студент, знающий (который знает) узбекский язык, сделает доклад на этом языке. Топшириқни бажарганлар дам оляптилар. — Выполнившие задание отдыхают.)

55-машқ. Қуйидаги гапларни ўқиб, рус тилига оғзаки таржима қилинг.

1. Деворий газетада ёзилган ҳикояни ўқидингми?

2. Жамоа эккан экинлар августда етилди. 3. Очилган пахталарни битта қўймай териб олдик. 4. Ишга эрта чиққанлар режаларини ошириб бажардилар.

56-машқ. Ўқинг. Ўтган замон сифатдошининг гапдаги вазифасини айтиб беринг. Мақолларни ёд олинг.

Билмагани сўраб ўрганган — олим, орланиб сўрамаган ўзига золим.

Эрта эккан эрта ўради.

Кўп юргандан сўрама, кўп билгандан сўра.

Ишламаган тишламайди.

Қўрққан олдин мушт кўтарар.

ҲОЗИРГИ ЗАМОН СИФАТДОШИ (Причастие настоящего времени)

(Причастие настоящего времени образуется присоединением к положительной или отрицательной форме деепричастия на —а, —й.

аффикса — ётган. Если деепричастие оканчивается на —й, то вместо й—ё пишется только одно "ё": ишла —ётган — ишлаётган, ишлама — ётган — ишламаётган, сакра —ётган — сакраётган, сакрама —ётган — сакрамаётган. Эта форма переводится на русский язык причастием настоящего времени. Например:

Кеча биз Москвага кетаётган ўртоқларимизни кузатиб қўйдик. — Вечера мы проводили товарищей, уезжающих в Москву).

ҲОЗИРГИ—КЕЛАСИ ЗАМОН СИФАТДОШИ

(Причастие настояще—будущего времени)

(Причастие настояще—будущего времени образуется присоединением к положительной или отрицательной основе глагола аффиксов —и или —а деепричастия настоящего времени и аффикса —диган: ишлайдиган одам — работающий человек, ишламайдиган одам — неработающий человек, биладиган талаба — знающий студент, билмайдиган талаба — незнавший студент.

Эта форма переводится на русский язык двояко: или причастием настоящего времени или придаточным предложением со словом "который" и глаголом будущего времени, например: Практикага кетадиган талабалар эртага соат еттига йиғилишсин. — Студенты, уезжающие (или которые уедут) на практику, пусть завтра соберутся в семь часов).

КЕЛАСИ ЗАМОН СИФАТДОШИ

(Причастие будущего времени)

(Причастие будущего времени образуются путем присоединения к основе глагола аффикса —р (после конечного гласного): ишла —р, ўқи —р, или —ар (после конечного согласного): кел —ар, тошшир —ар. Отрицательная форма образуется присоединением к основе глагола аффикса —мас: бор —мас, ишла —мас. Отрицательная форма в современном узбекском языке употребляется очень редко).

57—машқ. Қуйидаги гапларни рус тилига таржима қилинг. Сифатдошларнинг қайси замонда эканлигини айтинг.

1. Мукофот оладиган ишчиларнинг рўйхати тузилди. 2. Ўзбек тилидан имтиҳон тошпираётган талабалар аудиторияда. 3. Оқар сув доим тоза ва совуқ бўлади. 4. Болалар боққан балиқлар аквариум — ларда сузиб юрибди. (Э.Р.). 5. Экинни эрта эккан, ҳосилни эрта ўрар. (Мақол). 6. Айтар сўзни айт, айтмас сўздан қайт. (Мақол).

58—машқ. Қуйидаги сифатдошлар иштирокида гаплар тузиб ёзинг. Олаётган, берадиган, бермас, бажарар, тошпирадиган, келмаёт — ган, тошширмайдиган.

59—машқ. Сифатдошларни топиб, уларнинг ясалишини тушунтиринг. Сифатдош ясовчи қўшимчаларнинг ёзилишини айтинг.

1. Кўп юргандан сўрима, кўп билгандан сўра. (Мақол). 2. Кўрар кўзим, Авазжоним, бормисан? ("Халқ достонлари"). 3. Янги олган кўйлагимни тикувчи тор тикибди (Қўшиқ). 4. Борган сари қадамлари сусайиб, орқага қарагиси, кайтгиси келаверди. (М.Исм.). 5. Йўлчи қоронғу тунда борар экан, бутун ғариблигини, юрагидаги қайғу гирдобининг бутун оғирлигини яна чуқурроқ туйди. (О.).

34§. НАЪМАТАК

Наъматак мевалари халқ табобати амалиётида қадим замонлардан қўлланиб келинади. Улардан тайёрланган дамлама ўпка сили, жигар, ўт пуфаги яллиғланиши, ичак, буйрак, қовуқ касаликларини даволашда тавсия этилади. Шунингдек, наъматак навларидан тайёрланадиган қайнамадан қон тўхтатувчи, иситма туширувчи омил сифатида фойдаланилади.

Доривор маҳсулот сифатида мевасидангина фойдаланиб қолмасдан, балки гуллари, барглари, ҳатто илдизлари ҳам ишла-тилади. Халқ табобатида наъматак илдизларидан тайёрланадиган қайнатма қовуқ ҳамда буйракка тош келиб, оғриқ берганда ичилса, шифо бўлади.

Наъматак меваларининг дамламаси тинка қуриши, камқонликда яхши фойда беради. Дамлама болаларда майда тошмаларни, қизилча, ич терлама ва бошқа хасталикларни даволашда ишлатилади. Наъматак гуллариининг совутилган қайнатмаси кўз шамоллаганда кўзга босилади, даво бўлади.

Л У Ф А Т

наъматак	— шиповник
халқ табобати	— народная медицина
сил	— чахотка
қайнатма	— отвар
илдиз	— корень
камқонлик	— малокровие
хасталик	— заболевание
иситма туширувчи	— жаропонижающий
ўт пуфаги	— желчный пузырь
буйрак	— почки

Топшириқ:

1. Матнни ифодали ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Равишдошларни топиб тагига чизинг.

РАВИШДОШ

Иш – ҳаракатнинг қай ҳолатда бажарилишини ифодалайдаган феъл шакли равишдош дейилади. Равишдош феълнинг равишга яқин шаклидир. Шунинг учун равишдош ҳам феълга, ҳам равишга хос хусусиятларга эга. Масалан: У ўйламай жавоб қайтарди. У қулиб гапирди. Мотор гуриллаб машина олдинга силжиди. У кийналиб жавоб берди.

Равишдошлар гапда кўпинча равиш ҳоли, эргаш гапнинг кесими, баъзан содда гапнинг кесими вазифасида кела олади: 1. Муроджон севиниб (ҳол) гапирди. 2. Ишнинг боши бошлангунча (кесим). (Мақол). 3. Рустам келиб (кесим), суҳбат жонланиб кетди.

Баъзи равишдош ясовчи қўшимчалар ва уларнинг ёзилиши

Равишдош ясовчи қўшимчалар	Ёзилиши	Мисоллар
– <u>а</u> , – <u>й</u>	Ундош товуш билан тутаган феълларга – <u>а</u> , унли товуш билан тутаган феълларга – <u>й</u> қўшимчаси қўшилади. Равишдошнинг бу тури кўпинча такрорланиб қўлланади ва дефис билан ёзилади.	ёза – ёза, бора – бора, – ўқий – ўқий, ишлай – ишлай.
– <u>иб</u> , – <u>б</u>	Ундош товуш билан тутаган феълларга – <u>иб</u> , унли товуш билан тутаган феълларга – <u>б</u> қўшилади. Талаффузда – <u>ип</u> (– <u>п</u>) ҳолида эпитилади.	ёзиб, келтириб, ўқиб, қатлаб, буклаб, саватлаб, аллалаб.
– <u>қач</u> , – <u>қач</u> , – <u>гач</u>	қ, г товушлари билан тутаган феълларга – <u>қач</u> ; қ, г товушлари билан тутаган феълларга – <u>қач</u> ; бошқа ўринларда – <u>гач</u> қўшимчаси қўшилади.	боргач, ёзгач, ўқгач, эккач, боқ – боққач, туғ – туққач.
– <u>қунча</u> , – <u>қунча</u> , – <u>гунча</u> ; – <u>қани</u> , – <u>қани</u> , – <u>гани</u>	Бу қўшимчалар мақсад билдирувчи равишдошлар ясайди. Ёзилиши аввалги пунктда берилгани каби. Эслатма: Бу равишдош қўшимчаси илгари – гали шаклида ҳам қўлланар эди.	келгунча, эккунча, боққунча; – эккани, чиққани, ўқигани, кўргани, кўргали, ўқигали, – эккали.

Равишдошлар тубандагича ясалади:

- б (–иб): бориб, келиб; ўқиб, юриб.
- а, –й: бора – бора, ишлай – ишлай.

Бу қўшимчалар билан ясалган равишдошлар шахс – сонда туслана

олади:

борибман, борибсан, борибди; борамиз, борасиз, борадилар.

— гач, (— кач, — қач): боргач, келгач, чиққан, эккач.

— гани, (— кани, — қани): боргани, ўқигани, эккани, чиққани.

— гунча, (— кунча, — қунча): боргунча, тушгунча, чиққунча, эккунча. Бу қўшимчалар билан ясалган равишдошлар шахс — сонда тусланмайди.

РАВИШДОШ

(Деепричастие)

(Деепричастие — это глагольная форма, которая имеет и свойства глагола, и свойства наречий.

Деепричастия имеют несколько форм. Они образуются от основы глагола с помощью аффиксов.

Деепричастия, образованные с помощью аффиксов — б, (— иб), выполняют следующие функции:

а) обстоятельства: Талаба саволга ўйлаб, туғри жавоб берди. — Подумав, студент правильно ответил на вопрос;

б) основного глагола в составе сложного глагола: Мен унинг манзилени дафтаримга ёзиб олдим. — Я записал его адрес в свою тетрадь;

в) сказуемого придаточного предложения: Шу пайт эшик очилиб, ҳовлига ҳарбийча кийинган бир йигит кириб келди. — В это время дверь открылась и во двор вошел молодой человек, одетый в военную форму.

Деепричастия, образованные с помощью аффиксов — а, — й, часто употребляются в удвоенном виде для обозначения повторяемости или длительности действия основного глагола: Назрулла югура — югура чарчади. (С.) — Назрулла, бегая — бегая, устал.

Отрицательная форма деепричастий образуется присоединением к основе глагола аффикса — май или — масдан: ўқи — май, ўқи — масдан — не читая.

Деепричастия, образованные при помощи аффиксов — а, — й, в предложении выполняют следующие функции:

а) обстоятельства: У ўйлай — ўйлай уйдан чиқиб кетди. — Раздумывая, он вышел из дома. Азиза "Отасининг қизи" спектаклининг мазмунини кула — кула гапириб берди.

— Азиза, смеясь, рассказала содержание спектакля "Дочь отца".

б) служат для связи основного глагола со вспомогательный: Наташа ўзбек тилида хат ёза олади. — Наташа может написать письмо на узбекском языке;

в) изменяясь по лицам и числам, служит для образования настояще — будущего времени: Мен Низомий номи Тошкент Давлат педагогика унверситетида ўқийман, — Я учусь в Ташкентском государственном педагогическом университете имени Низами.)

60-машқ. Кўчиринг. Равишдошларни топиб, равишдош ясовчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

1. Илк қор ўйнаб – ўйнаб ёғар эди. (О.). 2. Бобомни кута – кута ухлаб қолибман. 3. Қиз бир қучоқ тут барги кўтариб олганича қотиб – қотиб куларди. (С.). 4. Феруза инқиллай – инқиллай ўрнидан турди. ("Ш.Ю.") 5. Саёҳатчилар юра – юра анча жойни босиб қўйдилар. 6. Султонмурод келибоқ ўқишга киришди. (О.). 7. Мустақил мутолаа қилмай, яхши ўқувчи бўлиш мумкин эмас.

61 – машқ. Гапларни кўчиринг. Равишдошларни топиб, унинг қандай қўшимча билан ясалгани ва имлосини тушунтиринг.

1. Шу кун гўё елкасидан тоғ ағдарилгандай енгиллашди ва суйганига муваффақиятдан дарак бериб, қувончини ўртоқлашмоқ учун Комила қошига учиб боргудай ошиқди. (О.). 2. Ишнинг боши бошлангуча (Мақол). 3. Йиглай – йиглай марза олсанг, ўйнаб – ўйнаб суғорасан. (Мақол). 4. Эрдан айрилгунча жондан айрил. (Мақол).

62 – машқ. Ўқинг. Равишдошларни аниқлаб айтинг.
1. Бўтабой гапга тушуна олмай, Низомиддиновга қаради. (С.Аҳм.). 2. Назиркул титраб – қақшаб ўрнидан турди. (С.Аҳм.). 3. Синфларни кўриб юрган Холмат ака Эркинни кўтариб доска олдига борди. 4. Фуломжон шоша – шоша эшикни ёпди. («Ш.Ю.»). 5. Тозагул самоварни қайта – қайта пуфлар эди. (О). Сабуров-ҳассасага таяниб, қийинлик билан оқсаб – оқсаб йўл босарди. (К.С.).

35 – §. ҲУРМАТ ҚИЛСАНГ, ҲУРМАТ ТОПАСАН

Ёшлигимизнинг қимматли фазилатларидан бири катталарни ҳурмат қилишдир. Бу фазилат ҳар қадамда намоён бўлиб турганлиги кишини хурсанд қилади. Аммо баъзан шундай ҳам бўладики, ёш йигитча трамвайда тик турган катта ёшли кишига ёки болали аёлга ўрнини бермайди. Албатта бундайлар жуда оз, лекин бу хил камчиликлардан тез қутилишга ҳаракат қилиш керак.

Ёшларимиз бир – бирига меҳрибон, бир – бирини қадрлайдиган, дўстлик ва муҳаббатни ардоқлайдиган, олижаноб йигит – қизлардир. Улар ҳамиша одамларга яхшилик қилиш нияти билан тўлқинланадилар. Лекин бировга бир яхшилик қилиб, шу билан доимий мақтаниб юрадиган ёшлар ҳам сийрак бўлсада, учраб қолади. Аммо бу хусусият уларга умуман муносиб эмас. Ватан ва халққа садоқат, байналминал дўстлигимизга вафодорлик, меҳнатга муҳаббат, олижаноблик ва самимийлик, юксак маданият ва олий ахлоқ эгаси бўлиш ёшларимизнинг, виждон иши, олий бурчидир. Бу шарафли соҳаларда уларга ғайрат ва муваффақият тилаймиз.

Гафур Фулом

ЛУФАТ

катталар	– взрослые
ҳурмат	– уважение
аммо	– но...

ёш	—	молодой
тик турган	—	стоящий
болали аёл	—	женщина с детьми (с ребенком)
ўрнини бермайди	—	не уступает (не освобождает)
		место
бундайлар	—	такие (люди)
оз	—	мало
камчилик	—	недостаток
ҳамиша, доимо	—	всегда
садоқат	—	преданность
олижаноблик	—	благородство
олий аҳлоқ	—	высшая мораль
виждон иши	—	дело совести

Топшириқ:

1. Матнга саволлар тузинг ва саволларга ўзингиз жавоб қайтаринг.
2. Гапларни ўқинг феъл майлларини топинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

ФЕЪЛ МАЙЛЛАРИ

Феълларда учта майл бор: аниқлик майли, буйруқ—истак майли, шарт майли.

Аниқлик майли иш—ҳаракатнинг уч замондан бирида бажарилиши ва бажарилмаслигини ифодалайди. Бу майл уччала (ўтган, ҳозирги, келаси) замон маъноларини ифодалайди. Масалан: Мен уйга кетдим (ўтган замон). Мен уйга кетяпман (ҳозирги замон). Мен уйга кетмоқчиман (келаси замон).

Буйруқ—истак майли буюриш, илтимос, маслаҳат, чақириш каби маъноларни ифодалайди.

Масалан:

Бирлик (Ед. число)

I ш. — мен бор—ай

II ш. — сен бор—гин

III ш. — у бор—син

Кўплик (Мн. число)

биз бор—ай—лик

сиз бор—ингиз

улар бор—син—лар

Шарт майли — иш—ҳаракатнинг юзага чиқиши шарт қилиб қўйилган—лигини ифодалайди.

Шарт майли феъл ўзагига—са қўшимчасини қўшиш билан ясаиб, қуйидагича тусланади:

Бирлик (Ед. число)

I ш. — мен кел—са—м

II ш. — сен кел—са—нг

III ш. — у кел—са

Кўплик (Мн. число)

биз кел—са—к

сиз кел—са—нгиз

улар кел—са—лар

Бундай вақтда кўпроқ кесатиқ, пичинг маъноларини ифодалайди.

Бирлик (Ед. число)

Кўплик (Мн. число)

I ш. — мен кел — са — м эди

биз кел — сак эди

II ш. — сен кел — са — нг эди

сиз кел — са — нгиз эди

III ш. — у кел — са эди

улар кел — са (—лар) эди

Феъл майллари (Наклонение глагола). Наклонение глагола выражает отношение действия или состояния к действительности.

В узбекском языке глаголы имеют три наклонения: аниқлик майли (изъявительное наклонение), буйруқ — истак майли (повелительно — желательное наклонение), шарт майли (условное наклонение).

Аниқлик майли (Изъявительное наклонение). Глагол в изъявительном наклонении обозначает реальное действие, которое происходит в одном из трех времен. Например: Мен уйга кетдим. (Я ушёл домой). Мен уйга кетяпман. (Я иду домой). Мен уйга кетмоқчиман. (Я пойду домой).

Буйруқ истак майли. (Повелительно — желательное наклонение).

Глагол в повелительно — желательном наклонении выражает повеление, просьбу, пожелание говорящего, побуждающее совершить или не совершить действие. Наиболее употребительной формой повелительного наклонения является форма 2-го лица единственного числа. Эта форма в узбекском языке соответствует основе глагола, например: Ёз (пиши), ўқи (читай), бер (дай), ўйна (играй). Сен шахмат ўйнашинг керак. — Ты должен играть в шахматы.

При выражении значения приказа, совета, наказа форма 2-го лица повелительного наклонения образуется с помощью аффиксов —гин, —кин, —қин.

Например: ўқигин (читай), (читай — же), экин (да сей же, ну сей), ёққин (подожги, подожги же).

Значение вежливой формы 2-го лица единственного числа повелительного наклонения образуется присоединением к основе глагола аффикса —нг (после гласного), —инг (после согласного). Например: кел — инг (приходите), кет — инг (уходите), гапир — инг (говорите) ўқи — нг (читайте).

Форма 2-го лица множественного числа повелительно — желательного наклонения образуется следующими способами:

а) присоединением к основе глагола аффикса —нгиз (после гласного) или —ингиз (после согласного): ўқи — нгиз, (учитесь), бер — ингиз (дайте).

б) присоединением аффикса —лар к вежливой форме повелительного наклонения 2-го лица единственного числа; беринг — лар — дайте, ай — тинг — лар — говорите.

Форма 3-го лица единственного числа повелительно — желательного наклонения образуется присоединением к положительной или отрицательной основе глагола аффикса —син, а множественного числа присоединением аффикса —лар к форме единственного числа,

например: Нодира бугун кутубхонага келсин. Пусть Нодира сегодня придет в библиотеку. Дўстларинг бу ерда турмасинлар. — Пусть твои друзья не стоят здесь.

В узбекском языке, в отличие от русского, имеется форма 1-го лица повелительно-желательного наклонения. При этом действие направленно на говорящего. Единственное число формы образуется присоединением к основе глагола аффикса —ай (—й), иногда —айин, а множественное число — присоединением аффикса —лик в форме единственного числа, например: борай (пойду—ка, да пойду я), ўқий (прочитаю—ка я, да прочитаю я), борайлик (пойдем, пойдемте), ўқийлик (почитаем).

Спряжение повелительно—желательного наклонения

Бирлик (Ед. число).

I ш. мен ол—ай — я возьму

II ш. сен ол — ты возьми

III ш. у ол—син — пусть он возьмёт

Кўплик (Мн. число).

I ш. биз ол—ай—лик — мы возьмем (делание)

II ш. сиз ол—ингиз — вы возьмите (приказание)

III ш. улар ол—син — пусть они возьмут (пожелание)

Шарт майли (Условное наклонение).

Условное наклонение обозначает действие, состояние, осуществление которого желательно и/или возможно при определенных условиях. В отличие от русского языка, где условное наклонение выражается аналитическим способом, в узбекском языке оно образуется присоединением к основе глагола аффикса —са и аффиксов спряжения.

Ҳозиги—келаси замон шарт майли.

(Условное наклонение настояще—будущего времени).

Условное наклонение настояще—будущего времени обозначает возможность или невозможность выполнения действия после момента речи. Образуется путем прибавления к положительной или отрицательной основе глагола аффикса —са и аффиксов спряжения:

Бўлишли форма. (Положительная форма).

Бирлик (Ед. число)

Мен м — если я приду

Сен кел—са нг — если ты придешь

У — — если он придет

Кўплик (Мн. число).

Биз к — если мы придем

Сиз кел—са ингиз — если вы придете

Улар лар — если они придут

Бўлишсиз форма (Отрицательная форма).

Бирлик (Ед. число).

Мен м — если я не приду
Сен келма — са нг — если ты не придешь
У — — если он не придет

Кўплик (Мн. число).

Биз к — если мы не придем
Сиз келма — са нгиз — если вы не придете
Улар (-лар) — если они не придут

При сочетании этой формы глагола со словом керак (должно быть) выражается значение предположения, а со словом бўлади (можно) — возможности или невозможности для данного лица совершить то или иное действие: келса керак — должно быть, он придет; билса бўлади — можно узнать.

Ўтган замон шарт майли

(Условное наклонение прошедшего времени).

Условное наклонение прошедшего времени выражает возможность или предположительность выполнения действия до момента речи. Образуется сочетанием положительной или отрицательной формы прошедшего времени с глаголом бўлмоқ в положительной форме условного наклонения настояще — будущего времени.

Бўлишли форма (Положительная форма).

Бирлик (Ед. число)

Мен м — если я писал
Сен ёзган бўлса нг — если ты писал
У — — если он писал

Кўплик (Мн. число).

Биз к — если мы писали
Сиз ёзган бўл — са нгиз — если вы писали
Улар (-лар) — если они писали

Бўлишсиз форма (Отрицательная форма).

Бирлик (Ед. число).

Мен м — если я не писал
Сен ёзмаган бўлса нг — если ты не писал
У — — если он не писал

Кўплик (Мн. число).

Биз к — если мы не писали
Сиз ёзмаган бўл — са нгиз — если вы не писали
Улар (-лар) — если они не писали

63—машқ. Мақолларни кўчиринг, феълларнинг тагига чизинг ҳамда қайси майда эканлигини айтинг.

1. Бошингга қилич келса ҳам, тўғри гапир.
2. Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ.

3. Яхшилик нур келтирур.
4. Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг бўлсин.
5. Йўлни билган хормайди.

64-машқ. Қуйидаги гаплардаги феълларни буйруқ—истак майли шаклига айлантинг.

1. Мен дарсни (тайёрлаб бўлмоқ).
2. Биз ҳам бирга кинога (бормоқ).
3. Китоб — бизнинг дўстимиз. Уни (авайлаб асрамоқ).
4. Халқимиз урф — одатларини (ҳурмат қилмоқ).

65-машқ. Феълларни шарт майли шаклида қўлаб, гапларни кўчиринг.

1. Экинларни яхши парвариш қилдик, ҳосил мўл бўлди.
2. Ҳаво булут бўлди, ёмғир ёғди.
3. Яхши ўқиш — яхши мутахассис бўлиш гарови.
4. Тинчлик бўлгандагина эл кўкаради.

36-§. АВТОМОБИЛ

Одамлар қадимдан от қўшмасдан ўзи юрадиган арава яшашни орзу қилишган. Бунинг учун улар нималар ўйлаб топишмади дейсиз: ричаглар, педаллар ва тишли цилдираклар ... ясашди. Ҳаттоки, аравага елкан ҳам ўрнатиб кўришди.

1770 йилда француз муҳандиси Кюньо аравага от ўрнига буғ машинасини «қўшишга» қарор қилди. Сўнгра бу гаройиб қурилмани «Автомобил», яъни "ўзи юрувчи» деб атади. Олдига мис қозон осилган, унинг орқасидаги ўриндиқда эса ҳайдовчи ўтириб олиб, рулни у ёқдан—бу ёққа бураётган бундай арава шаҳар кўчаларида юра бошлади. У бир оз юради—да, тўхтади, демак қозонда буғ тутаб қолган. Буғ бўлмаса, машина ишламайди, гилдираклари айланмайди. Ҳайдовчи аравадан тушиб, ўтхонага ўт ёқади ва қозондаги сувни қайнатади, шундагина буғ ҳосил бўлиб, арава яна йўлида давом этади. Бундай ҳайдовчини бекорга шофер дейишмаган: французча «шофер» сўзи «ўтёқар» дегани.

ЛУҒАТ

Буғ	— пар
қозон	— котел
ўриндиқ	— сиденье
ҳайдовчи	— водитель
ўтёқар	— шофер
гилдирак	— колесо
қайнатмоқ	— кипятить
тутаб қолди	— кончился

Топшириқ:

1. Матнга саволлар тузинг ва саволларга ўзингиз жавоб қайтаринг.
2. Матндаги феъл нисбатлари иштирокида бир неча гап тузинг ва рус тилига таржима қилинг.

ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИ

Иш – ҳаракатнинг бажарувчи билан предмет орасидаги муносабатини билдирадиган феъл шакли феъл нисбати дейилади. Масалан: Дилором таранди. Шу гапда Дилором – ҳаракатнинг бажарувчиси (эга, яъни субъект). Ҳаракат Дилоромнинг ўзига қайтади. Демак, Дилором айна пайтда ҳам ҳаракатнинг бажарувчиси, ҳам предмети (объекти) саналади. Улар суҳбатлашди. Бу гапда ҳаракат бар неча субъект томонидан бажарилган. Феъл нисбатлари тўрт турга бўлинади: 1) аниқ нисбат, 2) ўзлик – мажҳуллик нисбати, 3) орттирма нисбат, 4) биргалик нисбати.

Аниқ нисбат. Бу нисбатдаги феъл ҳаракатнинг эга (субъект) томонидан бажарилишини билдиради, ҳаракатнинг объекти (предмети) эса тўлдирувчи (ёки ўрин ҳоли) вазифасида келади. Аниқ нисбатни ясовчи махсус қўшимча йўқ. У китобни ўқиди. Мен институтда ўқийман.

Иш – ҳаракатнинг субъекти (эгаси – бажарувчиси) билан объекти бир шахснинг ўзи эканлигини кўрсатувчи ёки ҳақиқий бажарувчиси ноаниқ бўлган феъл формаси ўзлик – мажҳуллик нисбати дейилади. Ўзлик – мажҳуллик нисбати қуйидагича ясалади: феъл ўзакларига – н (-ин), – л (-ил) қўшимчаларининг қўшилиши билан: таранди, ювинди, чўмилди, суркалди; пахталар терилди, сув сепилди, китоб олинди каби.

Орттирма нисбат бир субъектнинг ҳаракати бошқа бир субъектнинг таъсири натижасида бажарилишини ифодалайдиган феъл формасидир. Орттирма нисбат феъл негизига тубандаги қўшимчаларини қўшиш орқали ясалади:

–ш: кўпайт, қулат, ухлат;

–тир, дир: айттир, кийинтир, кулдир, қурдир;

–гиз (-ғиз), каз, (-газ, –каз), –киз. –қиз: турғиз, кеткиз, ўтказ, тутқиз, юргиз, борғиз, кўргаз;

–сат (-са –т): кўрсат;

–из: оқиз, боқиз (касални боқизмоқ).

Феълларда орттирма нисбат ясовчи –дир қўшимчаси жарангсиз ундошдан сўнг –тир, жарангли ундошдан сўнг бир бўғинли сўзларда –дир тарзида қўшилади ва шундай ёзилади: ўқтирмоқ, айттирмоқ, эктирмоқ, ювинтирмоқ, шоширтирмоқ, чақиртирмоқ, чўмилтирмоқ; ёздирмоқ, ундирмоқ, илдирмоқ, оғдирмоқ каби. Бу қоидадан кел сўзи мустаснодир, чунки у, унли билан тутаган бир бўғинли сўз бўлишига қарамай –тир қўшимчасини олади: келтир (келдир эмас). Жарангли г билан бошланган –гиз, –газ қўшимчалари жарангсиз товушлар билан тутаган сўзларга қўшилганда, –киз, –қиз (ўтказмоқ, кеткизмоқ, ётқизмоқ) –каз, –қаз (ўтказмоқ, ютқазмоқ) каби шаклларда ёзилади. Жарангли ундош билан тутаган сўзлардан кейин эса –гиз, –ғиз, –газ, –газ ёзилади: турғиз, ўрғиз, юргизмоқ, кўргазмоқ каби.

Биргалик нисбати бир неча шахс (субъект) томонидан бажарилган ҳаракат маъносини ифодаловчи феъл шаклидир. Биргалик нисбати тубандаги қўшимчалар ёрдамида ясалади: –ш (-иш) ёзишди,

сўзлашди, гапиришди, қайтишди. —лаш (—ла —ш) баҳслашди, гаплашди, суҳбатлашди. Бунда ҳаракатнинг бажарилишида субъектлар барабар иштирок этади ёки бир субъект ҳаракатининг бажарилишида бошқа субъект ёрдамлашади, кўмаклашади: Улар планёр ясашди. Дилором опасига қарашди.

ФЕЪЛ НИСБАТЛАРИ (Залог)

Категория залогa выражает различные отношения между субъектом (производителем действия) и объектом. Залогов в узбекском языке пять: *аниқ нисбат* — действительный залог, *ўзлик нисбат* — возвратный залог, *биргалик нисбат* — взаимсовместный залог, *мажҳул нисбат* — страдательный, *ортирма* — понудительный залог.

Аниқ нисбат (Действительный залог)

Действительный (основной) залог имеет нулевой показатель. Субъект действия, обозначенного глаголом действительного залога, выражается подлежащим, а объект — дополнением в винительном падеже. Предложение, образованное по такой конструкции, называется активной конструкцией: Кумри хат ёзди. — Кумри написала письмо.

Ўзлик нисбат (Возвратный залог)

Возвратный залог выражает действие, исходящее от субъекта и возвращающееся на него; образуется прибавлением к основе глагола аффиксов —н (—ин), —л (—ил), —дан, —ш (—иш) и т.д.: таранмоқ — причесываться, ювинмоқ — мыться, кийинмоқ — одеваться, отланмоқ — собираться, керишмоқ — потягиваться. Порядок присоединения аффиксов тот же, что для страдательного залога.

64—машқ. Қуйидаги сўزلардан ўзлик нисбатли феъллар ясанг. Кийинмоқ, кўрмоқ, суркамоқ, ювмоқ, ясамоқ, ўрамоқ.

65—машқ. Аниқ нисбатдаги феълларни ўзлик нисбатга, ўзлик нисбатдаги феълларни эса аниқ нисбатга айлантириб ёзинг. Аҳмад Ҳусайн (ювмоқ), кечаги қолган овқатдан бир оз (емоқ). 2. Синглим Шарофат бугун яхши (киймоқ), меҳмонга (кетмоқ). 3. Укам ҳар куни эрталаб ҳўл сочиқ билан (артмоқ). 4. Дўстимнинг муваффақиятидан мен жуда (қувонмоқ). 5. Тоққа экскурсияга чиққанзимизда, ҳаммамиз қалин (кийинмоқ).

Мажҳул нисбат (Страдательный залог).

Страдательный залог глагола указывает, что предмет, названный подлежащим, подвергается действию другого предмета, обозначенного косвенным дополнением. Страдательный залог образуется прибавлением к основе глагола аффикса —л (после гласного), —ил

(после согласного). Если в основе глагола уже имеется звук л, то страдательный залог образуется при помощи аффикса -н (после гласного), -ин (после согласного): Бино куриди - Здание построено. Китоб ўқиди. Книга прочитанна.

66-машқ. Нуқталар ўрнига керакли қўшимчаларни қўйинг ва уларни рус тилига таржима қилинг.

1. Аълочи талабалар мукофот..ди. 2. Мактаб биноси жуда чиройли кур.,ди. 3. Илгор ишчилар рағбатлантир..ди. 4. Хотин - қизлар йиғилиши ўтказ..ди. 5. Муҳтожларга моддий ёрдам бер..ди. 6. Бутун адабиёт дарсида янги тема ўт..ди. Намуна: Аълочи талабалар мукофотланди.

Биргалик нисбати (Взаимно-совместный залог).

Взаимно - совместный залог (биргалик нисбати) указывает на вы - полнение действия многими лицами совместно. Он образуется прибавлением к основе глагола -ш (после гласного), -иш (после согласного): Улар қайта куришни бошлади. - Они начали перестройку (повсеместно, совместно). Ўртоғим менга ремонтга қарашди - Мой товарищ помогал мне в ремонте.)

67-машқ. Биргалик нисбатнинг ҳосил бўлишини изоҳланг.

1. Болалар қорбобо ясади. 2. Улар бизни меҳмонга чақиришди. 3. Биз танаффус вақтида суҳбатлашдик. 4. Биз Володя билан кутубхонада танишдик. 4. Тўғарак қатнашчилари ҳар хил уйинларни ижро этишди. 5. Душанбадан келган меҳмонлар қайтиб кетишди. 6. Дадам жангчи дўстлари билан ҳали ҳам ёзишиб туради. 3. Саодат уй ишларида онасига қарашади.

Орттирма нисбат (Понудительный залог)

Понудительный залог выражает действие, производимое субъектом через другое лицо. Образуется прибавлением к корню или основе глагола следующих аффиксов: -ар, -дир (-тир), -газ (-каз. -қаз), -гиз (-киз. -қиз), -р, -т (-ит) и т.д.: топтирмақ - заставить найти, қайтармоқ - возвращать, ўтказмоқ - пропустить, ичирмоқ - заставить выпить. Понудительный залог в русском языке отсутствует. При переводе этой глагольной формы на русский язык обычно употребляются следующие глаголы: заставить, приказать, принудить, велеть, позволить, допустить. Например: супурмоқ, - подметать, супуртирмақ - заставить (приказать, велеть, позволить) подметать. При отсутствии этих слов имеется в виду, что действие выполняется подразумеваемым, а не названным субъектом: Мен этик тиктирдим, - Я сшил себе сапоги, (не я сам шил, а мне сшили по моей просьбе).

68-машқ. Қуйидаги феъллардан орттирма нисбат ҳосил қилинг.

Билмоқ, емоқ, ёзмоқ, ишламоқ, ичмоқ, йиғламоқ, кетмоқ, олмақ,

пишмоқ, тушмоқ, чиқмоқ, ўқимоқ, қайтмоқ, қурмоқ, юрмоқ.

37-§. ТҲЙЧИ ҲОФИЗ ТОШМУҲАМЕДОВ.

Атоқли Ҳофиз, ўзбек ашулачилик санъатининг намояндаси Тўйчи Ҳофиз Тошмухамедов — Мулла Тўйчи 1868 йилда Тошкентда туғилган. У 1878 — 1884 йилларда эски мактабда ўқиган. Ҳофиз Навоий, Машраб, Бедил, Фузулий каби классик шоирлар ижоди билан яқиндан танишиб, уларнинг айрим газалларини ижро этган. Тўйчи Ҳофиз ёшлигидан амакиси Қўчқор отадан ашула айтиш сирларини ўрганган. Дастлаб унинг репертуаридан «Эй достон гул, марҳаб», «Фигон», «Шитоб айлаб» каби ашулалар ўрин олган.

1890 йилда Шожалил Ҳофиз, Шобарот танбурчи жўрлигида айтилган Шаҳноз—Гулёр ашулалари цикли унга шуҳрат келтирган. Кейинчалик унинг довуғи Туркистон ўлкасининг (Наманган, Ҳўжанд, Ўш, Андижон, Исфара, Марғилон) каби барча шаҳарларига тарқалган.

Тўйчи Ҳофиз ўзи ижро этган ашулаларни биринчилар қатори грампластинкага ёздирган.

Тўйчи Ҳофиз 1910 йилда Эрон, Туркия, Италия, Миср, Ҳиндистон ҳамда 1913 — 1914 йилларда Шарқий Туркистондаги Қашқар, Гулжа, Ёркент ва Чутучак каби шаҳарларда бўлиб, ўз ижрочилик маҳоратини ҳорижлик мухлислари олдида ҳам кенг намойиш қилган.

Тўйчи Ҳофиз Октябрь инқилобидан сўнг Ўзбекистонда маҳаллий халқ музыка ансамбллари ташкил этишда фаол қатнашган. 1920 — 1922 йилларда армия аскарлари орасида ҳам концертлар уюштирган. У 1927 йилдан то умрининг охиригача Ўзбекистон Радиокомитети қошидаги ўзбек халқ чолғу ансамблида, кейинчалик унисон оркестрида устоз хонанда сифатида қизгин фаолият кўрсатган. Шунингдек, у ўзбек Давлат филармониясининг етакчи солисти ҳам бўлган.

Тўйчи Ҳофиз томонидан айтилган «Баёт», «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Гиря», «Илғор», «Сувора», «Кўча боғи», «Шаҳноз—Гулёр», «Таронаи Дутоҳ» (Дутоҳи Ҳусайний циклининг таронаси) каби оғзаки анъанадаги ўзбек профессионал музыкаси намуналари, кўп қисми ва яқка ашулалар ўзбек музыка маданияти тарихида муҳим ўрин тутди.

Тўйчи Ҳофиз 1920 йилда Москвада ўтказилган қишлоқ хўжалиги кўрагазмаси, ўзбек санъати декадаси (1937) да қатнашган. У 30— йилларда Катта Фарғона канали ва бошқа халқ қурилишларида хизмат кўрсатган.

Тўйчи Ҳофиз жуда кўп профессионал ўзбек қўшиқчиларининг етишишида катта хизмат қилди, кўплаб хонандаларга меҳрибон устоз бўлди. Ш. Шоумаров, Юнус Ражабий ва Рисқи Ражибийлар, Карим Зокиров, Бобораҳим Мирзаевлар Тўйчи Ҳофизнинг ижрочилик йўлларни давом эттирдилар.

Ўзбек ашулачилик санъатининг улкан намояндаси, талантли хонанда Тўйчи Ҳофизнинг ўзбек қўшиқчилигининг равнақидаги хизматлари муносиб тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 9 йиллиги

муносабати билан ўзбек миллий маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси учун Тўйчи Ҳофиз Тошмухамедов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

ЛУФАТ

ғазал	— газель
Шарқий Туркистон	— Восточный Туркистан
санъат мухлислари	— поклонники искусства
халқ чолғу ансамбл	— народный музыкальный ансамбль
маҳаллий	— местный
ўзбек санъати декадаси	— декада узбекского искусства
улкан намоянда	— известный представитель

Топшириқ:

1. Матнга саволлар тузиб, улар асосида Тўйчи Ҳофизнинг таржимаи ҳолини сўзланг.
2. Матндаги равишларни аниқлаб, турларини ажратинг.

РАВИШ

Равиш. Иш — ҳаракатнинг қай ҳолда бажарилишини, пайтини, ўрнини, даража — миқдорини билдирадиган мустақил сўз туркуми равиш дейилади. Масалан: Биз кечқурун Тошкентга қайтамиз. У кўп ўқийди.

Равишлар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади: ҳолат равиши, даража — миқдор равиши, пайт равиши, ўрин равиши.

Ҳолат равиши. Иш — ҳаракатнинг қандай ҳолатда ёки қай тарзда бажарилганлигини кўрсатади. Масалан: аста — секин, тез (тез — тез), яёв, пиёда, дарҳол, бирдан, тўсатдан, қаҳрамонларча, қўққисидан, бирдан — бир, қўлма — қўл, қушдай каби. Масалан: У зўрға гапирди.

Пайт равиши. Иш — ҳаракатнинг бажарилиши пайтини кўрсатади. Масалан: эрта, индин (эрта — индин), кеча — кундуз, эрталаб, сўнг, илгари, кейин, ҳали, ҳамisha, бултур, яқинда, йилдан — йилга, қишин — ёзин каби, масалан: Биз бугун тоғдан қайтдик.

Ўрин равиши. Иш — ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради. Масалан: нари, бери (нари — бери), унда, бунда (унда — бунда), алақаерда, алақаерга, қуйида каби. Масалан: алақаерда ашула товуши эшитиларди.

Даража — миқдор. Одатда иш — ҳаракатнинг миқдорини, даражасини англатади. Масалан: кўп, оз, бир оз, кам, сал, пича, хиёл (миқдор равишлари), жуда, гоят, обдон, ниҳоятда, асло, сира (даража равишлари). Масалан: У ниҳоятда чарчаган эди.

Наречие — обозначает признаки действия и качеств. В

предложении наречие чаще всего употребляются с глаголами, выражая различные признаки действия, например: Биз кечқурун Тошкентта кетамиз. — Вечером мы уедем в Ташкент (время действия). У кўп ўқийди — Он много читает (меры и степени). Баҳорда ҳамма гуллар очилади. — Весной всюду цветут цветы (место действия).

По значению наречия делятся на следующие разряды:

1. Ҳолат равиши (наречие образа действия)
2. Пайт равиши (наречие времени)
3. Ўрин равиши (наречие места)
4. Миқдор — даража равишлари (наречия меры и степени)

Ҳолат равиши (наречие образа действия) обозначает, каким образом, способом или при каком положении совершается действие, и отвечает на вопросы қандай? (как?), қандай қилиб? (каким способом?). Наиболее употребляемыми в узбекском языке являются следующие наречия образа действия: аста (қандай?) — тихо, секин (қандай?) — медленно, зўрға (қандай?) — насилу, едва-едва, яёв (қандай?) — пешком, оҳиста (қандай?) — медленно, бирдан (қандай?, қандай қилиб?) — сразу, қаҳрамонларча (қандай?) — героически. Например: У зўрға гапирди. — Он насилу говорил. У пиёда келди. — Он пришёл пешком.

Пайт равиши (наречие времени) обозначает время совершения действия и отвечает на вопросы қачон? (когда?), қачондан бери? (с каких пор?), қачонгача? (до каких пор?), ҳозир (қачон?) — сейчас, эртага (қачон?) — завтра, кечадан бери (қачондан бери?) — с вчерашнего дня, ёзгача (қачонгача?) — до лета.

Например: Биз бутун тоғдан қайтдик.. — Сегодня мы вернулись с гор.

Ўрин равиши (наречие места) обозначает место совершения действия и отвечает на вопросы қаерда? (где?), қаерга? (куда?), қаердан? (откуда?), у ерда (қаерда?) — там, ҳар ердан (қаердан?) — всюду, бу ерга (қаерга?) — сюда.

Например: Олмани бу ерга қўйинг. — Положите яблоко сюда.

Миқдор-даража равиши (наречие меры и степени). Наречие меры и степени указывает на меру и степень действия или признака и отвечает на вопросы қанча? (сколько?), қай даража? (в какой степени?), кўп (қанча?) — много, оз (қанча?) — мало, меньше, мўл (қанча?) — обильно, тамомила (қай даража?) — окончательно. Например: У бир оз чарчади. — (Он немного устал).

69 — машқ. Равишлар маъно ва грамматик жиҳатдан тўрт гуруҳга бўлинишини қуйидаги сўзлар орқали тушунтиринг.

<u>Ҳолат</u>	<u>Миқдор-даража</u>	<u>Пайт</u>	<u>Ўрин</u>
аста	оз	энди, сўнг	нари — бери
жим	кўп	кейин, ҳануз	қуйида
пиёда	бироз	ҳали, илгари	Узоқда

ёнма – ён	сал	ҳар куни	шу ерга
битталаб	пича	ҳозир	ҳар ерда
қушдай	қиттак	куни билан	
	хиёл		
	ниҳоятда		
	ҒОЯТ		

1 topshiriq

~~70 машқ.~~ Гапларни ўқинг. Равишларни топиб, маъно жиҳатдан турини ва қайси сўз билан боғланганлигини аниқланг.

1. Уйга дарё бўйлаб яёв кетмоқчи бўлди (Э.С.). 2. Аёл бир оз юмшаб деди: «Тепа ўринлар бўш» (Э.С.). 3. Аста пастта тушиб купедан чиқди (Э.С.). 4. Дадасининг бу гапи ҳамиша қулоғида (Э.С.). 5. «Эртага муҳим иш бор», деди Норбой (Н.Ё.). 6. Кейин Акромжонларнинг уйига қўнғироқ қилди (Н.Ё.). 7. Гиламни инқиллаб такси ёнигача зўрға кўтариб борди (Н.Ё.). 8. – «Жуда катта миқдорда ортиқча шакар тўплаган», – деди Акром (Н.Ё.). 9. «Кеча столингизда менинг ручкам қолмабдими?», – сўради Абдиев. 10. Акромжон хонадан тез чиқиб кетди (Н.Ё.). 11. Анвар алақачон ухлаб қолган эди (Э.С.).

2 topshiriq

~~71 машқ.~~ Гапларни кўчиринг. Ўрин ва пайт равишларини топинг.

1. Ойниса бутун фабрикага бевақт келди. 2. Агар киши ҳалол меҳнат қилса, ҳамиша яхшироқ меҳнат қилишга интилса, эртами – кечми, у шон – шуҳрат қозонади. 3. Кечқурун Эҳсон Шарифни эргаштириб келди. 4. Юраги ота муҳаббатига лим тўла.

38-§. ГОРКИЙ АВТОМОБИЛ ЗАВОДИ

Горкий автомобил заводи юк ташиш ва енгил автомобиллар ишлаб чиқарувчи йирик корхона бўлиб, 1932 йилнинг январ ойида ишга туширилган. Заводда дастлаб бир ярим тоннали юк ташувчи ГАЗ – АА ва ГАЗ – А енгил автомобиллари ишлаб чиқарила бошлади.

1936 йилдан бир ярим тоннали ГАЗ – ММ юк ташувчи ва М – 1 енгил автомашиналари ишлаб чиқарилди. 1941 – 1945 йилларда завод фронт учун хизмат қилди. Урушдан кейинги йилларда ГАЗ – 51, ГАЗ – 63 маркали юк ташувчи «Победа», ГАЗ – 69, «Волга» ва «Чайка» енгил машиналари ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

«Волга» – двигатели ўртача литражли, 5–6 кишилик енгил автомобил. «Волга»нинг биринчи ГАЗ – 21 модели 1956 йилда ишлаб чиқарилган. Кейинчалик бир неча йиллар мобайнида завод бу моделни такомиллаштира борди. 1969 йилда завод «Волга» автомобилнинг янгидан конструкцияланган ГАЗ – 24 маркали янги моделини ишлаб чиқара бошлади. ГАЗ – 24 га қуввати 72 киловат, 98 от кучига эга бўлган 4 тактли, 4 цилиндрли двигател ўрнатилган. «Волга» енгил автомобиллини соатига 145 км гача бўлган тезлик билан ҳайдаш мумкин. Машина 100 км юрганда 11 – 13 литр ёқилғи сарфлайди.

Сўнги йилларгача комплекс корхона бўлиб келган Горкий автомобил заводи энди ихтисослаштирилган йирик корхонага айланди. Завод янги ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун двигателлари махсус мотор заводидан олмақда. Завод замонавий техника асбоб-ускуналари билан таъминланган. Завода минглаб муҳандис-технологлар, конструкторлар меҳнат қилмоқда.

ЛУҒАТ

йирик	— крупный
дастлаб	— сначала
хизмат қилди	— служил
от кучи	— лошадиная сила
замонавий	— современный
ҳайдамоқ	— водить
ихтисослаштирилган	— специализированный

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Кўмакчиларни топинг ва улар иштирокида 6 та гап тузинг.

КЎМАКЧИЛАР

От ёки отлашган сўзнинг бошқа бир сўзга (кўпроқ феълга) тобеланишини кўрсатувчи ёрдамчи сўзлар **кўмакчи** дейилади.

Кўмакчилар қайси мустақил сўздан ўсиб чиққанлигига қараб, соф кўмакчилар ва кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзларга бўлинади.

Соф кўмакчилар — асл лексик маъносини бутунлай йўқотиб, бутунлай кўмакчига айланиб қолган сўзлар: билан, учун, каби, сингари, сайин, сари кабилар.

Кўмакчи вазифасида қўлланувчи сўзлар — от ёки равишдан ўсиб чиққан кўмакчилар: устидан, юзасидан, орқали, томон, ташқари, ҳақида, хусусида, аввал, кейин, сўнг каби.

Послелогии — служебные части речи, которые способствуют выражению различных отношений имени существительного, а также местоимения и числительного к другим словам в предложении.

По образованию послелогии делятся на следующие:

1. Асл кўмакчилар (собственные послелогии).
2. От кўмакчилар (отыменные послелогии).
3. Феъл кўмакчилар (отлагольные послелогии)

Асл кўмакчилар (собственные послелогии) это служебные слова, полностью утратившие своё лексическое значение. К ним относятся такие слова, как: билан, учун, каби, сингари, сайин, сари. От кўмакчилар (отыменные послелогии) образованных от имен существительных или наречий и сохраняют значение самостоятельных слов: устидан, юзасидан, орқали, томон, ташқари, ҳақида, хусусида,

аввал, кейин, сўнг.

~~72-машқ.~~ Гапларни кўчиринг. Кўмакчиларнинг тагига чизинг.

1. Биз бутун дарсдан кейин кинога борамиз. 2. У ўз укаси билан кетди. Йиғилишда имтиҳонларга тайёргарликнинг бориши ҳақида гапирилди. 3. Ҳозир катта ҳовлида Анвардан бошқа ҳеч ким йўқ. 4. Кўп билиш учун кўп ўқиш керак. Усмон ишдан кейин дам олмақда.

~~73-машқ.~~ Гаплардаги нуқталар ўрнига керакли кўмакчиларни қўйиб кўчиринг.

1. Меҳнат ... яралур шоҳ асарлар ҳам.
2. Ошнинг-таъми туз ... одам таъми сўз...
3. Тиришдим, тоғдан ошдим, ёруғлик ... йўл очдим.
4. Ойни этак ... ёпиб бўлмас.

~~74-машқ.~~ Гапларни ўқинг. Кўмакчиларнинг турини аниқланг.

1. Қўли билан кўзларини тўсди (Э.С.). 2. Ганжа ўн биринчи вагон томон юрди (Э.С.). 3. Шундан кейин ҳам қиз кўп саволлар берди (Э.С.). 4. Бу қурилма ҳақида Ганжа эшитмаган экан (Э.С.). 5. Йиғилишдан сўнг қурилиш трестининг бошлиғи билан қисқа суҳбатлашдик (Э.С.). 6. Балки шошиб тургани учун сўрамагандир (Э.С.). Аввал нима бўлганини тушунмади (Э.С.).

39-§. САЛОМ ОБОДИ

«Салом» сўзининг маъноси тинчлик ва эсонликдир. «Ассалом» дегани аниқ салом, яъни кишининг эсонлиги ва тинчлиги учун зарур бўлган муайян соғлик, кайфият ва шароит тушунилади. «Алайкум» — «Сизга» дегани, «сенга» демоқчи бўлган киши «алайк» дейиши ҳам мумкин. Салом берган киши «Ассалом алайкум» дейди. Буни «салом бериш» дейилади. Жавоб қилган киши «ваалайкум ассалом», яъни «сизга ҳам ассалом, тинчлик, эсонлик бўлсин», — дейди. Буни «саломга жавоб бериш» ёки «алайк» олиш дейилади. Баъзан «Ассалом алайкум»ни хайрлашиш олдида ҳам айтадилар. Чунки унинг маъноси хайрлашиш учун ҳам мувофиқдир. Сўзловчи сўзини, ёзувчи ёзувини тугатганда ҳам «Ассалом алайкум» ёки «вассалом» дейиши мумкин.

Салом бериш одобига оид муҳим шартлардан бири шуки, у мутлақо самимий бўлиши ва яхши-ёмон ҳамда таниш-нотанишни фарқ қилмасдан юракдан берилиши лозим. Салом берилувчига эл қатори эсонлик ва эзгулик тилаган ҳолда салом беришнинг ҳам салом берувчига, ҳам алайк олувчига улуф манфаати бор.

Самимий саломнинг, умуман ўзгаларга нисбатан яхши ният ва муомалада бўлишнинг киши камоли учун аҳамияти улуғдир. Яхши ниятли кўнгида гаму ғуссага, зулмату хираликка ўрин қолмайди. Бундай оқ кўнгида шахс умрбод асаб дардларига мубтало бўлмайди. Салом одобига оид яна бир расм шундан иборатки, киши хонадан неча марта чиқиб кирса ёки очиқ жойда бўлса, шунча бор ҳам — суҳбатларидан руҳсат сўрайди. Бундай салом «мен ҳузурингизга қайтиб

келдим» ва «суҳбатта ёки хизматга ҳозирман» деган маънони ҳам билдиради. Бу ҳолда бир салом билан икки мақсад амалга оширилади. Биринчидан, эзгу тилак изҳор қилинади ва иккинчидан, ҳамсуҳбат ёки ҳамкорларнинг диққати қайтиб келганда жалб этилади.

Салом берганда, салом берилувчи киши қасддан саломга жавоб бермаса ҳам салом берувчи закию муаддаб бўлса, ҳеч ранжимасдан бу ҳолни яхшиликка йўйиб, ўз саломига ўзи «ваалайкум ассалом» деб алайк олиб кета беради.

ЛУФАТ

салом	—	здравствуй
кайфият	—	настроение
сенга	—	тебе
сизга	—	вам
жавоб	—	ответ
яхши	—	хороший
ёмон	—	плохой
умрбод	—	на всю жизнь
тилак	—	желание
суҳбат	—	беседа

Топшириқ:

1. Маттни ифодали ўқинг ва мазмунини айтиб беринг.
2. Матндаги боғловчиларни топинг ва уларни турларга ажратиб, дафтарингизга кўчиринг.

БОҒЛОВЧИЛАР

Гапнинг уюшиқ бўлакларини, қўшма гап таркибидаги содда гапларни бир—бирига боғлаш учун хизмат қилади. Ва, ҳам, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, ёки, ёхуд, на—на, чунки, шунинг учун, токи каби сўзлар боғловчилар дейилади. Профессор—ўқитувчилар ва талабалар мажлисга келдилар.

Боғловчилар мустақил сўз каби гапда гап бўлаги вазифасини бажара олмайди.

Боғловчилар грамматик хусусиятига кўра икки хил бўлади: Тенг боғловчилар (ва, ҳам, бироқ, лекин, ёки, дам—дам, баъзан, на—на каби), эргаштирувчи боғловчилар (чунки, шунинг учун, токи, негаки, шунингдек каби).

Ва, ҳам, ҳамда, аммо, лекин, бироқ, балки, агар, чунки, башарти, гўё каби боғловчилар одатда якка ишлатилади. На, баъзан, ё, ёки, гоҳ, гоҳо, хоҳ каби боғловчилар кўпинча такрорланиб қўлланади.

(Боғловчилар (союзы) — это слова, которые служат для связи членов предложения и частей сложного предложения. Например: Профессор—ўқитувчилар ва талабалар мажлисга келдилар. — Профессора—преподаватели и студенты пришли на собрание.

По значению и синтаксическому употреблению союзы делятся на сочинительные (тенг) и подчинительные (эргаштирувчи).

Тенг боғловчилар (сочинительные союзы) соединяют однородные члены предложения и независимые друг от друга предложения. По своему значению они делятся на следующие группы:

1. Бириктирувчи боғловчилар (соединительные союзы): ва (и), ҳам (тоже), ҳамда (и также) — выражают соединительные отношения. Союз ҳам может употребляться повторно, в этом случае перед вторым союзом ставится запятая. Например: Ёзувчилар боғида ҳам ишладим, ҳам дам олдим. — На даче писателей и работал, и отдыхал.

2. Зидловчи боғловчилар (противительные союзы) аммо, лекин, бироқ (но) — выражают противительные отношения между компонентами предложения. Например: Ҳамма келди, аммо Карим келмади. — Все пришли, а Карим не пришёл.

3. Айирувчи боғловчилар (разделительные союзы): ё, ёки, ёхуд, (или, либо), гоҳ, гоҳо (то), дам (то), баъзан (иногда) — выражают взаимоисключения явлений или их чередование и в основном употребляются повторно. Например: Ё сиз келинг, ё мен борай. — Или вы приходите, или я приду.

4. Инкор боғловчиси (отрицательный союз): на (ни, не) выражает отрицательное значение и употребляется повторно. Например: На ўқиди, на ишлади. — Не читал, не работал.

Эргаштирувчи боғловчилар (подчинительные союзы) связывают составные части сложноподчиненных предложений. К ним относятся следующие союзы: ким, чунки, шунинг учун, токи, гўё, гўёки, агар, гарчи, башарти, гарчанд.

Союз —ки (ким) соединяет части сложноподчиненного предложения со значением изъяснения и определения. Биз биламизки, демократия ғалаба қилади — Мы знаем, что демократия победит.

Союзы чунки (потому что), шунинг учун (поэтому), негаки (потому что, так как), токи (чтобы, дабы) соединяют части сложноподчиненных предложений со значением причины, или цели.

Например: Анвар ишга келмади, чунки у касал эди — Анвар не пришел на работу, потому что он заболел.

Союзы гўё, гўёки (будто, как будто, якобы, словно) соединяют предложения или их члены со значением сопоставления, сравнения. Например: Қандайдир овоз эшитилди, гўё кимдир мени чақиргандай бўлди. — Послышался какой-то голос, будто кто-то меня позвал.

Союзы агар, агарда, башарти (если, если бы), гарчи, гарчанд (хотя, если, даже) соединяют части сложноподчиненных предложений со значением условности или уступительности. Например: Агар сен тўйга келмасанг, хафа бўламан — Если ты не придешь на свадьбу, я обижусь.)

75-машқ. Қуйидаги гаплардан боғловчилар ёрдамида қўшма гап ҳосил

қилинг.

1. Халқимиз меҳнатсевар кишиларни ҳурмат қилади.
2. Меҳнатсевар кишилар камтар бўлади.
3. Камтар киши вазмин бўлади.
4. Камтар киши оддий кийинади.
5. Камтар киши ҳар нарсага кўна беради.

40-§. ПОЕЗДАДА СУҲБАТ

Пастки купедаги қизлар туриб ювинишди, нарсаларини йиғиштиришди. Холмурод бу қизларга эътибор қилмаган эди. Энди кўриб, жуда ҳайрон бўлди. Буларнинг бири қип — қизил юзли, кўзлари қоп — қора ўзбек қизи, иккинчиси эса кўк кўзли, чиройли рус қизи эди.

— Маданият кишини шундай ўзгартириб юборар эканки ... — деб гап бошлади Холмурод тўсатдан.

— Менга айтаяпсизми? — деб сўради ўзбек қизи.

— Русча ашулаларни жуда яхши айтар экансиз, ҳеч ажратиб бўлмайди. Қаердан ўргангансиз?

— Менми? Мен Москвада ўқийман, — деди қиз.

— Қандай мутахассисликка ўқийсиз? — сўради Холмурод

— Тўқувчиликка. Москвадаги Зарайск тўқимачилик фабрикасини эшитгандирсиз, ўша ерда ўқиймиз.

— Таътидан қайтаётибсизларми?

— Ҳали таътилимиз тутагани йўқ. Практикадан келаётибмиз. Марғилондаги фабрикаларни кўриб келаётибмиз. Бизнинг ўқишимиз шунақа. Ярми — практика. Энди Тошкентда ўн — ўн беш (10—15) кун ўйнаб, кейин Москвага жўнаймиз.

— Ўзингиз қаерлик бўласиз?

— Тошкентлик.

— Шерингиз ҳам тошкентликми?

— Тошкентлик, — деди қиз ва сўради:

— Сиз — чи?

— Мен — ми? — деди Холмурод ва бир оз ўйлаиб тургандан кейин жавоб берди:

— Мен ҳам тошкентликман. Москвага бораётибман, биз кўпчиликмиз, Тошкентда шерикларим кутиб турган бўлсалар керак, — деди.

— Ўқишгами?

— Йўқ саёҳатга.

— Яхши деди қиз.

ЛУҒАТ

пастки купе	— нижнее купе
ювинишди	— умывались (умылись, помылись)
ҳайрон бўлмоқ	— удивляться
қип — қизил	— красенький, яркокрасный
тўсатдан	— внезапно (вдруг)
сўрамоқ	— спрашивать (спросить)
ашула	— песня
Москвага жўнаймиз	— уедем в Москву
Ўзингиз қаерлик бўласиз?	— откуда сами
будете?	
тошкентлик	— ташкентец
Сиз — чи?	— А вы?
Мен ҳам	— Я тоже.
биз кўпчиликмиз	— нас много

Топшириқ:

1. Матнни ўқиб, мазмунини сўзлаб беринг.

Сўроқ юкламаларининг тағига чизинг ва уларнинг талаффузига эътибор беринг.

ЮКЛАМАЛАР

Сўзларга ёки гаплар мазмунига қўшимча маъно қўшадиган ёрдамчи сўз ва қўшимчалар юклама дейилади. Юкламалар икки хил бўлади:

1. Айрим сўз ҳолидаги юкламалар: фақат, ҳолбуки, наҳотки, ҳатто, чунки, ахир.

2. Қўшимчага ўхшаш юкламалар: —ми, —чи, —ки, —да, —у(ю).

Юкламалар маъносига кўра тўрт турли бўлади:

1. Сўроқ ва таажжуб юкламалар: —ми, —чи, —а (я). Сен кинога борасанми? Сен — чи?

2. Аниқлов юкламаси: худди. Мен худди соат бешда келаман.

3. Таъкид ва кучайтирув юкламари: —ку, —у; (—ю), —да; ҳатто. ахир. Ўзинг келмадинг — ку. Ахир уни ҳамма билади.

4. Айирув ва чегаралов юкламалари: фақат, —гина, —кина, —қина. Кеча фестивалга фақат сен келмадинг.

Юкламаларнинг —ми, —оқ, (ёқ), —гина, —кина, —қина каби турлари сўзларга ўхшаб ёзилади: ёздингми?, бугуноқ, эртагаёқ, ҳозиргина, озгингина. Қолган турлари эса дефис билан ёзилади: сен — чи? айтгин — чи? боради — да, акам — ку! сен — а?

(Частицами в узбекском языке называются служебные слова или аффиксы, придающие различные смысловые оттенки предложению или

отдельным его членам. По структуре частицы делятся на: а) слова — частицы: ҳатто, фақат, наҳотки, ахир, худди; б) аффиксы — частицы: —ми, —чи. —а (—я), —ку, —да, —у(—ю), —оқ(ёқ), —гина(—кина(қина)). Из них —ми, —оқ (—ёқ), —гина, (—кина, —қина) пишутся слитно, остальные через дефис. В узбекском языке наиболее употребительными частицами являются следующие:

1. Сўроқ ва таажжуб юкламалари:

Вопросительные и побудительные частицы —ми, (ли, ль, разве), —чи (—а, —ка), а, —я (а, ведь). Например: Сен кинога борасанми? (Ты пойдешь в кино?) — Сен —чи? (А ты?).

2. Аниқдов юкламаси (Уточнительные частицы) худди (как раз, точь — вточь, точно, ровно). Мен худди соат бешда келаман. — Я приду ровно в пять часов.

3. Таъкид ва кучайтирув юкламалари (Усилительные и утвердительные частицы) —ку, —у —ю, —да. —ҳатто (даже), ахир (в конце концов и т.д.). Ўзинг келмадинг —ку. Ты же сам не пришел. Ахир уни ҳамма билади. Ведь его все знают.

4. Айирув ва чегаралов юкламалари (Выделительные и ограничительные частицы): фақат, —гина, —кина, —қина (только, только лишь, исключительно, единственно). Кеча фестивалга фақат сен келмадинг. Вчера на фестиваль только ты не пришел.

4 ~~76-маниқ~~ Кесим сўз билан келган —ми сўроқ юкламасини тўғри талаффуз қилишда урғу ва оҳангнинг роли.

1. У ўқувчими, талабами?
2. Отанг қарими, ёшми?
3. Бу одам ишчими, деҳқонми?
4. Сен эртага институтга келасанми?
5. Сен саволларга жавоб берасанми?

5 ~~77-маниқ~~ Ўқинг, юкламаларни топиб, юклама — сўз ва юклама — аффиксларни кўрсатинг.

1. — Бугунги «Правда»ни ўқидиларингми? (Н.Ё.)
2. — «Оғайни, кўришишга ҳам вақт йўқми?», — деда Норбой. (Н.Ё.)
3. «Буни ўртоқлардан суриштириб кўринг — чи?»
4. — «Овқат пайти бўлибди — ку, бугун чойхонага борамиз деб келишувдик», — деди Мусаев. (Н.Ё.)
5. — Қишлоқда уйлариңиз бор — а? — сўради Аминов. (Э.С.)
6. Наҳотки шу гап рост бўлса? — ўйлади у (Э.С.)
7. Фақат республикадан эмас, бутун юртлардан одамлар келган (Э.С.).

41-§. ГАЗЛАМА ВА ТЎҚИЛГАН БУЮМЛАР МАГАЗИНИДА

- Менга шу жун газламангиздан кўрсатинг.
- Сизда қанақа чит бор?
- Бай-бай, бу чиройли газламанинг эни қанча?
- Бошқача ранги йўқми?
- Мен кўлқоп олмоқчи эдим.
- Сизда болалар қалпоғи борми?
- Йўқ. Оббо!
- Мана ҳув ана у кўйлакни кўрсатинг.

ЛУҒАТ

Газмол	- ткань
Тўқилган	- вязанный
чит	- ситец
ранг	- цвет, колер, тон, окраска
кўлқоп	- перчатка
қалпоқ	- ушанка
кўйлак	- платье

Топшириқ:

- 1 Матрни ўқинг, рус тилига таржима қилинг.
- 2 Матндаги ундовлар иштирокида гап тузинг.

Ундовлар

Ундовлар ҳис-ҳаяжон, ҳайдаш-чақириш каби маъноларни ифодалайди. Ундовлар кўпинча ундов гап сифатида қўлланади, баъзи жойларда отлашиб, гап бўлаги вазифасида келиши мумкин, баъзан эса сўз ва гапларга қўшимча маъно қўшади. Масалан: Вой, кўлимни ари чақди. Оббо Эркинжон-э, оббо Эркинжон-э, сўзга жуда устасизда.

Ундовлар якка ҳолда (оҳ, вой, э) ёки такрорланиб (оҳ-оҳ, беҳ-беҳ, бай-бай, вой-бўй каби) қўлланиши мумкин. Ундовлар такрорланган ҳолда қўлланилганда дефис (-) билан ёзилади: оҳ-воҳ, бай-бай каби. Ундовлар маъно хусусиятларига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

Ҳис-ҳаяжон ундовлари: эҳ, оҳ, уҳ, ҳо, ҳэ, э, уф, туф, вой, ура, и-и, ҳув, алло, салом, хайр, офарин, ана, мана, ҳой, кабилар. Масалан: Ўҳў, сен жуда ёшариб кетибсан.

Ҳайдаш-чақириш ундовлари: ку-ку, баҳ-баҳ, қурай-қурай, ҳайчу, ту-ту-ту, кишт-кишт, так-так кабилар. Масалан: Эй, ким гапираяпти?

Ҳис-ҳаяжон ундовлари гап бўлақларидан кўпинча вергул билан ажратилади, кучли ҳис-ҳаяжон билан айтилганда эса ундов белгиси қўйилади. Ҳис-ҳаяжон ундовлари гапда эга ва кесим вазифасида кела

олади: Ёмон ишнинг охири вой (кесим).

Ҳайдаш — чақириш ундовлари кишт — кишт, ту — ту, ҳа, деган сўзлар билан бирга қўлланиб, гапда эга, аниқловчи, ҳол вазифасида кела олади. Масалан: Ҳа, деган туяга мадад (аниқловчи).

(Междометия — это слова, которые служат для выражения чувств и волеизъявления говорящего. Они не называют чувств и волевых побуждений, а лишь выступают их сигналами. Поэтому значение модальных слов раскрывается лишь в контексте. Произносятся они обычно с особой интонацией. Например: Вой қўлимни ари чақди. — Ой, оса укусила руку.

Междометия по значению делятся на эмоциональные и побудительные. Эмоциональные междометия выражают чувства радости, страха, удовольствия, приветствия, одобрения, сожаления и т. п.: эҳ (эх), уҳ (ух), уф, ура, вой (ой), ўҳў (ого), салом (здравствуй), хайр (досвидания) и др. Например: Ўҳў, сен жуда ёшариб кетибсан. — Ого, ты очень помолодел?

Побудительные междометия выражают приказ, побуждение, запрещение, и так же зов, отклик, призыв и т. п.: эй, ҳой (эй), жим (цып), ку — рей — курей (когда подзывают овец), ту — ту — ту (когда подзывают овец, кур), чу (когда понукают коня) и др. Эй, ким гапираяпти? — Эй, кто говорит?)

78—машқ. Қуйидаги ҳис — ҳаяжон ундов сўзлари асосида ўзингиз мустақил равишда гап тузинг: эҳ, эй, ура, оҳ, воҳ, вой, салом, офарин, хайр.

79—машқ. Ундовларни топиб, тагига чизинг, устига турини ёзинг. 1. «Бай — бай. Намунча тутатмасангиз», — деди Мусаев (Н.Е.) 2. Ҳай — ҳай. Ундай деманг, деди Тожи (Н.Ё) 3. «Оббо, ғурбат. Шашти жуда тез — ку», — деб ўйлади ичида (Н.Ё) 4. «Вой, бизнииг купега чиқдингизми?» — деб юборди қиз (Э.С.). 5. — «Э, э, сенмисан, Гуля?» — деди котиба (Э.С.). 6. — «Оббо. Сергейчик, зап вақтида келдингда», — деди Мавсумий (Э.С.). 7. — Ҳалима, ҳой Ҳалима, — бирдан бақириб юборди эркаланиб. 8. «Ҳай. Кишт», — деди кампир (Ў.У.). 9. — «Ҳой, ёлгон гапни гапирманг», — деди аёлардан бири (Ҳ.У.). 10. Эҳ болам, — сўз қотди Фуломжоннинг онаси (Қ.С.). 11. Қўйларнинг сув ичишига бирпас қараб туриб, "қуре — қуре", — деб қичқирди. (Ҳ.У.).

42—§. ТРАМВАЙДА

- Бу тақ — туқ қилиб юраётган трамвай қаерга боради?
- Одамлар ғуж — ғуж тўпланадиган вокзал бекатига боради.
- Мен «Тошкент меҳмонхонаси» бекатида тушаман.
- Сиз қий — чувни ёқтирмайсиз, шунинг учун келгуси бекатда тушсангиз керак.
- Ёқтирмайман.
- Сиз шу ерда тушиб, 10 — рақамли трамвайга ўтиришингиз керак.
- Санъат саройига бориш учун қайси трамвайга тушгушим керак?

- 7 — рақамли трамвайга тушасиз.
- Раҳмат.

ЛУФАТ

сиз	—	вы
қаерга	—	куда?
қайси	—	который?
қаерга боради	—	куда пойдёт (поедет)
бекат	—	остановка
меҳмонхона	—	гостиница
санъат саройи	—	дворец искусств
тушаман	—	сойду
ёқтирмайман	—	мне не нравится

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Матндаги тақлид сўзларнинг тагига чизинг.

Тақлид сўзлар

Шарпа — товушга ва ҳолатга тақлидни билдирадиган сўзлар тақлид сўзлар дейилади. Масалан гумбур — гумбур, шиқ — шиқ, милт — милт, тақ — туқ каби.

Тақлид сўзлар одатда жуфт ва такрорланган ҳолда (вағир — вуғир, фарч — ғурч, қий — чув, дук — дук, лип — лип каби, баъзан эса якка ҳолда ярқ, ғуж, жимир, милт каби) қўлланади. Тақлид сўзлар ёрдамчи сўزلардан фарқ қилиб, гапда эга, аниқловчи, ҳол, каби вазифаларда кела олади. Масалан: Чақалоқнинг инга — ингаси эшитилди. Боринг, қий — чувни бостиринг.

Тақлид сўзлар маъносига кўра икки гуруҳга бўлинади:

1. Товушга тақлидни билдирувчи: гув — гув, дупур — дупур, дук — дук, так — туқ, фарч — ғурч, қий — чув каби.
2. Ҳолатга тақлидни билдирувчи: ялт — юлт, лип — лип, ғуж — ғуж, милт — милт, апил — тапил каби.

(Звукоподражательные слова. Это особая группа слов представляющих собой условное воспроизведение разного рода звуцаний: криков, животных, птиц, шумов, взрывов, грома, свиста и др. Например: гумбур — гумбур воспроизведение грохота, шума, гула, пиқ — пиқ воспроизведение тихого, еле слышного плача), пирр (воспроизведение неожиданного полета птиц), вов — вов (воспроизведение собачьего лая), миёв (воспроизведение кошачьего мяуканья), ялт (воспроизведение моментального сверкания и блеска), дук — дук (воспроизведение сердечного стука).

80-машқ. Гаплардаги тақлид сўзларни топиб, уларнинг гапдаги вазифасини айтинг.

1. Туни билан тақа — туқ, тақа — туқ учган поезд Каттақўрғонга кириб

келди. 2. Собир чойнакдаги сувдан қулт — қулт ютди. 3. Болалар қий — чув қилиб югуришди. 4. Олмалар дув — дув тўкилиб ётарди. 5. Опшоқ қор оёқ остида ғарч — ғурч қиларди. 6. Хонадаги чироқ лип — лип ёнарди.

81-машқ. Ўқинг, тақлид сўзларни топиб, уларнинг ундовлардан фарқини айтинг, айтилиши ва ёзилишига эътибор беринг.

1. Нимадир «шарр» этиб йиртилди (Ҳ.У.) 2. Чуқур нафас олиб, «вов» демоқчи эди (Ҳ.У.). 3. Вишиллаб кўпириб тушадиган шаршарани томоша қилгани узоқ — узоқлардан одамлар келишарди (Ҳ.У.). 4. ...Кўп ўтмай, «шалоп» этиб сувга ағдарилди (Ҳ.У.). 5. Кўп ўтмай ўчоқбошида нимадир чарс — чурс қилди. 6. «Тиқ» этса, бошини кўтариб, ҳовлиларига қаради (Ҳ.У.). 7. Зум ўтмай ўша томондан ўтиннинг чарс — чурс ёнгани эшитилди (Ҳ.У.). 9. Ғарч — ғарч қилган йирик панжаларнинг изи қор устида қолди (Э.С.). 10. Юрагининг гул — гул овозини гўё борлиқ эшитиб қоладигандай кўксини чангалади (Э.С.). 11. Кабинанинг иккала ойнаси ҳам очиқ, ғир — ғир шабада юзга урилади (Э.С.). 12. Болалар қий — чув билан чўмилишарди (Қ.С.).

43-§. УМР МАЗМУНИ

Маматмурод ота Ҳўжамқулов ўзининг 85 йиллик тўйини яхши кайфиятда кутиб олди. Ота қийин ва шонли ҳаёт йўлини босиб ўтди... У Бойсунда — Сурхондарё ўлкасининг энг гўзал масканларидан бирида туғилди. Етти яшарлик пайтидаёқ етим қолди. Ўша пайтларнинг очарчиликлари, қийинчиликлари кўпчиликни ҳолдан тойдирарди. Лекин бир амаллаб япаш керак эди. Шунинг учун ҳам Маматмурод подачиликка ёлланди. Сал каттароқ бўлгач, бойнинг даласида қаролик қилди.

Маматмурод жамоа хўжалигига биринчилардан бўлиб аъзо бўлди. Тез орада уйланди. Рафиқаси Марзия билан бахтли ҳаёт кечирди. Тўрт ўғил ва уч қизни замонамизга муносиб кишилар қилиб тарбиялашди. Қумқўрғон туманига эса улар 30 — йилларнинг охирларида келишди. Ўшанда республикамизда кўриқ ерларни ўзлаштириш ишлари бошлаб юборилган эди. Маматмурод ажойиб пахтакор бўлиб етишди. Чорак аср давомида давлат хўжалигида пахтачилик бригадасига етакчилик қилди. Улуғ Ватан урушига эса уни чақиришмади, чунки фронт ортида ҳам ишчи қўллар керак эди. Мана шу йиллар давомида М.Ҳўжамқулов етакчилигидаги жамоа режаларини ҳаминша ортиги билан уддалаб келди. Баъзан унга юқорироқ лавозимларни таклиф этишарди. Лекин у она еридан, қадрдон жамоасидан ажралишни истамасди. Урушдан кейинги йилларда хўжалик республикамизнинг илғор жамоаларидан бирига айланди. Ватан пахтакорларнинг меҳнатини юқори баҳолади.

1952 йилда жамоа хўжалиги ишчиларидан бир йўла 5 кишига Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Улар орасида Маматмурод Ҳўжамқулов ҳам бор эди.

ЛУФАТ

ота	— отец
қарол	— батрак
тўрт ўғил	— четыре сына
уч қиз	— три дочери
невара	— внук
қўриқ ерлар	— целинные земли
ўзлаштириш	— освоение
тўй	— свадьба
кайфият	— настроение
подачи	— пастух
аъзо	— член
чорак аср	— четверть века
дала	— поле

Топшириқ.

1. Матни рус тилига таржима қилинг.
2. Гаплардаги тиниш белгиларининг қўлланишига эътибор беринг.

ЎЗБЕК ТИЛИДА ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ МИҚДОРИ

Тиниш белгилари ёзма нутқни ифодалашда муҳим воситалардан бири ҳисобланади.

Ёзма матнда у ёки бу тиниш белгисининг ишлатилиши шу гапдан кузатилган мақсад ва унинг қандай шаклда ифодаланишига — семантик — синтактик тузилишига боғлиқдир. Қиёсланг: 1. Раис ака, қўл беринг. Майли, яна чўл беринг. Раис ака, қўл беринг! Пахтага кенг йўл беринг! (Ўткир Рашид). Келтирилган гаплар, кузатилган мақсадга кўра, буйруқ гап туркумига киради. Уларда тиниш белгиларининг икки хил қўлланганлиги мазкур гаплардаги мазмуний муносабатнинг (буйруқ маъносининг) турлилигига боғлиқ. Уларда лексик воситалар ва интонацион ҳолат ўзгача. Биринчи мисолда буйруқ маъноси ташвиқот, мурожаат, илтимос шаклида берилган. Унда ташвиқ, мурожаат, илтимос ифодалари кучли, умуман, «буйруқ — илтимос» маъносини ифодалайди. Шунинг учун биринчи мисолдаги буйруқ гаплар охирига нуқта қўйилган; иккинчи гап ҳам «буйруқ — илтимос» маъносини ифодалайди, бироқ унда буйруқ ифодаси кучли. Шунинг учун кейинги гап охирига ундов белгиси қўйилган. Биринчи мисолда «майли» кириш сўзи гапнинг буйруқ маъносини кучсизлантирган. Демак, лексик воситанинг бошқачилиги («майли») нинг қўлланиши шунга боғлиқ ҳолда тузилиш ва интонацион ҳолатнинг ўзгариши илтимос маъносининг кучайишига сабаб бўлган.

Тиниш белгиларининг қўлланиш хусусиятларини пухта билиш ва унга амал қилиш ёзма нутқни ҳар жиҳатдан тўғри, аниқ баён этишда, саводли ифодалашда, ёзув маданиятини эгаллашда, ёзма нутқни тараққий эттиришда муҳим ижтимоий аҳамиятта эга. Тиниш белгиларини қўйиш қоидалари ҳамма учун (ёзувчи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам) умумийдир.

Ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгиларининг қўлланиш доираси, вазифаси кенгайиб, тиниш белгиларига оид меъёрлар турғунлашиб бормоқда. Бу тире, вергул, қўштирноқ каби тиниш белгиларининг қўлланиш жараёнида очиқ кўринади. Бу жараён ўзбек ёзув маданиятининг, ўзбек тили синтактик қурилишининг ва ўзбек адабий тили функционал усулларининг ривожланиши, тараққиёти ва такомиллашуви билан боғлиқ.

Ҳозирги ўзбек тилида тиниш белгилари ўнта, уларнинг номланиши ва шакли қуйидагича:

Тартиб	Номи	Шакли
1	Нуқта	.
2	Сўроқ белгиси	?
3	Ундов белгиси	!
4	Нуқтали вергул	;
5	Кўп нуқта	...
6	Вергул (қўш вергул)	, ёки „
7	Икки нуқта (баён белгиси)	:
8	Тире (қўш тире)	— ёки — —
9	Қавс	()
10	Тирноқ (қўштирноқ)	« »

44-§. ОЛТИН БАЛЧИҚҚА ТУШСА ҲАМ — ОЛТИН

«Марварид лойга қорилса ҳам — марварид», «Дур балчиққа тушса ҳам — дур», «Олмосни лойга отсанг ҳам — олмос», «Олмос ерда қолмас», «Гавҳар балчиққа тушгани билан баҳоси ушалмас», «Гавҳар кул ичида ҳам билинар», «Қуёш булут ортида ҳам ёруғ туради», «Оёққа чўлғов қилсанг ҳам, асл ипак бўз бўлмас», «Яхши одам йиртиқ тўнда ҳам яхши», «Яхши — хунук либос билан ҳам яхши». Бу мақолаларни: «Яхши одам бошига бир мусибат тушиб, ё тухматга йўлиқиб, амалидан ёинки мол — ҳолидан ажраб, ночор аҳволга тушиб қолган тақдирда ҳам унинг яхшилигини билган, тан олган, қадрлайдиган одамлар ўртасида аввалги обрў — эътиборини, қадр — қимматини, иззат — ҳурматини йўқотмайди», — деган маънода қўллайдилар.

ЛУҒАТ

ОЛТИН

— ЗОЛОТО

балчиқ	—	грязь
куёш	—	солнце
булут	—	туча, облако
ипак	—	шелк
асл	—	настоящий, дорогой
либос	—	одежда
кул	—	зола, пепел
мусибат	—	горе
туҳмат	—	клевета

Топшириқ:

1. Матни ифодали ўқинг, мақолларнинг мазмунини, маъносини тўғри тушунишга ҳаракат қилинг.
2. Гаплардаги тиниш белгиларининг (— , . « ») қандай қўлланганлигини тушунтиринг.

45-§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган VII сессиясида 1991 йил 18 ноябрь кўни тасдиқланган.

Давлат байроғи ва унинг рамзи Ўзбекистон сарҳадида қадимда мавжуд бўлган давлатлар билан тарихан боғлиқлигини англатади ҳамда республиканинг миллий — маданий анъаналарини ўзида мужассамлаштиради.

1. Байроқдаги мовий ранг Тириклик мазмуни акс этган мангу осмон ва обиҳаёт рамзидир. Тимсоллар тилида бу — яхшиликни, донишмандликни, ҳалолликни, шон — шуҳрат ва садоқатни билдиради. Бинобарин, Амир Темур давлати байроғининг ранги ҳам мовий рангга эди.

2. Байроқдаги оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва коинот ёритқичлари билан уйғунлашиб кетади. Оқ ранг поклик, беғуборлик, софликни, орзу ва хаёллар тозаллиги, ички гўзалликка интилишнинг тимсолидир.

3. Яшил ранг — табиатнинг янгилиниш рамзи. У кўлгина халқларда навқиронлик, умид ва шодумонлик тимсоли ҳисобланади.

4. Қизил чизиклар вужудимизда жўшиб оқаётган ҳаётини қудрат ирмоқларидир.

5. Навқирон ярим ой тасвири бизнинг тарихий анъаналаримиз билан боғлиқ. Айни пайтда қўлга киритилган мустақиллигимиз рамзидир.

6. Юлдузлар барча халқлар учун руҳий, илоҳий тимсол саналган. Ўзбекистон Республикаси Давлат Байроғидаги 12 та юлдуз тасвири ҳам тарихий анъаналаримиз, қадимги куёш йилномамизга бевосита алоқадордир. Бизнинг ўн икки юлдузга бўлган эътиборимиз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида «Нужум илми» тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади. Давлат байроғимиздаги ўн икки юлдуз тасвирини ўзбек маданияти қадимийлиги, унинг

комилликка, ўз тупроғида саодатга интилиш рамзи сифатида тушуниш лозим.

ЛУҒАТ

мовий ранг	— голубой цвет
донишмандлик	— мудрость
ҳалоллик	— честность
садоқат	— преданность
оқ ранг	— белый цвет
коинот	— вселенная
яшил ранг	— зеленый цвет
хаёл	— фантазия
тимсол	— символ
навқиронлик	— молодость
ирмоқ	— ручеек
анъана	— традиция

Топшириқ:

1. Матни ўқинг ва унинг мазмунини айтинг.
2. Матндаги тиниш белгиларини моҳиятини тушунтиринг.

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ

Тиниш белгилари ёзма текстнинг таркибий ва стилистик (услубий) жиҳатларини тўғри белгилаш учун хизмат қилади Масалан:

1. — Бўлмайдими Собир, тез гапир.
— Опа, бўлмас, жоним, гапим бир.
— Ё мени де, ё Омонни.
— Нетай, тикдим йўлида жонни (Ҳ.О.)

2. Яхшидан от қолар, ёмондан — дод (мақол).

Тире биринчи мисолда суҳбатдошларнинг гапини ўзаро ажратиб кўрсатиш учун, иккинчи мисолда қўшма гапнинг кейинги компонентида тушиб қолган сўз (қолар)нинг ўрнини қоплаш учун қўлланган. Яна: Мен опамнинг жидидан қалин китобни — Қуръон бўлса керак — олиб, пала — партиз. варақдайман (О.). Бунда кириш гап қўш тире воситасида ажратилган ва қўш тире вергул вазифасида қўллангандир. Тиниш белгиларининг бирининг ўрнида иккинчисининг қўлланиши пунктуацион синонимияни ҳосил қилади. Гапнинг ажратилган бўлаклари вергул ҳам тире воситасиде киритма конструкциялари тире ҳам қавс воситасида ажратилади, булар ҳам пунктуацион синонимияни кўринишларидир.

Лекин тиниш белгилари доим бирининг ўрнида иккинчиси ишлатилавермайди. Бундай қўлланишнинг ўз қонуниятлари бор. Бир тиниш белгиси ўрнида иккинчиси ноўрин ишлатилса, бундай пайтларда гапнинг синтактик — стилистик қурилишида, гап қисмлар орасидаги муносабатларда, гапдаги мазмуний ва интонацион ҳолатларда ўзгачалик

вужудга келади. Мен «Иттифоқ» жамоа хўжалигининг раисиман, Ўктамбоев (А.Мухтор). Бунда Ўктамбоев сўзидан олдинги вергул ноўрин ишлатилган. Бу ўринда тире қўлланилиши керак эди. Тире ўрнида вергулнинг нотўғри ишлатилиши натижасида муаллиф кўзлаган мақсад аниқ ифодаланмаган, ҳатто синтактик категориялар алмашиб кетган: изоҳловчи ундалма бўлиб қолган. Бу гапнинг асли тубандагича: Мен «Иттифоқ» жамоа хўжалигининг раисиман — Ўктамбоев (Ўктамбоевман, Ўктамбоев бўламан). Яна қуйидаги мисолларни қийёслайлик: Салима келди (Салима — ундалма) — Салима келди (Салима — эга). У гапга уста, ота чиройли гапиради (ота — иккинчи гапнинг эгаси). Бу гапларда фақат грамматик ҳолатлардагина эмас, интонация, мелодия, темп, структура ҳам фарқлидир. Бу фарқ тиниш белгиларининг қўлланиш ўрни жиҳатидан аниқланади.

Тиниш белгилари гап, гапдаги айрим қисмларининг бошланиш ва тугаланиш чегарасини, баъзан сўз ёки ибораларнинг муайян матнда ўзга маънода қўлланганлигини ифодалаш учун ишлатилади. Бундай вазифани асосан қавс ва қўштирноқ бажаради. Улар, вазифасига кўра, чегараловчи тиниш белгилари ҳисобланади. Масалан:

— «Ҳар нарсадан олий юрт ва халқ бахти.

Бу бахтни душманга олдира кўрма:

Камол жавоб берар ҳаяжон билан:

— «Амин бўл, Ойжамол, улуғ Ватанга

Садоқатим беҳад, севгим беҳисоб,

Шу севги туфайли бораман жангга». (У).

Кўринадики, ҳозирги ўзбек ёзувида тиниш белгилари, асосан синтактик—стилистик вазифани бажаради. Тиниш белгиларининг қўлланиш доираси, ўрни ва тартибининг белгилашда мазкур тилнинг синтактик қонуниятларига асосланади. Ёзма матндаги ҳар бир тиниш белгиси муайян лексик—грамматик ва синтактик—стилистик ҳодисани акс эттиради.

82-машқ. « » , — : каби тиниш белгилари асосида ўзингиз мустақил равишда гап тузинг.

46-§. ОЛИМ БЎЛСАНГ — ОЛАМ СЕНИКИ

Кишини илм олишга даъват этувчи, илмни одамнинг беқиёс имкониятларга, афзалликларга эга бўлишини таъкидловчи мақол. «Олимга ўлим йўқ»; «Олим айтгани — олам айтгани»; «Олим бузилса — олам бузилар» (кейинги мақолда «Шундай ўқимишли, доно, закий, зукко бўла туриб, олимки бузилдими, олам албатта бузилади—да» деган маънода муболаға қилинган).

Ки ҳар ишники қилди одамизод.

Тафаккур бирла билди одамизод.

Олим агар қатъий амал айласа,

Илмига шойиста амал айласа,

Ани шараф гавҳарининг кони бил,

Гавҳари кон, не десанг они бил.

(Навоий)

ЛУФАТ

илм	— наука
ўлим	— смерть
доно	— умный
одам	— человек
одамизод	— человечество, род человеческий
имконият	— возможность
таъкидламоқ	— подчеркивать
бузилмоқ	— испортиться

Топшириқ:

1. Матни ифодали ўқинг, мақолларнинг мазмунини тушунтиринг.
2. Гаплардаги тиниши белгиларининг (— . ; « ») қўлланишига эътибор беринг.

ТИНИШ БЕЛГИЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ ВА МАЪНОСИ

Тиниш белгилари қўлланиш ўрнига кўра 3 гуруҳга бўлинади:

1. Гап охирида қўлланувчи тиниш белгилари.
2. Гап ичида қўлланувчи тиниш белгилари.
3. Аралаш ҳолда қўлланувчи тиниш белгилари.

Гап охирида қўлланувчи тиниш белгиларига нуқта, сўроқ ва ундов белгилари киритилади. Гап охирида қўлланувчи тиниш белгилари қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

1) гапнинг туталганлигини кўрсатади; 2) гапда қандай мазмун — маъно ифодаланганлигини билдиради; 3) гапнинг туталаниш чегарасини, мазкур гапнинг кейинги гапдан ажралишини кўрсатади; 4) улар гап охиридан бошқа ўринларда ишлатилганда, бошқа вазифа бажаради ва айрим мақсадлар учун ишлатилади.

Охирига нуқта, сўроқ ва ундов белгилари қўйилган гаплар бир таркибли ва икки таркибли, тўлиқ ва тўлиқсиз, тасдиқ ва инкор, содда ва қўшма, кўчирма ва ўзлаштирама бўлади.

Гап охирида қўлланувчи тиниш белгилари, умумий ва ўқшаш хусусиятларга эга бўлишига қарамай, муайян гапда қандай семантик муносабат (маъно) ифодаланаётганлигини билдириши жиҳатдан ўзаро фарқланади: нуқта мазкур гапдан хабар мазмуни, сўроқ белгиси гапдан сўроқ маъносини, ундов белгиси эса гапдан буйруқ, ташвиқ, эмоция каби маънолар англашилшини кўрсатади.

Демак, гап охирида қўлланувчи тиниш белгиларининг бир — биридан фарқланиши уларнинг қандай маъно учун қўлланишига ва шаклига кўра белгиланади.

Нуқта, сўроқ ва ундов белгилари баъзан гап ўртасида ҳам ишлатилади. Бироқ, унда улар юқоридаги асосий вазифани бажармай, бошқа мақсад (вазифа) учун қўлланилади. Масалан, ёзувчи М.Т.Ойбек — ўзбек адабиётининг йирик намояндаси, — гапида нуқта гап ўртасида келиб, сўзнинг қисқарганлигини кўрсатиш учун ишлатилган. Бу ерда у

синтактик функцияни бажармайди. Агар мисолдаги қисқартирилган сўзларни тўлиқ ёзсак, нуқтани ишлатишга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Кўринадик, нуқтанинг гап ўртасида қўлланиши ёрдамчи, қўшимча моҳиятига эга бўлиб, унинг бундай қўлланиши ёзув техникаси, ёзув усули билан боғлиқ. Сўроқ ва ундов белгиларининг ҳам гап ўртасида қўлланиши юқоридаги каби ўзгача хусусиятга эга бўлади.

Вергул гап бошида ёки гап охирида қўлланмайди, доим гап ичида ишлатилади. Шунинг учун у гап ўртасида қўлланувчи тиниш белгиси саналади.

Ҳозирги ўзбек тилида вергулнинг қўлланиш доираси ва вазифаси кенгайган. Вергул қуйидаги синтактик вазифаларни бажаради: 1) гап бўлақларини бириктириш: Салим, Салима келди (Салим ва Салима келди); 2) гап бўлақларини бир—биридан ажратиш: Биз, V синф ўқувчилари, ёшлар саройига бордик. Қиёсланг: Биз (фақат V синф ўқувчилари) ёшлар саройига бордик.; 3) гап бўлақлари билан синтактик жиҳатдан боғланмаган сўз, ибора ва гапларни чегаралаш: Сизга ишқим тушди пинҳон, Билмадингиз кўшни қиз (Ў.Р.). Кани тезроқ борайлик; 4) боғловчисиз кўшма гап қисмларини бир—биридан ажратиш (баъзан бириктириш): Баҳор келиб, гуллар очилди каби.

Ўрин жиҳатдан аралаш қўлланувчи тиниш белгиларига икки нуқта, нуқтали вергул, қўштирноқ, қавс, тирелар киради. Булар гапнинг бошида, ўртасида ва охирида қўланади.

Улар ўз ичида қуйидагича гуруҳланади:

А) гап бошида ва ўртасида қўлланувчилар: тире.

Б) гап охирида ва ўртасида қўлланувчилар: икки нуқта, нуқтали вергул;

в) гап бошида, ўртасида ва охирида қўлланувчилар: қўштирноқ, қавс, кўп нуқта.

Аралаш ҳолда қўлланувчи тиниш белгиларининг вазифаси жойга нисбатдан ҳам ҳар хилдир. Масалан, тире гап бошида келганда, гапларни бир—биридан ажратиш учун, гап ўртасида келганда эса гап бўлақларининг турли синтактик муносабатини кўрсатиш учун қўланади. Кўп нуқта гап охирида келганда, фикрнинг давоми борлигини, гап ўртасида келганда, фикрнинг узилганлигини ёки ҳар хил эмоционал ҳолатни, гап бошида келганда эса мазкур гапнинг қисқартирилигини билдиради.

Қўштирноқ, қавс, икки нуқта ҳам юқоридаги аралаш қўлланувчи тиниш белгилари сингари хусусиятларга эга.

83-машқ. Қисқартма отларнинг талаффузи хусусиятлари бўйича ёзма машқ. Қуйидаги қисқартма отларни тўғри ўқинг ва ҳар бирини тўлиқ номи билан ёзинг.

БТМ—Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.

ТАЙИ, ТДПУ, ТОШМИ, ЎзФА.

Қиш ўз қўйнида тамомила бошқа олам, яъни қишга буткул қарама — қарши бўлган ва қишни рад этадиган янги олам тайёрлайди. Бунинг таваллуд куни азалдан Наврӯз деб таърифланади.

... Ҳа, у асло тасодифий эмас. Ҳар йили 22 мартта тўғри келади. Бу шу билан изоҳ этиладики, мазкур санада қуёш ҳамал буржига киради, кеча билан кундуз тенглашади, баҳор фасли камолат касб эта, қуёш сахийлиги кучая боради, офтоб ҳарорати орта боради. Шунда янги ҳаёт бошланиб, борган сари қайнаверади. Қиш бўйи қор ва навбаҳорда уйғона бошланган ерни ризқи рўз хазинасига айлантирадиган одам меҳнати ҳам, яратувчилик ва маъмурилик шодиёналиги ҳам оммавий бошланади, шу баҳор, ер ва меҳнат инъомига одам «огзи тегадиган» бўлади. Одамлар турмушига қандайдир алоҳида ажойиб файз кира бошлайди ...

Бинобарин, мазкур санани Яқин Шарқ ва Осиё халқлари, шу жумладан, ўзбеклар жуда юксак баҳолаб, ардоқлаб ва эъзозлаб, унда Наврӯз байрами қилишлари, Янги йил, янги табиат ва янги ҳаёт, бунёдкор меҳнат байрами сифатида ўтказишлари, умумхалқ, шодиёналиги тарзида қайд қилишлари тасодифий эмас, албатта.

Шуниси ҳам бор. Навбаҳорда кўчат экадилар ва боғ яратадилар: илк шифобахш кўкатдан ажиб сомса ва чучвара қиладилар, бир неча кун донни бир оз кўкартириб, ажойиб сумалак тайёрлайдилар, узоқ ва мураккаб йўллар ила буғдойни алоҳида тайёрлаб халқона баҳорий саҳоват тимсоли лаззатли ҳамда даволи ҳалим пиширадилар.

Яна Наврӯз байрамида одамлар ясанган — тусанган бўладилар, улар яшайдиган ва юрадиган ҳамма ер, кўча — кўйлар, уй — жойлар тозаланган бўлади, кўкат ва гуллар билан безатилади, сайр ва мушоирлар, қўшиқхонликлар ва спорт тортишувлари бўлади. Дўстлар ва қариндош — уруғлар билан дийдор кўришиш, хасталар ҳолидан хабар олиш, марҳумлар хотирасини эслаш — эъзозлаш бўлади.

Бинобарин, Наврӯз байрами ажойиб — дид, юксак инсоний мусаффолик ва олижаноб маънавийлик байрами, тантанаси ҳамдир, шундай гўзаллик ва эзгуликларни тарғиб этиш маросими ҳамдир ...

академик Воҳид Зоҳидов

ЛУҒАТ

қиш	—	зима
сана	—	дата
тасодифий	—	случайный
баҳор	—	весна
офтоб	—	солнце
Шарқ	—	Восток
Осиё халқлари	—	народы Азии
умумхалқ	—	всенародный
чучвара	—	пельмени
шифобахш	—	целебный

ашула — песня
эртак — сказка
қариндош — уруғлар — родные — близкие

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Матндаги гапларнинг тузилишига эътибор беринг.

СИНТАКСИС

ГАП. ГАПНИНГ ИФОДА МАҚСАДИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Нисбий тугал фикрни англатган бир сўз ёки бир неча сўз қўшилмаси гап дейилади. Масалан: Биз кинофестивалда қатнашамиз. Сен театрга борасанми?

Гаплар тузилишига кўра икки турли бўлади: содда гаплар, қўшма гаплар.

Таркиби айрим гапларга бўлинмайдиган гаплар содда гап дейилади. Масалан: Анвар ўқияпти.

Икки ва ундан ортиқ содда гаплардан ташкил топган гаплар қўшма гап дейилади. Масалан: Раис келди, мажлис бошланди.

Гаплар нутқ мақсади, маълум вазият талабига мувофиқ тўлиқ ва тўлиқсиз бўлади.

Тўлиқ гапларда нутқ мақсади учун талаб қилинадиган барча гап бўлаги мавжуд бўлади.

Тўлиқсиз гапларда нутқ мақсади учун талаб қилинадиган зарур гап бўлаklarидан бири ёки бир нечтаси услуб талабига кўра иштирок этмайди. Масалан: Ўзбекистон республикаси қачон мустақил деб эълон қилинди? (тўлиқ гап) — 1991 йил 1 сентябрда (тўлиқсиз гап).

Гаплар ифода ва мақсадига кўра қуйидаги турларга бўлинади: дарак-гап, сўроқ гап, ундов гап.

(Сочетание слов или отдельные слова, выражающие законченную мысль, называются предложением. Например: Биз кинофестивалда қатнашамиз. — Мы будем участвовать на кинофестивале. Сен театрга борасанми? — Ты пойдёшь в театр?)

По своему построению предложения разделяются на простые сложные. Предложение, в котором представлена одна предикативная единица, называется простым. Например: Анвар ўқияпти. — Анвар читаёт.

По наличию в структуре простого предложения синтаксических членов выделяются полные или неполные предложения.

Предложения, в котором представлены все необходимые синтаксические члены, называются полным предложением, предложение, в котором один или несколько необходимых членов опущено, называется неполным предложением.

— Ўзбекистон Республикаси қачон мустақил деб эълон қилинди?

— Когда Узбекистан был провозглашен независимой

республикой? (полное предложение) — 1991 йил 1 сентябрда. — 1 сентябрь 1991 г. (неполное предложение).

В зависимости от цели высказывания различаются следующие типы предложений: повествовательные, вопросительные, побудительные и восклицательные).

84—машқ. Қуйидағи Афанди латифаларини таржима қилинг. Гапнинг ифода мақсадига кўра турларини аниқланг.

Афандининг кичкина ўғилчаси йиғлаб:

— Ана у қудуққа ноним тушиб кетди, — деди.

Афанди бориб қудуққа қараган эди, сувда ўз аксини кўрди ва деди:

Оппоқ соқолинг билан ёш боланинг нонини тортиб олишга уялмадингми, минг лаънат сенга.

...

Афанди кўза кўтариб сувга кетаётган ўғлининг юзига бир тарсаки уриб, кўзани синдирма, деди.

48—§. САМАРҚАНД

Қадимий маданият марказларидан бири Самарқанд 2500 йилдан ортиқроқ тарихга эга.

Инсоният тарихида қадимги маданият ўчоқлари сифатида жаҳонга танилган Афина, Рим шаҳарлари каби Самарқанд ҳам бой тарихга эга. У кўплаб қонли жангларнинг гувоҳи бўлган. Самарқанд вайроналари кейинчалик Афросиёб номи билан юритилган. Бундан 600 йил муқаддам Самарқанд қадимги ўрнидан жануброқда қайта тикланди. Кўп вақт ўтмай бутун Шарққа доғруғи кетган гўзал ва кўркем шаҳарга айланди, муҳташам бинолар қурилди. Шаҳар темурийлар давлатининг пойтахтига айланди. Шаҳар атрофи олти дарвозали мудофаа девори билан ўраб олинди. Бибиҳоним масжиди, Гўри Амир мақбараси, Шоҳизинда ва бошқа йирик муҳташам иморатлар қурилди.

Улуғбек даврида Самарқандни ободонлаштириш ишлари давом эттирилди, Улуғбек расадхонаси қурилди. Регистон майдонида Улуғбек мадрасаси қад кўтарди. Кейинчалик Шердор ва Тилақори мадрасалари қурилгач, улар биргаликда Регистон ансамбли деб атала бошлади. Ҳозирги даврда аҳоли сони жиҳатидан республикамиз шаҳарлари орасида иккинчи ўринда бўлган Самарқанд кенгайиб, янада ободонлашиб бормоқда. Самарқанд Шарқнинг энг кўркем ва обод шаҳарларидан бири деб танилиши бежиз эмас. Унинг қадимий архитектура ёдгорликлари замонавий иншоотлар билан уйғунлашиб, ажиб бир гўзаллик ҳосил қилади. Республикамининг энг гавжум туристик шаҳарларидан бирига айланган Самарқанднинг тарихий обидаларини сақлаш, таъмир этиш ишларига давлатимиз катта эътибор бермоқда. Самарқанд республикамизнинг йирик фан марказларидан бири сифатида ҳам диққатга сазовор. Бу ерда халқаро миқёсидаги конференциялар, симпозиумлар ва катта анжуманлар ўтказилади. Самарқанддаги олий ўқув юрларида минглаб юқори малакали мутахассислар тайёрланади.

ЛУҒАТ

қадимий	— древний
2500 йилдан ортиқроқ	— более (чем) 2500 лет
тарих	— история
жаҳон	— мир
қонли жанглр	— кровавые сражения
бундан 600 йил муқаддам	— 600 лет назад
ғўзал шаҳарга айланди	— превратился в красивый город
бинолар қурилди	— построены здания
мудофаа	— стена обороны
Гўри Амир мақбараси	— мавзолей Гур — Эмир
иккинчи ўринда	— на втором месте
шарқ	— Восток
гавжум	— многолюдный
таъмир этиш	— ремонтировать
фан маркази	— научный центр

Топшириқ:

Матни қуйидаги саволлар асосида сўзлаб беринг.

- Самарқанднинг тарихий номи қандай бўлган?
- Самарқанд неча йиллик тарихга эга?
- Регистон ансамблига ким асос солган?
- Самарқанд жаҳоннинг қандай шаҳарларидан ҳисобланади?
- Шаҳарнинг 2500 йиллиги қачон ва қайси ташкилот ташаббуси билан ўтказилган?

Матндаги дарак гапларнинг тагига қизинг.

ДАРАК ГАПЛАР

Бирор воқеа — ҳодиса ҳақида ҳикоя, хабар билдирувчи гап дарак гап дейилади. Дарак гап юз берган, юз бериши мумкин бўлган воқеа — ҳодисани тасдиқ ёки инкор қилиш йўли билан билдиради. Масалан: Карим бугун ишга келмади. У Самарқанддан ҳали келгани йўқ.

(В повествовательных предложениях сообщается о каких-либо фактах действительности, событиях, явлениях. Сообщение может быть утвердительного или отрицательного характера. Например: Карим бугун ишга келмади — Карим сегодня не пришел на работу. У Самарқанддан ҳали келгани йўқ — Он еще не приехал из Самарканда).

85-машқ. Ўзингиз мустақил равишда бир неча дарак гап тузинг ва рус тилига таржима қилинг.

86-машқ. Қуйидаги сўзлар билан дарак гаплар тузинг. Учрашув, ўртоқ, вокзал, кутубхона, аудитория, талаба.

Почта, телеграф қаерда?

Телеграмма, бандерол, буюртма хатлар қаерда қабул қилинади?

Мен посылка, оддий телеграмма, шошилич телеграмма, халқаро телеграмма, авиа хатини жўнатмоқчи эдим.

Бу ерда телефон – автомат қаерда?

Маълумот учун қаерда қўнғироқ қилиш керак?

Бу шаҳарлараро станциями?

Мен Москва билан гаплашишни буюртма қилмоқчиман.

Москвадаги номер ...

Йўл банд. Мен буюртма қабул қила олмайман.

Алло. Бу гапираётган Эркин.

Бизни узиб қўйишди.

Телефонда ким? Мен Анвар билан гаплашишни хоҳлар эдим.

Марҳамат қилиб, қаттиқроқ гапиринг. Мен сизни ёмон эшитяпман.

Марҳамат қилиб гўшакни илмай туринг. Марҳамат гўшакни илинг ва бошқатдан қўнғироқ қилинг.

Сиз янглишдингиз (Сиз рақамни нотўғри тердингиз).

Сиздан қўнғироқ қилиш мумкинми?

ЛУҒАТ

буюртма	– заказ
буютма хатлар	– заказные письма
халқаро телеграмма	– международная телеграмма
шаҳарлараро станция	– междугородная станция
маълумот	– информация
йўл банд	– линия занята
бизни узиб қўйишди	– нас отсоединили
марҳамат	– пожалуйста
ёмон	– плохо
гўшак	– трубка
гўшакни илинг	– повести трубку

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг
2. Сўроқ гапларни топинг ва улардаги тиниш белгиларининг қўйилиш сабабларини тушунтиринг.

СЎРОҚ ГАПЛАР

Сўзловчига номаълум бўлган нарса, воқеа, ҳодиса ҳақида ифодаланадиган гап сўроқ гап дейилади.

Сўроқ гаплар қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Сўроқ гаплар таркибида сўроқ олмошлари қатнашади. Масалан: Дарс қачон бошланади? Сиз нега яхши ўқимайсиз?

2. Сўроқ гаплар сўроқ юкламалари (—ми, —чи, —а, —я) ёрдамида тузилади. Масалан: Сен имтиҳонларга яхши тайёрландингми? Сен — чи?
3. Сўроқ гапда сўроқ маъноси баъзан фақат интонациянинг ўзи билангина ифодаланиши мумкин. Масалан: Тўрт баҳо олди?
Сўроқ гапларнинг охирига сўроқ белгиси қўйилади.

(Вопросительные предложения используются для получения собеседником положительной или отрицательной информации.

Характерным признаком вопросительных предложений является их интонационная оформленность. Например: Тўрт баҳо олди? — Оценку четыре получил?

Кроме интонации, вопросительные предложения могут оформляться при помощи:

1. Вопросительных слов ким?, нима?, нега?, қаерга?, нечанчи?, канча?, қачон? Например: Дарс қачон бошланади? — Когда начинается урок? Сиз нега яхши ўқимайсиз? — Почему вы плохо занимаетесь?
2. Вопросительных частиц —ми, —чи, —а, —я. Например: Сен имтиҳонларга яхши тайёрландингми? — Ты хорошо готовился к экзаменам? — Сен — чи? — А ты?

В конце вопросительного предложения ставится вопросительный знак)

87—машқ. Қуйидаги «Сухбат» темасини кўчириб ёзинг. Мазмунини ҳикоя қилиб беринг. Сўроқ гапларни топиб, қандай воситалар ёрдамида ифодаланганини аниқланг.

— Карим, ер юзида неча хил тил бор? Биласанми?

— Биламан, тилшунос олимларнинг ҳисобича ер юзида 2976 хил тил бор.

— Ҳамдўстлик мамлакатларида — чи?

— Уларда 130дан ортиқ тил бор.

— Улар орасида сўзлари, грамматик қоидалари бир — бирига ўхшаш тилларни биласанми?

— Ҳа, ўзбек, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман, татар тиллари ва бошқалар.

— Ўзбеклар тожик тилини тушунмайди. Тожик тили Ҳинд — Европа тиллари оиласига киради.

— Ўзбек тили — чи?

— Ўзбек тили Олтой тиллари оиласига киради.

88—машқ. Гапларни ўқинг. Сўроқ маъноси қандай воситалар ёрдамида ифодаланганлигини айтинг.

1. — «Ундай бўлса Одилонни танирсиз?» — сўради йигит (Э.С.)
2. «Узоққа борасизми?» — нописандлик билан сўради аёл (Э.С.).
3. — «Саволлар борми?» — сўради раис (Э.С.).
4. — «Витя, чўмиламизми?» — деди зерикиб ўтирган болага (Э.С.)
5. — «Нега турибсан, дадангни кўргани бормайсанми?» (Э.С.).
6. — «Нима пишириб қўяй?» — деди онаси (Э.С.)

50-§. БУЙРУҚ ВА СҮРОҚ ГАПЛАР

Пўлат индамади, у алақандай саросимада ўртоқларини зимдан кузатар эди.

Қани бўлмаса ташқарига чиқайлик, ўша ерда бир маслаҳатга келармиз, — деди Йўлдон соатига қараб. Ҳамма қўзғалди.

Шу пайт Пўлат илдам юриб бориб, эшикни орқаси билан тўсди.

Шу турганича қўли билан пайпаслаб, олдин темир тамбани туширди.

— Нима қиялпсан? Бу нимаси?

— Пўлат индамай эшикни ичкаридан қулфлади — да, калитни чўнтагига солди.

— Ия, ҳа?

— Оч эшикни!

Мумкин эмас — деди Пўлат, худди бунга ўзи айбдордек, паст ва кескин овоз билан.

— Нима қилмоқчисан, нима гап? Гапир ахир.

— Эшикни оч!

— Очмайман, — деди Пўлат ва ўз гумонини тушунтира бошлади.

ЛУФАТ

индамаслик

— молчание

ўртоқлар

— друзья

чиқмоқ

— выйти

шу пайт

— в это время

тўсмоқ

— закрыть

нима қиялпсан?

— что (ты) делаешь?

бу нимаси?

— ну что такое?

индамай

— молча

калит

— ключ

чўнтак

— карман

— Ие, ҳа?

— ты, что

оч

— открой

мумкин эмас

— нельзя

гапир ахир

— говори — же

Топшириқ:

1. Матнини ифодали ўқинг.

2. Гапнинг ифода мақсадига кўра турларини аниқланг (дарак гап ва буйруқ гаплар).

БУЙРУҚ ГАПЛАР

Буюриш, илтимос, маслаҳат, ялиниш, истак — тилак, дўқ — пўписа, чақириниш каби маъноларни ифодалайдиган гаплар буйруқ гаплар дейилади.

Ялиниш, илтимос, маслаҳат каби маъноларни ифодалаганда нуқта қўйилади. Масалан: Китобингиз мазмунини айтиб беринг.

Дўқ, чақириниш, қатъий буюриш каби маъноларни билдирганда ундов белгиси қўйилади. Бу ердан жўна! Кет!

Буйруқ гапларнинг кесими қуйидагича ифодаланади:

1. Буйруқ майлининг II шахс бирлигидаги феъл билан масалан: Қозонга яқин юрма, қораси юқар. Ёмонга яқинлашма балоси юқар. (Мақол).
2. Буйруқ, истак майлидаги феъл билан масалан: Пахта йиғим – теримига барча сафарбар этилсин.

(В побудительных предложениях высказывается просьба, ответ, приказ, предостережение, пожелание, требование и т.п. Характерной особенностью побудительных предложений является побудительная интонация и форма побудительного склонения глагола – сказуемого. Например: Китобингизнинг мазмунини айтиб беринг – Раскажите содержание вашей книги).

89–машқ. Гапларнинг буйруқ мазмунини ва унинг қайси шахсга қаратилганини аниқланг.

1. «Қани, нари туринг – чи», – доктор шундай деб, ўзи каравотнинг тагига эгилиб қаради (Ў.У.)
2. «Бўлди. Талашманглар», – хулоса қилди Ҳошим ака (Ў.У.)
3. «Ўғлим», – деди у нурсиз кўзларини шифтга қадаб, – «болаларингни хафа қилма» (Қ.С.).

90–машқ. Ўзингиз мустақил равишда 8та буйруқ гап тузинг.

51–§. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИ

*Мутал (Мутаваккил) Бурҳонов мусиқаси
Абдулла Орипов сўзи*

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажд,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижд,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,

Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!

Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,

Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машғали, тинчлик посбони,
Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

ЛУҒАТ

нақорат

серкуёш

йўлдош

олтин водий

аждодлар

ёш авлод

истиқлол машъали

тинчлик посбони

улуғ халқ

хур ўлка

эл

нажод

то абад

шуҳрат

мардона

жўш урган

маҳлиё

имон

посбон

– припев

– солнечный

– спутник

– солнечная долина

– предки

– молодое поколение

– маяк независимости

– оплот мира

– великий народ

– вольный край

– народ

– избавление, спасение

– навеки

– слава

– мужественный

– бурлить, клокотать

– очарованный

– вера, доверие

– оплот, страж, охрана

Топшириқ:

1. Ўзбекистон мадҳиясини ёд олинг ва мазмунини айтиб беринг.
2. Ундов гапларда қўлланган тиниш _ белгиларининг моҳиятини тушунтиринг.

УНДОВ ГАПЛАР

Ҳис – ҳаяжонни ифода этган гап ундов гап дейилади.

Ундов гаплар шодлик, қувонч, суюниш, кўрқув, тантана, таажуб, қайғу, афсусланиш каби турли ҳис – туйғуларни ифодалайди ва кўтаринки интонация билан бошқа гап турларидан фарқ қилади.

Ҳар қандай дарак, сўроқ гапларни ҳис – ҳаяжон билан айтиш натижасида ундов гап ҳосил қилинади: Офарин, дўстим!

Айрим ундов гаплар ундов сўзлар ва баъзи юкламаларни келтириш билан ҳам тузилади. Ҳой йигитлар, ҳашарга келинглар. Баъзи гапларда ундов мазмунидан ташқари сўроқ, мазмунини ҳам англашилганида, гап охирида ҳам сўроқ, ҳам ундов белгилари қўйилади. Масалан: Улардан устун, ҳаёт ўзаги инсончи, инсон?! (Ш.)

(Эмоционально насыщенные предложения, которые характеризуются особой восклицательной интонацией, называются восклицательными предложениями. Например: Туғилган кунинг билан табриклайман — Поздравляю с днём рождения! Наҳотки сен келмасанг? — Неужели ты не придешь? Офарин, дўстим! — Bravo, мой друг.)

91-машқ. Кўчиринг. Ундов гапларнинг мазмунига этибор беринг.

1. «Соғмисиз, саломатмисиз, Собиржон ака» (Қ.С.). 2. «Раҳмат сенга» — деди елкамга қоқиб (Қ.С.). 3. «Йўқ» — ўзи билмаган ҳолда қичқириб юборди Ганжа (Э.С.). 4. Қурбон ака Зарифни бағрига босди: «Омонмисан, ўғлим» (Э.С.). 5. «Эҳ, ленинградликлар, ленинградликлар. Қанчалар азоб чекишмади—я бечоралар», — деди ўйчанлик билан Абдурашид ака (Қ.С.).

92-машқ. Ўзингиз мустақил равишда 8 та ундов гап тузинг.

52-§. БУХОРО

Бухоро Ўрта Осиёнинг кўна шаҳарларидан. Бу шаҳар бундан 2300 йил муқаддам Зарафшон водийсининг қуйи қисмида қад кўтарган. Даставвал у дарёнинг Зарируд номли қуйи тармоғининг икки соҳили бир—бирига қарама—қарши жойлашган 3 та қишлоқ шаклида пайдо бўлган.

Бу қадимги уч қишлоқнинг атрофи ўша замонлардаёқ алоҳида мудофаа деворлари билан ўраб олинган эди. Шаҳарнинг бир неча дарвозаси бўлиб, ҳар бир қисмига алоҳида дарвоза орқали кирилган. Шаҳарнинг махсус девор билан ўралган энг баланд қисмига қурилган қўрғон арк деб аталиб, унда подшоҳ ва амирлар яшаган. Арқда подшоҳнинг кўшкы ва саройларидан ташқари, хазина, пул чиқариладиган зарбхона, қамоқхона, навкарлар учун бостирмалар бўлган. Шаҳарнинг қолган асосий икки қисмида шаҳар аёнлари, савдогарлар, ҳунармандлар яшаган.

Қадимги Бухоро, Хитойни, Эрон, Кичик Осиё ва Ўрта денгиз бўйи мамлакатлари билан боғланган савдо йўли Буюк ипак йўли устида жойлашган бўлиб, бу йўл орқали бухоролик савдогарлар Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Византияга туялар карвонида турли хил савдо молларини олиб борганлар.

Ўрта асрларда Бухоро Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқда илм—фан, маърифат ва маданият марказларидан бирига айланди. Бу шаҳарда машҳур мутафаккир олим ва адиблардан Абу Али Ибн Сино, Наршахий, Рудакий ва бошқалар яшаб ижоҳ этганлар. Асрлар давомида Бухоро Ўрта Осиёнинг йирик маъмурий маркази сифатида ҳам танилди.

Бухоро кейинчалик яна ҳам ривожланди. Аввало шаҳарнинг

сув таъминоти тубдан яхшиланди. У тўла электрлаштирилди ва газлаштирилди.

Шаҳарнинг бир неча олий ўқув юртида минглаб талабалар ўқимоқда. Бухорода марказий кутубхона, тарих ва ўлкашунослик музейи, драма театри, кўплаб кинотеатрлар бор.

Бухоро тарихий обидаларга жуда бой. Шунинг учун ҳам улар ҳозирги кунда минглаб сайёҳларнинг диққат — эътиборини ўзига жалб этмоқда.

ЛУФАТ

дарё	— река
қарама — қарши	— противоположно
жойлашган	— расположен
мудофаа деворлари	— стена обороны
алоҳида	— отдельно
махсус	— специально
хазина	— сокровище, хранилище
қисм	— часть
туялар карвони	— верблюжий караван
савдо	— торговля
ўрта асрлар	— средние века
маъмурий марказ	— административный центр
сув	— вода

Топшириқ:

Қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг

1. Бухоро қачон қад кўтарган?
2. Бухоро арки ҳақида нима биласиз?
3. Бухоро халқи қандай ҳунар билан машҳур бўлган?
4. Бухоронинг машҳур олимлари, адибларидан кимларни биласиз?
5. Бухоронинг ҳозирги даврдаги ижтимоий ўрни ҳақида нима биласиз?

Матнни ўқинг. Эга ва кесим мослигини кўрсатувчи қўшимчаларнинг тагига чизинг.

ГАП БЎЛАКЛАРИ

Гап таркибидаги сўзлар турли вазифани бажаради — гапнинг турли бўлаклари бўлиб келади. Бу сўзлар ўзаро боғланганда, ўзаро муносабатга киришганда, гап бўлаги бўла олади.

Гап бўлаклари вазифаларига кўра, гапдаги мавқеига қараб иккига бўлинади: бош бўлаklar, иккинчи даражали бўлаklar. Икки таркибли гапнинг асосини ташкил қилган бўлаklar — эга ва

кесим бош бўлақлар дейилади.

ГАПНИНГ БОШ БЎЛАҚЛАРИ

Эга. Гапда мутлоқ ҳоқим вазиятни эгаллаб, фикрнинг кимга ёки нимага қарашли эканини англаувчи гап бўлаги эга деб аталади. Эга доим бош келишиқ шаклда келади. У қуйидаги сўз туркумлари билан ифодаланади:

1. От билан: Талаба газета ўқияпти.
2. Олмош билан: У ёзаяпти.
3. Сифат билан: Мардлар номи ўчмайди.
4. Сон билан: Тўрт — жуфт сон.
5. Сифатдош билан: Тиришган тоғдан ошар.

Кесим. Гапда эга вазифасида келган шахс, предмет ёки ҳодисанинг ҳаракати, ҳолати, хусусиятини билдирадиган ёки улар ҳақида сўроқни ифодалайдиган бўлақ кесим дейилади. Кесим қайси сўз туркуми билан ифодаланишига кўра икки хил бўлади: феъл кесимлари, от кесимлари.

Феъл кесимлар қуйидаги кўринишга эга:

1. Соф феъл билан ифодаланган кесим: Умар ўқишга келмади.
2. Равишдош билан ифодаланган кесим: Мен кино бошлангунча келаман.
3. Сифатдош билан: Ўқиган бола.
4. Ҳаракат номи билан ифодаланган кесим: Мақсадим — ишламоқ.

От кесим. Феълдан бошқа сўз туркумлари билан ифодаланган кесим от кесим деб аталади.

От кесимлар қуйидагича ифодаланади:

От билан: Яхши рўзгор — жаннат, ёмон рўзгор — дўзах.

Сифат билан: Бу — бешинчиси.

Равиш билан: Бизнинг қўлимиздан келадиган иш кўп.

Олмош билан: Мақсадим — шу.

(Слово или словосочетание в предложении, отвечающее на определенный вопрос, называется членом предложения.

Синтаксическую структуру предложения составляют главные и второстепенные члены предложения.

Слова соединенные между собой предикативной связью, выступают в качестве главных членов предложения, т.е. подлежащего (эга) и сказуемого (кесим).

Эга (подлежащее). Член предложения, обозначающий предмет, о котором говорится в предложении и отвечающий на вопрос ким? (кто?) или нима? (что?) называется подлежащим. Оно выражается независимой формой слова — именительным падежом существительного.

В функции подлежащего используются:

1. Имя существительное: Талаба газета ўқияпти. — Студент читает газету.
2. Местоимение: У ёзаяпти — Он пишет.
3. Имя прилагательное: Мардлар номи ўчмайди — Не забудутся

имена храбрых.

4. Числительное: Тўрт — жуфт сон — Четыре — Число четное.
5. Причастие: Тиришган тогдан ошар — Кто стремится, тот шагнет горы.

Кесим. (Сказуемое). Член предложения, обозначающий действие или признак предмета, называется сказуемым. Сказуемое отвечает на вопросы нима килди? (что сделал?), нима килади? (что делает?), нима бўлди? (что случилось?), кимдир? (кого?), нимадир? (что?), қандай? (какой?) ит.п.

Сказуемое может быть выражено глаголом, существительным, прилагательным, местоимением, числительным. Сказуемое, выраженное глаголом, называется глагольным сказуемым, которое может быть простым и составным. Простым глагольным называется такое сказуемое, которое выражено глаголом в различных формах лица, числа, времени, наклонения. Например: Эргаш китоб ўқияпти — Эргаш читает книгу.

Составное глагольное сказуемое выражается формами двух или более глаголов, первый из которых представлен вспомогательными глаголами в форме деепричастия на —а (—й), —б (—иб) или другими частями речи, кроме глагола. Например: Дўстсиз яшаш қийин бўлади — Трудно жить без друга. Именное сказуемое выражается существительными, прилагательными, числительными, местоимениями. Например: Грузиянинг пойтахти — Тбилиси. — Столица Грузии — Тбилиси.)

93—машқ. Ўзбек тилида гап бўлаклари тартибини қуйидаги гаплар мисолида тушунтиринг.

1. Инсондаги ҳамма яхши фазилатлар — ота — онадандир.
2. Ота — онанинг бутун ҳаракати, ҳаётининг бутун мақсади болаларнинг бахтига қаратилгандир.
3. Инсониятнинг барча машҳур қишилари ўз тарбиячиларидан миннатдорликларини фахр билан ёзганлар.
4. Боғларингни сайр этганимда,
Сен бор эдинг қалба ватаним.
Боғ ҳуснига шеър битганимда,
Уни дастлаб сенга атадим.

94—машқ. Кўчиринг. Гапнинг бош бўлақларини аниқланг, эганинг тагига бир, кесимнинг тагига икки чизиқ чизинг.

1. У қўлагининг тугмаларини қадади (Э.С.).
2. Аёл унга разм солди (Э.С.).
3. Проводник кириб, кўрпа — тўшак керакми, деб сўради (Э.С.).
4. У поезддан тушди (Э.С.).
5. Шаҳарни иккига бўлган йўл катта йўл четига ўтди (Э.С.).
6. Саратон офтоби тинмай ерга олов пуркайди (Э.С.).
7. Ганжа энгашиб, қўлини сувга тикди (Э.С.).
8. Эшик аста очилиб, Қумрихон чиқди (Э.С.).
9. Улар бир — бирларига узоқ тикилиб қолдилар (Э.С.).

Ўзбекистондаги қўҳна шаҳарлардан бири Хива Ўрта Осиёдан Хоразм орқали Кичик Осиёга ўтган қадимий карвон йўли устида қад кўтарган. Хиванинг қачон пайдо бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар ҳозирча мавжуд эмас. Айрим археологик маълумотларга қараганда, Хива милoddан аввалги III—IV асрларда барпо этилган. Хива қадимдан уч қисм: Арк (ҳокимият жойлашган), Ичан қаъла (ички шаҳар), Дишан қаъла (ташқи шаҳар) дан иборат бўлган.

Ўз тарихий жараёнида Хива бир неча марта истилочилар ҳужумига бардош бериб, қонли жанглар майдонига айланган. 712 йилда Хивани араблар, 1221 йилда мўғул Чингизхон, 1747 йилда эронлик Нодиршоҳ кўшинлари вайрон қилган. Шунга қарамасдан Хива қайта — қайта тикланиб обод бўлган. Хонликлар даврида асосан ҳунармандчилик ривожланган. Ҳунармандлар кичик — кичик устахоналарда ишлашар, энг оддий қуроллардан фойдаланиб турли матолар тўқишар, сопол ва заргарлик буюмлари ясашар эди.

XX асрдан Хивада янги машиналар ва асбоб — ускуналар билан жиҳозланган енгил саноат тармоқлари пайдо бўлди. Хива мамлакатимизнинг асосий туристик шаҳарларидан биридир. Хивада бўлган ҳар бир киши унинг тарихий обидалари: Кўҳна арк, Жума масжиди, Оқ масжид, Паҳлавон Маҳмуд, Шерғозихон, Қутлуғ Мурод Иноқ, Муҳаммад Амин Иноқ мадрасалари, Оллоқулихон карвон саройи ва тими, Исломхўжа ва бошқа кўпгина катта — кичик минораларни, шунингдек 163 хонадан иборат Тош ҳовли саройи ҳамда бу биноларга ишлатилган ранг — баранг кошин ва парчинлар, ганчқори нақш ва эпиграфик ёзувларни кўриб томоша қилар экан, шубҳасиз, ўзини Ўрта асрлар Хивасида юргандек ҳис қилади. Шунинг учун ҳам давлатимиз Ичан қалъасини Ўрта аср архитектура обидалари қўриқхонаси деб эълон қилиб, уни сақлаш ва таъмир этиш ишларига катта аҳамият бермоқда.

ЛУФАТ

қўҳна	— старинный
қадимий карвон йўли	— древний караванный путь
маълумот	— сведения, информация
жараён	— процесс
истилочи	— завоеватель
қўшин	— войска
шунга қарамасдан	— несмотря на это
ҳунарманд	— ремесленник
устахона	— мастерская
мато	— материал
сопол	— керамика

заргарлик буюмлари	— ювелирные изделия, вещи
кошин	— кафель
нақш	— орнамент, узор
таъмир этиш	— реставрировать
кўриқхона	— заповедник

Топшириқ:

1. Қуйидаги саволларга жавоб қайтаринг:

Археологик текшириш материаллари Хивани қачон бунёд қилинган дейишга имкон беради? Хивадаги қадимги ҳунармадчилик ҳақида нима биласиз? Шаҳардаги қайси ёдгорликлар халқ ҳаёти, маданиятининг жонли тарихи ҳисобланади?

2. Матндаги иккинчи даражали бўлақларнинг тагига чизинг, уларнинг жойлашув тартибига эътибор беринг.

ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАҚЛАР

Тўлдирувчи. Гапнинг бирор бўлагига (кўпинча кесимга) бошқарув йўли билан боғланиб, уни тўлдирган иккинчи даражали бўлақ тўлдирувчи дейилади.

Тушум келишигидаги сўз билан ифодаланган тўлдирувчи воситасиз; жўналиш, ўрин — пайт, чиқиш келишиги, кўмакчилар билан ифодаланган тўлдирувчилар эса воситали тўлдирувчилар ҳисобланади. Бугун уни санъат саройида кўрдим. Сизга нима бўлди?

Тўлдирувчилар от, отлашган сифат, сифатдош, ҳаракат номи билан ифодаланиши мумкин.

Предмет ёки ҳодисанинг белгисини ифодаловчи иккинчи даражали бўлақ аниқловчи дейилади.

Аниқловчи икки хил бўлади: сифатловчи — аниқловчи, қаратқич аниқловчи.

Сифатловчи аниқловчи сифат, от, сон, оғмош, сифатдош билан ифодаланади.

Масалан: Умар биринчи курсда ўқийди (сон билан)

Қаратқич аниқловчи от, сифат, сон, оғмош, сифатдош билан ифодаланади.

Масалан: Институтимизнинг биноси гўзал, (От билан)

Аниқловчиларнинг предмет ёки шахсни қайта номлаш учун қўлланадиган тури изоҳловчи дейилади.

Изоҳловчи изоҳланмиш билан қатор келиб, унинг унвонини, машғулот — касбини, жинсини, қариндош — уруғлик муносабатини, ҳурмат қилиш, лақаб ва таҳаллушни ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан: Академик Иззат Султонов Навоий меросини чуқур ўрганган.

Ҳол. Ҳол кесимга боғланиб, ундан англашилган иш — ҳаракатнинг ўрнини, пайтини, ҳолатини, бажарилиш сабабини, мақсадини билдирадиган иккинчи даражали бўлақдир.

Ҳол маъно ва вазифасига кўра қуйидаги турларга бўлинади: ра —

виш ҳоли, ўрин ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли.

Масалан: Эртага ўқишга борамиз. У охиста қадам ташлади.

Второстепенные члены предложения. Члены предложения, которые поясняют, уточняют, значение главных членов и находятся в подчинительной связи с главными членами или между собой, называются второстепенными членами предложения. К второстепенным членам предложения в узбекском языке, как и в русском, относятся дополнение, определение и обстоятельство.

Тўлдирувчи (дополнение) обозначает объект, на который направлено действие, и отвечает на вопросы косвенных падежей. Дополнения бывают двух типов: прямое (воситасиз), косвенное (воситали).

Прямое дополнение обозначает предмет, на который непосредственно направлено действие и управляется переходным глаголом; отвечает на вопросы кимни? (кого?), нимани? (чего?), қаерда? (где?).

Прямое дополнение оформляется винительным падежом. Например: Бугун уни санъат саройида кўрдим. — Сегодня я его видел во дворце искусств.

Косвенное дополнение представление в форме дательного — направительного, местного или исходного падежа, а также послелогоми в сочетании и с именем в форме родительного падежа. Например: Сизга нима бўлди? — Что с вами?

Аниқловчи (определение) обозначает признак предмета, выраженного любым членом предложения, и отвечает на вопросы қандай? (какой?), қайси (который?), қанча? (сколько?), кимнинг (кого?), чей?, ниманинг? (чего? от чего?).

По этому признаку в узбекском языке различаются два вида определения: определение — имя прилагательное (сифатловчи — аниқловчи), определение в форме родительного падежа (қаратқич — аниқловчи). В роли определения прилагательного в основном выступают: прилагательное, числительное, причастие, наречие. Например: Умар биринчи курсда ўқийди. — Умар учится на первом курсе.

Сиределение в форме родительного падежа (қаратқич — аниқловчи) указывает на принадлежность лицу или предмету. Этот вид определения выражается словами в родительном падеже. В роли определения в форме родительного падежа выступают имя существительное, местоимение, субстантивированное прилагательное, числительное причастие. Например: Институтимизнинг биноси ғоят гўзал. — Здание нашего института очень красивое.

Изоҳловчи (приложение). Определение, которое поясняет, уточняет лицо или предмет другим именем называется приложением. Приложение обычно выражается именем существительным. Приложение в основном может обозначать возраст, пол, родство, специальность, профессию, должность, звание. Например: Академик Иззат Султонов Навоий меросини чуқур ўрганган. — Академик Иззат

Султанов глибоко исследовал наследие Навои.

Ҳол (обстоятельство) обозначает как, при каких обстоятельствах совершается действие. Обстоятельства указывают время, причину, цель, образ действия и т.п. В узбекском языке имеются следующие типы обстоятельств: образа действия, места, время, причины, цели, меры, степени. Например: Эртага ўқишга борамиз — Завтра пойдем на занятия..)

95-машқ. Зулфиянинг "Ўғлим, сира бўлмайти уруш" шеърини ёд олинг. Шеърини услубларда одатдаги сўз тартибининг ўзгаришини мисоллар билан тушунтиринг.

..Уруш. Номинг ўчсин жаҳонда,
Ҳамон битмас сен солган алам.
Сен туфайли кўп хонадонда,
Ота номли буюк шодлик кам.
Мен онаман, менинг юрагим,
Фарзандларим қувончига кон.
Дил орзиқар, баъзан тилагим,
Ваҳималар ўрган замон..
Кўкрак сути ва меҳнат билан,
Биз жаҳонга берганмиз турмуш,
Она қалби оёққа турса,
Ўғлим, сира бўлмайти уруш.
(Зулфия)

96-машқ. Гапларни кўчиринг. Иккинчи даражали бўлакларни аниқлаб, устига турини ёзинг.

1. Кўп ўтмай Одиловни министрликка ишга олишди (Э.С.). 2. Ганжа буфетнинг қаердалигини билмасди. (Э.С.). 3. Вагондан қизил кўйлакли қиз шошиб тушди. (Э.С.). 4. Кечқурун соат тўққизда "Тошкент — Денов" поезди станцияга келиб тўхтади, (Э.С.). 5. Ганжа ўриндиққа жойлашди. (Э.С.) 6. У эшикни зарб билан очиб, хонадан ўқдай отилиб чиқди (Э.С.)

54-§. БОЛАНГ БЎЛСА, ШЎҲ БЎЛСИН, ШЎҲ БЎЛМАСА, ЙЎҚ БЎЛСИН

"Йигит деган шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин"; "Бўлсанг шўх бўл, бўлмасанг йўқ бўл", "Йигит бўлса шўх бўлса, юрса кўчалар тўлса. Дўстлар кўриб суюнса, душманлар куйиб ўлса" (халқ кўшиғи). Дарҳақиқат, булар халқ ўртасида "Шўх бола бот куйилади", — деган тушунчанинг маҳсулидир. "Шўх бот куйилар, шилқим бот суйилар" ҳам дейдилар. Азиз ёшлар, ҳаётини кузатиш кўпчилигини қуйидаги хулосага олиб келган ёшлигида шўх бўлган бола тез орада қуйилади, ғайратчан, миришкор, удабурон, ботир киши бўлиб етишади. Ёшлигида бўшанг,

сўлдим бўлганлари эса катта бўлгач ҳам шундайлигича қолади, юрагида ўти бўлмайди, гайратсизлиги ва ялқовлиги туфайли ҳаётни қийналиб ўтказади. Буни албатта, ҳаётини қонуният деб бўлмайди, муҳтарам китобхон, шунчаки кўп ҳолларда тасдиқланувчи бир ҳодисадир, холос.

Л У Ф А Т

шўх — озорной
йигит — парень
душман — враг
дарҳақиқат — действительно
гайратчан — энергичный
ботир — боевой, смелый
ялқов — лодырь
муҳтарам китобхон — дорогой читатель

Топшириқ:

1. Маттни ўқинг, унинг мазмунини тушунтиринг.
2. Матндаги ундалмаларни аниқланг, маъносини тушунтиринг.

УНДАЛМА

Сўзловчининг фикри қаратилган шахс ёки предметни кўрсатадиган алоҳида сўз ёки сўз бирикмаси ундалма дейилади. Ундалма баён қилинаётган фикрга тингловчининг диққатини янада тортиш учун ишлатилади. У бир сўз билан ҳам, ёки ундан ортиқ сўз билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: Ёш дўстларим! Ил сирларини пухта эгаллангиз!

Ундалма гапнинг бошида, ўртасида ва охирида келади. Ундалма гапнинг бошқа бўлакларидан вергул билан ажратилади. Агар ундалма кучли ҳис — ҳаяжон билан айтилса, ундап кейин ундов белгиси қуйилади: Яшасин илғор ёшлар!

(Ундалма — обращение. Слово, обозначающее лицо или предмет, к которому обращена речь, называется обращением. В зависимости от интонации, оно выделяется запятыми или восклицательным знаком. Например: Ёш дўстларим! Ил сирларини пухта эгаллангиз! — Мои молодые друзья! Овладевайте тайнами науки!

Обращение не связано с членами предложения, может стоять в начале, середине и конце предложения. Например: Йўлчи? Сенинг номинг мангу яшар дилларимизда! — Юльчи! Твоё имя вечно будет жить в наших сердцах!)

97 — машқ. Тубандаги гаплардан ундалмаларни топинг. Уларнинг гапдаги вазифасини аниқланг.

1. Дўстим, менга яхши маслаҳат бердингиз.
2. Ҳой. Кўзингга қара.
3. Ўқувчилар, ўқишда ҳаммага намуна бўлинг.
4. Ҳой болаҳоним, сизга нима бўлди?

98 — машқ. Гапларни кўчириб, ундالمаларнинг тагига чизинг.

1. "Сергей! Сенинг исминг мангу қолар тарихларнинг асл бобида". (У)
2. "Ўртоқлар! Табрик учун сўз Павел Корчагинга берилади". (Н.О.)
3. Сиз билан гўзалдир замона, қизлар. (З)
4. Онажон, қайда бўлмай, сизни, фақат сизни ўйлайман.
5. Дугонажон, қалб сирларингни дўстларинг билан ўртоқлаш.
6. — Азиз, бу ерда нима қилиб юрибсиз! (Н.Е.)
7. — Шаҳристонга қачон бормоқчисан, ўғлим? (Э.С)

55-§. АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

Таниқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ихчам, сермазмун ҳикояларнинг, ажойиб романларнинг, драматик асарларнинг муаллифидир. Унинг "Сароб" "Қўшчинор чироқлари", "Шоҳи сўзана", "Сипчалак" номли асарлари кўпчиликка таниш, бир қанча тилларга таржима қилинган.

Абдулла Қаҳҳор Қўқон шаҳрида темирчи оиласида туғилди. У Қўқондаги "Коммуна" мактабини тамомлагандан сўнг техникумда, Ўрта Осиё Давлат унивеститетида ўқиди. "Қизил Ўзбекистон", "Янги Фарғона" газеталари редакцияларида масъул ходим ҳамда Ўзбекистон Давлат нашриётида таржимон ва редактор бўлиб ишлади.

Абдулла Қаҳҳорнинг ижодий фаолияти 1924 йилдан бошланган. Дастлаб, "Муштум" журналида, "Янги Фарғона" ва "Қизил Ўзбекистон" газетаси саҳифаларида ёзувчининг турли хабарлари, мақола ва шеърлари, фелъетон ва ҳикоялари босила бошлади.

1930 йилларда А.Қаҳҳорнинг бир неча ҳикоялар тўплами, «Сароб» номли романи (1937) босилиб чиқди. У ҳикояларида ҳақиқий кишиларига хос олижаноб фазилатларни улуғлаш билан бирга, ҳаётда учраб турадиган ўтмиш сарқитларни: калтафаҳмлик, ўжарлик, лаганбардорлик, бюрократиклик ва бошба нуксонларни дадил фож этди.

А.Қаҳҳор Улуғ Ватан уруши йилларида яратган асарларида ("Асрор бобо", "Хотинлар", "Кўк конверт" ва ҳоказо) фронт билан фронт орқасининг бирлигини, ўзбек жангчиларининг мард ва ботирлигини кишиларимизнинг юксак ватанпарварликларини ҳақиқатан ҳам катта маҳорат билан ифодалайди.

Ёзувчининг "Қўшчинор чироқлари", "Синчалак", "Ўтмишдан эртактлар" каби прозаик асарлари, "Шоҳи сузана", "Оғриқ тишлар", "Тобутдан товуш" каби саҳна асарлари, шубҳасиз, ўзбек адабиётининг жиддий ютуқларидандир.

Сўз устаси Абдулла Қаҳҳор етук ва моҳир санъаткор, таржимон ҳам эди. Унинг ижоди ёш қаламкашлар, тил шинавандалари учун чинакам мактабдир.

Ёзувчи А.Қаҳҳор Давлат мукофотининг лауреати ва Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвонларига орден ва медалларга ва бошқа ёрликларга

сазovor бўлди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан у «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Л У Ф А Т

таниқли — известный
сўз устаси — мастер слова
муаллиф — автор
асар — произведение
саҳна асарлари — сценическое произведение
масъул — ответственный
масъул котиб — ответственный секретарь
хабар — известие
сўнги ахборот — последние известие
муҳаррир бўлиб ишлайди — работает редактором
лаганбардор — подхалим

Топшириқ:

1. Матнга саволлар тузиб, ёзувчи биографиясини сўзлаб беринг.
2. Матндаги кириш сўз иштирок этган гапларни дафтарингизга кўчириб ёзинг ва русчага таржима қилинг.

КИРИШ СЎЗЛАР, КИРИШ БИРИКМАЛАР

Сўзловчининг баён этилаётган фикрига бўлган муносабатини билдирадиган сўз ва сўз бирикмаси кириш сўз ёки кириш бирикма саналади.

Кириш сўз ва кириш бирикмалар ундалмалар каби гапнинг бошида, ўртасида, охирида келиб, гапнинг бош бўлақларидан вергул билан ажратилади.

Кириш сўзлар ҳам ундалмалар каби гап бўлақлари билан грамматик жиҳатдан боғланмайди.

Масалан: Бахтимизга она юртимиз омон бўлсин.

(Вводными словами называются отдельные слова или группа слов, которые, не являясь членами предложения, включаются в предложение для выражения отношения говорящего к высказываемой мысли. Они могут обозначать:

а) Степень уверенности в сообщаемом: албатта (конечно), шубҳасиз (разумеется), ҳақиқатан, дарҳақиқат (несомненно)
Например: Албатта, уруш қурбонсиз бўлмайди, — Конечно, война не будет без жертв.

б) То или иное чувство, вызванное сообщаемым: балки, эҳтимол (вероятно), афтидан (по-видимому), аттанг, афсуски, бахтга қарши (к сожалению, к несчастью), бахтимизга (к счастью).

Например: Бахтимизга она юртимиз омон бўлсин. — Пусть наша

родина будет счастливой и процветающей.

в) Указание на то, что в предложении излагается мысль самого говорящего или какого-либо другого лица; менимча (по-моему) сизнингча (по-вашему), айтишингизча (по вашим словам), унинг гапига кўра (по его словам).

Например: Унинг фикрича, бу йил пахта ҳосили мўл бўлар экан. — По его мнению, в этом году урожай хлопка будет обильным.

г) Связь сообщаемого с предыдущим или последующим, суммирование и т.п.: биринчидан (во-первых), аввало (прежде), демак (следовательно), хуллас (одним словом, значит), қисқаси (короче говоря).

Например: Аввало, сен ишлашинг керак. — Прежде всего ты должен работать.

Вводные слова в предложении выделяются запятыми, подобно обращениям.)

99-машқ. Қуйидаги кириш сўзларнинг ҳар бирига гап тузинг. Масалан: албатта, балки, менимча, билишимча, бахтга қарши, эҳтимол, дарҳақиқат, шубҳасиз.

100-машқ. Гапларни кўчиринг. Кириш сўзларни тошиб, уларнинг гапдаги вазифасини тушунтиринг.

1. — "Дарвоқе, Акромжон... Пичан ўрими бошланибди", — деди Мусаев. (Н.Е.) 2. — "Ўзбекман дебсиз", — сўз қотдим ниҳоят, — "демак, удумларимизни яхши билишингиз керак". (К.С.) 3. Бахтга қарши, Саида унинг хоҳишини пайқамди. (А.К.) 4. Эҳтимол, бу ишни ўзинг бажарарсан. (Х.Н.) 5. Демак, пахтадан нормал ҳосил олишга бутун куч ва имкониятлар муҳайё. (Г.Г.) 6. Ваҳоланки, бу нави фақат Азиз Қаюмов эмас, балки бутун коллектив бунёд қилди. (Ў.У.) 7. — "Майли, киринг. Уйингизга таклиф қилинг", — деди Мусаев. (Н.Е.)

56-§. УЙГУН

Улкан шоир ва драматург, истеъдодли адабиётшунос олим, моҳир таржимон, жамоат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири, республика давлат мукофотининг лауреати, Меҳнат Қаҳрамони Уйғун ижоди ўзбек адабиётида ўз овозига эга.

Уйғуннинг "Баҳор севинчлари" номи биринчи шеърлар тўплами 1929 йилда нашрдан чиқди. Шу тарзда Уйғун адабиётга 20-йилларда шоир сифатида кириб келди. 30-йилларда Уйғун кенг жамоатчиликка лирик шоир сифатидагина эмас, балки олим сифатида ҳам танилди. Унинг "Иккинчи китоб" (1933), "Қуёш ўлкасига" (1936), "Уйғун шеърлари" (1936) "Муҳаббат" (1936) номи шеърлар тўплами, илмий тадқиқот ишлари, мақолалари шу даврда

ёзилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Уйғун барча ўзбек ижодкорлари каби бутун таланти ва истеъдодини, қаламининг кучи ва қудратини гитлерчи каллакесарларга қарши қаратди. Халкимизнинг йиртқич фашизмга нафрати ва ғазаби шоирнинг "Шум қадам", "Қасос", "Ғазаб", "Фашистларга ўлим!", "Сени мен танийман!" шеърларида ўзининг аниқ бадиий ифодасини топди.

Уйғун бадиий ижоднинг энг кийин ва мураккаб турларидан бўлган драматургия ва кинодраматургия соҳаларида ҳам асарлар яратди.

У 1938 йилда "Гуляндом" номли балет либреттосини ёзди. 1942 йилда эса биринчи драмаси "Она" ни яратди. Кейинчалик Уйғуннинг бирин – кетин "Ўзбекистон қиличи" (Н.Погодин, Ҳ.Олимжон, С.Абдулла билан ҳамкорликда), "Алишер Навоий" (И.Султон билан ҳамкорликда), "Асрлар", "Қалтис ҳазил" (1944), "Ҳаёт кўшиғи" (1947), "Олтин кўл" (1948), "Навбахор" (1949). "Сўнги пушаймон" (1956), "Хуррият" (1959). "Шубҳа" (1964), "Гирдоб" (1964), "Қотил" (1965), "Парвона" (1966) каби драмалари майдонга келди.

Уйғун ўзбек киносанъати эндигина ривожлана бошлаган Улуғ Ватан уруши даврида ўзбек ёзувчиларидан биринчи бўлиб Комил Яшин, Иззат Султонлар билан бу соҳага кириб келди. Уйғун бадиий таржима ишларига ҳам алоҳида эътибор берди. У Шекспир сонетларини, Л.Н.Толстой повестларини, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, В.Гюго, Т.Г.Шевченко, О.Қўқонбоев, А.Тўқай, И.Чавчавадзе, А.Ахматова, Я.Колос, С.Рустамов, Э.Оғницвет, И.Ушаков шеърларини, А.П.Чеховнинг "Олчазор", "Чайка" драмаларини, А.Крылов масалларини, Қурбонбой бахшининг "Қирқ қиз" достонидан айрим парчаларни ўзбек тилига катта маҳорат билан таржима қилди.

Уйғун 1990 йилда 85 ёшида вафот этди.

ЛУҒАТ

Ўзбекистон халқ шоири – народный поэт Узбекистана
Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси –
член – корреспондент Академии наук Узбекистана
бадиий ижод – художественное творчество
драматургия – драматургия
кинодраматургия – кинодраматургия
нашр қилди – опубликовал
таржима – перевод
таржимон – переводчик
таржима қилди – переведил.

Топшириқ:

1. Қуйидаги саволлар асосида Уйғун биографиясини сўзланг.

- Уйғун ким?
- Унинг биринчи шеърлар тўплами қачон чиққан?
- Ўзбек драматургияси ва театр санъати ривожига Уйғуннинг

хизматлари нималардан иборат?

г) Ўзбек киносанъати тараққиётига Уйғун қандай ҳисса қўшган?

д) Уйғуннинг илмий — танқидий фаолияти ҳақида қандай фикрдасиз?

е) Уйғуннинг қандай йирик асарлари сизда жуда катта таассурот қолдирган?

2. Матндаги қўшма гапларни топинг. Уларнинг турини аниқланг. Қўшма гапнинг содда гапдан фарқини тушунтиринг.

ҚЎШМА ГАПЛАР

Тузилиши жиҳатидан содда гапларга ўхшаш бўлган икки ёки ундан ортиқ гапларнинг мазмун ва интонацияга кўра бирикувидан ташкил топган гаплар қўшма гаплар дейилади. Масалан: Ёмғир тинса, биз далага жўнаймиз.

Қўшма гаплар таркибий қисмларининг мазмунан ўзаро муносабати тузилиши ва бирикишига кўра уч турли бўлади: боғланган қўшма гаплар, эргашган қўшма гаплар, боғловчисиз қўшма гаплар.

(Сложным называется предложение, состоящее из двух или нескольких предикативных частей, образующих смысловое, структурное и интонационное единство.

Например: Ёмғир тинса, биз далага жўнаймиз. Если дождь перестанет, мы пойдем в поле.

Сложные предложения могут быть сложносочиненными (боғланган қўшма гап) и сложноподчиненными (эргашган қўшма гап), а также бессоюзными (боғловчисиз қўшма гап).

101-машқ. Ўзбек халқ мақолларидан "Ой тунда керак, ақл кунда керак" "Илмсиз бир яшайди, илми минг яшайди" каби қўшма гаплардан тузилган мақоллар топинг.

57-§. ОЙБЕК

Замонамизнинг машхур ёзувчиси ва жамоат арбоби, Давлат мукофоти ҳамда Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати, академик Ойбек ўзининг бутун онгли ҳаёти ва истеъдодини Ўзбекистоннинг фани, маданияти, адабиёти равнақига бағишлади.

Ойбек адабиётнинг деярли барча тур ва жанрларида унумли меҳнат қилади. У шеър, балада, поэмадан либреттогача, ҳикоя, очерк, повестдан романгача, рецензия, публицистик ва танқидий мақолалардан тортиб то йирик илмий асарларгача ёзди.

Ойбек адабиётта 20 — йилларда шоир сифатида кириб келди, Ойбек лирик шоир бўлиб етишди. Ўзбек поэзиясида ўз овозига эга бўлди. У йирик поэтик жанр — поэмада ҳам ўз кучини синаб кўриб, 1933 йилда "Дилбар — давр қизи" поэмасини ёзди. Асарда республикамиз хотин — қизлари озодлиги йўлида олиб борилган кураш ёрқин ифода этилган. Сўнгра Ойбек "Ўч" (1932), "Бахтигул ва

Соғиндиқ" (1933), "Темирчи Жўра" (1933). "Қаҳрамон киз" (1936). "Қизлар" (1947), "Зафар ва Захро" (1951). "Гули ва Навоий" (1968) ва бошқа поэмаларни яратиб, ўзбек адабиётида поэма жанрига улкан ҳисса қўшди.

1940 йилда Ойбекнинг биринчи тарихий романи "Қутлуғ қон" босмадан чиқди. Ўзбек адабиётида Алишер Навоий ҳақида яратилган йирик бадий асарларнинг асосий қисми Ойбек қаламига мансубдир. Унинг А.Навоий ҳақидаги шеър ва поэмалари, машҳур "Навоий" (1944) романи, "Алишернинг ёшлиги" (1974) қиссаси ўзбек адабиётида ўз ўрниги эга бўлди.

Ойбек Улуғ Ватан урушидан кейинги тинч қурилиш даврида ҳам катта проза жанрида самарали ижод этиб, "Олтин водидан шабадалар" (1951). "Қуёш қораймас" (1958) "Болалик" (1963) автобиографик повести ва ҳаётининг сўнгги йилларида "Улуғ йўл" романини ёзди.

Ойбек серқирра ва сермазмун ижодиётида бадий таржима ишларига ҳам алоҳида эътибор берди. У ниҳоятда катта маҳорат билан В. Гёте, А.С. Пушкин, А.М. Горький ва бошқа рус ҳамда Фарбий Европа ёзувчилари асарларини ўзбек тилига таржима қилди. Мустақиллик йилларида Ойбек "Буюк хизматлари учун" ордени била мукофотланди.

ЛУФАТ

фан	— наука
маданият	— культура
адабиёт	— литература
санъат	— искусство
публицистик мақола	— публицистическая статья
танқидий мақола	— критическая статья
адабий танқидчи	— литературный критик
адабиётшунос	— литературовед
либретто	— либретто
бадий таржима	— художественный перевод
маданий қурилиш институти	— институт культурного строительства
илмий текшириш институти	— научно — исследовательский институт
сиёсий иқтисод	— политическая экономия

Топшириқ:

1. Қуйидаги саволларга жавоб беринг.

- Ойбек адабиётга қачон ва ким сифатида кириб келди?
- Ойбек адабиётнинг қайси жанрларида ижод қилди?
- Ойбекнинг қайси поэмаларини биласиз?
- Ёзувчининг Алишер Навоий ҳақидаги қайси асарларини биласиз?
- Ойбекнинг "Қутлуғ қон" романи қачон босмадан чиққан?

е) Ойбек Улуф Ватан урушидан кейинги тинч қурилиш даврида қандай асарлар яратган?

2. Матндаги боғланган ва боғловчисиз боғланган қўшма гапларни топинг, уларнинг фарқини тушунтиринг.

БОҒЛАНГАН ВА БОҒЛОВЧИСИЗ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Боғланган қўшма гап таркибидаги компонентлар (сода гаплар) бир—бири билан бириктирувчи, зидловчи, айирувчи ва инкор муносабатларини ифодаловчи тенг боғловчилар, тенг боғловчили вазифасида келувчи —да, —у, (—ю) юкламалари воситасида боғланади: Анвар келди—ю, Эргаш келмади—да.

Боғланган қўшма гапларда бириктирув, зидлов, айирув ва инкор муносабатлари ифодаланган бўлади.

Бириктирувчи боғловчили боғланган қўшма гаплар: Ва, ҳам (ҳамда), боғловчилари боғловчи вазифасида келувчи —да, —у, (—ю) юкламалари қўшма гап қисмларини бириктириб боғлайди. Қўшма гап қисмларини боғлаган юкламалардан, кейин вергул қўйилади, юклама эса ўзи қўшилган сўздан дефис (—) билан ажратилади.

Зидлов боғловчили боғланган қўшма гапларда компонентлар мазмунан бир—бирига зид бўлади ёки воқеа ва ҳодисалар қийёсланади. Бундай боғланган қўшма гап қисмлари аммо, лекин, бироқ каби боғловчилар ва шу боғловчилар ўрнида қўлланиладиган —у (—ю), —да юкламалари орқали боғланади. Ёмғир тинди—ю, аммо шамол тўхта—мади. Зидловчи боғловчили боғланган қўшма гапларда зидловчи боғловчидан олдин доим вергул қўйилади. Масалан; Шамол турди—ю, ёмғир ёғмади.

Айирув боғловчили боғланган қўшма гаплар кетма—кет юзага келадиган ёки алмашилиб турадиган икки ва ундан ортиқ воқеа—ҳодиса, ҳаракатни ифодалайди.

Ҳоҳ, баъзан, дам, ё, хоҳ, бир каби боғловчилар қўшма гап қисмларини айириб боғлаш учун ишлатилади. Улар такрорланиб қўлланилади. Айирув боғловчилар ҳар бир қисм бошида такрорланиб қўлланади, такрорланган кейинги боғловчидан олдин вергул қўйилади. Масалан: Ё унинг товуши чиқмайди, ё одам йўқ.

Инкор боғловчили боғланган қўшма гаплар инкор боғловчиси инкор мазмунини ифодаловчи икки ва ундан ортиқ сода гапларни боғлаб келади. Бу боғловчи, айирувчи боғловчилар каби ҳар бир қисм бошида такрорланиб қўлланади. Такрорланган боғловчидан олдин вергул қўйилади. На машина боради, на арава.

(Сложносочиненными называются такие сложные предложения, предикативные части которых соединены в одно смысловое и структурное целое сочинительными союзами и некоторыми частицами. При помощи следующих союзов и частиц выражаются различные отношения между частями сложносочиненного предложения:

1. Ва, ҳам, ҳамда: Раиснинг гапи ҳаммани ҳайратда қолдирди ва ўтирганлардан ҳеч ким бир нарса деёлмади — Слова председателя

удивили всех, и никто из сидящих ничего не мог сказать.

2. Аммо, лекин, бироқ, балки, эса: Рашид ишга келди, бироқ Иззат келмади. — Рашид пришел на работу, но Иззат не пришел.

3. Ё, ёки, гоҳ, баъзан, дам, на: Эртага конференцияда ё Умарбеков гапиради, ё Мирсаидов гапиради, — На завтрашней конференции или Умарбеков, или Мирсаидов будет говорить.

102-машқ. Гапларни кўчиринг. Компонентларни бириктирувчи воситаларни аниқланг ва тагига чизинг.

1. Ганжа Буванинг уйдан тўғри аэропортга келди — да, Тошкент — га учди (Э.С.) 2. Аёл водопровод олдига келиб сувни тўхтатди ва яна уйга кириб кетди. (Ў.У.) 3. Эдигей унга қаради — ю, индамай чойни ичаверди. (Ч.А.) 4. Аёл ўз ишида давом этарди, бемор эса гўё ўзи билан ўзи сўзлашарди. (К.С.) 5. Уруш тутаган, аммо оғир, қийинчилик йиллари эди. (К.С.) 6. У алахсирар ва фақат бир гапни такрорларди (К.С.) 7. Козимнинг дадаси уни чақирди, лекин ит чиқмади. (Ў.У)

58-§. ЯХЁ ҒУЛОМОВ

Ўзбек халқидан етишиб чиққан биринчи археолог олим, Ўзбекистон ҳудудида бир қатор археологик тадқиқотлар қилиб, археология фани ривожига катта ҳисса қўшган фан арбоби Яхё Ғуломовдир.

Яхё Ғуломов 1908 йил II майда Тошкент шаҳрида туғилди. У дастлаб "Намуна" интернатида, сўнгра Тошкентдаги Ўзбекистон эрлар билим юртида таълим олди. 1926—30 йиллар Самарқанддаги Ўзбекистон педагогика академиясида таҳсил олди. Я.Ғуломов педагогик фаолиятини Тошкент педагогика техникумида бошлади. Ўз илмий фаолиятини ана шу даврда бошлаган Я.Ғуломов аввал Ўзбекистон қадимги давр санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитасида илмий ходим, илмий котиб бўлиб, кейин собиқ иттифоқ Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиали Тарих, Тил ва адабиёт институти археология бўлимида мудир бўлиб ишлади.

1943—59 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих ва археология институтининг қадимги ва ўрта асрлар тарихи сектори мудир, институт директори вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлади. Шу даврда "Хоразмнинг суғориш тарихи" мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1936—49 йиллар давомида Я.Ғуломов машҳур археолог С.П.Толстов билан Хоразм археология этнографик экспедициясида, шунингдек Тошкент, Фарғона археологик отрядларида илмий тадқиқотлар олиб борди. Шу тадқиқотлар натижасида монография ва қатор илмий мақолалар эълон қилди.

Яхё Ғуломов 4 томлик "Ўзбекистон тарихи", 2 томлик "Самарқанд тарихи" асарларини яратишда муаллифлар қаторида иштирок этди. Академик қирқ йиллик илмий фаолияти давомида кўплаб илмий экспедициялар ташкил қилди, уларда фаол қатнашди ва кўпчилигига раҳбарлик қилди. Унинг Зарафшон ва Фарғона водийларида,

шунингдек, Тошкент воҳасида олиб борган илмий тадқиқотлари Ўзбекистонда тош даврини ўрганишга катта ҳисса қўшди.

Олим кўплаб илмий кадрларни тарбиялади. Бир қанча илмий конференция ва кенгашларда қатнашган. Ўзбекистон қомуси бош таҳрир ҳайъати аъзоси бўлган.

Яхё Фуломов тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби каби илмий даража ва унвонларга сазовор бўлган. Шунингдек бир неча медаллар билан мукофотланган.

Яхё Фуломов 1977 йил 12 январда 69 ёшида вафот этди.

ЛУФАТ

сўнгра — затем
қадимги давр санъати ёдгорликларини муҳофаза қилиш
қўмитаси — комитет охраны исторических памятников
искусства древних времен
ўрта асрлар тарихи — история средневековья
вазифасини бажарувчи — исполняющий обязанности
воҳа — оазис
тош даври — каменный век
кенгашларда — на собраниях (совещаниях, заседаниях)
таҳрир ҳайъати — редакционная коллегия
илмий даража — научная степень

Топшириқ:

1. Матнни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Матндаги боғловчисиз қўшма гапларни тагига чизинг.

БОҒЛОВЧИСИЗ ҚЎШМА ГАП

Икки ва ундан ортиқ содда гапнинг боғловчисиз ёки боғловчи вазифасидаги грамматик воситаларсиз, фақат интонация ёрдамида бирикишидан таркиб топган қўшма гап боғловчисиз қўшма гап дейилади.

Масалан: Ўсма кетар, қош қолар.

Боғловчисиз қўшма гаплар ўз таркибидаги содда гапларнинг ўзаро мазмун муносабатига кўра икки гуруҳга бўлинади.

1. Боғланган қўшма гапларнинг боғловчисиз тури.
2. Эргашган қўшма гапларнинг боғловчисиз тури.

(Бессоюзными называются такие предложения, предикативные части которых соединены в одно смысловое и структурное целое с помощью интонации, без союзов и союзных слов.

В бессоюзных предложениях чаще всего используются четыре вида интонации: перечисления, сопоставления, обусловленности, пояснения. Каждый из указанных видов интонации передает определенный вид смысловых отношений между частями бессоюзного

предложения.

Например:

1. Уйлар таъмир — қилинди, янги мактаб қурилди. — Ремонтировали дома, построили новую школу. (Перечислительные отношения).

2. Жисмимиз йўқолур, ўчмас номимиз. — Мы умрем, но наши имена не исчезнут. (Сопоставительные отношения).

3. Интизомни яхшилайдик — меҳнат унумдорлиги ошади. Улучшим дисциплину — повысится производительность труда (обусловленные отношения).

4. Йигит юролмади: оёқлари чарчаб қолди. — Парень не смог ходить: сильно устали его ноги (пояснительные отношения).

103-машқ. Қуйидаги мақолларни кўчиринг ва маъносини тушунтиринг.

1. Сўзни тинглаганга айт, насиҳатни қулоқ осганга. 2. Темирни темир билан кесадилар, тошни тош билан майдалайдилар. 3. Ишлаганинг оғзи тегар, ишламаганинг боши тошга тегар. 4. Олтин ўтда билинар, одам — меҳнатда. 5. Яхшига ишора ҳам етади, ёмонга калтик ҳам ўтмайди. 6. Сахий бутун бир боғни ҳада қилар, баҳил бир бош узум бермас.

59-§. БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Ким Пен Хва

Ўзбекистон — бағри кенг диёр. Ўзбеклар қалби ва қўли очиқ эл, шунинг учун ҳам улар ҳурматга сазовор. Буни биз айтаётганимиз йўқ. Бу — шу юртда яшаётган ва бу ўлкага меҳмон бўлиб келган юзлаб миллат вакиллари қайта — қайта такрорлайдиган калом. Ўрта Чирчиқлик машҳур раис, икки марта Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва ҳам бу гапни кўп бора такрорларди. Негаки у ўз бахтини шу ерда топди, тақдирини шу эл билан боғлади ва келажагини шу халқнинг истиқболи билан уйғун кўрди.

Ризмат ота Мусамухамедов

Газетхонларга бу отахонни таништиришнинг ҳожати йўқ, негаки бора бора боғбон тушунчаларининг илқида туради унинг номи. Отахоннинг Қорақалпоғистонда, Қирғизистонда, Бухорода ва республикамизнинг бошқа вилоятларида яратган боғлари тафсилотлари ҳақида кўп эшитганмиз, кўп ўқиганмиз.

Ризмат отанинг машҳур боғбонлиги сирини ҳар ким ҳар хил изоҳлайди. Бизнингча, бу "сир" унинг одамохунлигида, тадбиркорлигида, серғайратлиги ва ишнинг "кўзини" билганлигида эди.

ЛУҒАТ

қалб — сердце
ўлка — край
юзааб — сотнями
миллат — национальность
кўп бора — много раз
бахт — счастье
топади — нашёл
тақдир — судьба
таништириш — познакомится

Топшириқ:

1. Матиларни ўқинг ва рус тилига таржима қилинг.
2. Эргашган қўшма гапларни топинг. Эргаш гапнинг бош гапга қандай восита ёрдамида боғланганлигини тушунтиринг.

ЭРГАШГАН ҚЎШМА ГАПЛАР

Эргашган қўшма гаплар тенг ҳуқуқли бўлмаган содда гаплардан ташкил топади. Масалан: Ёши эликдан ошган бўлса ҳам, у анча тетик кўринади.

Бу гапнинг биринчи қисми эргаш гап, иккинчи қисми эса бош гапдир. Аниқланаётган ёки тўлдирилаяётган гап бош гап, аниқлайдиган, изоҳлайдиган, тўлдирадиган гап эса эргаш гап саналади. У бош гапга доим мазмунан тобе бўлади.

Эргаш гап бош гапга эргаштирувчи боғловчилар орқали бирикади: —ки, —са, —ки чунки, негаки, нимагаки, шунинг учун, сабабли, башарти, гўё, токи, гарчи каби. Булардан ташқари шекилли, бўлмаса, борди—ю, мабодо каби сўзлар ҳам эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади.

Масалан; Агар башарти шундай қилмасанг, рози эмасман, ўғлим.

(Сложноподчиненными называются такие сложные предложения, предикативные части которых соединены в одно смысловое и структурное целое подчинительными союзами или относительными словами.)

В сложноподчиненном предложении одна часть синтаксически зависит от другой. Синтаксическая зависимая часть называется придаточным предложением (эргаш гап): часть подчиняющая себе придаточную, называется главным предложением (бош гап). Основными видами подчинительных отношений между предикативными частями сложноподчиненных предложений являются отношения изъяснительные, определительные, временные, пространственные, причинные, следственные, условные, уступительные и др.)

1. Эга эргаш гап. Придаточное предложение, служащее для уточнения или пояснения подлежащего главного предложения, выраженного некоторыми местоимениями, называется придаточным подлежащим. Оно связывается, с главным предложением при помощи союза *ки* или с помощью условной формы глагола. Например: *Ким ишласа, у тишлайди.* — Кто работает, тот ест.

2. Кесим эргаш гап. Придаточное предложение, служащее для пояснения или уточнения сказуемого главного предложения, выраженного местоимением, называется придаточным сказуемым. Придаточное сказуемое связывается с главным предложением при помощи союза *—ки* и стоит после главного.

Например: *Айтмоқчи бўлган гапим шуки, сен тез соғайшинг керак —* Я хотел сказать то, что ты должен быстро выздоравливать.

3. Тўлдирувчи эргаш гап. Придаточное предложение — дополнения служит для дополнения одного из членов главного предложения, которое нуждается в распространении, требует добавочных разъяснений. Без такого распространения главная часть кажется незавершенной по смыслу. Союз *—ки* или условная форма глагола служат для соединения главного предложения с придаточной частью. Например: *Уста нима буюрмасин, Шароф шуни бажаради.* — Шароф выполнял то, что требовал мастер.

4. Аниқловчи эргаш гап. Определительное придаточное предложение служит для определения признака одного из членов главного предложения. Союз *—ки* служит для синтаксической связи главного предложения с придаточным. Другой формой связи является форма глагола.

Например: *Ким спорт билан шугуланса, у ўзини соғлом ҳис этади.* — Кто занимается спортом, тот всегда чувствует себя здоровым.

5. Ҳол эргаш гаплар. обстоятельственные придаточные предложения служат для обозначения образа действия, места, времени, цели и причины условия, уступки и следствия, выражаемых в главном предложении.

В зависимости от содержания главного предложения обстоятельственные придаточные предложения делятся на несколько видов.

Например: *Эргашнинг хурсандлигини кўриб, ўртоқлари югуриб чиқишди,* — Увидев Эргаша веселым, друзья побежали навстречу (придаточное предложение образа действия). *Ўқитувчи келгач, биз иншо ёза бошладик* — Когда пришел преподаватель, мы начали писать сочинение (Придаточное предложение времени). *Агар ўртоқларим келса, мен кинога бора олмаيمان,* — Если придут друзья, то я не пойду в кино. (Придаточное условное предложение.)

104-машқ. Гапларнинг тузилишига кўра турини аниқланг. Қоидалардан фойдаланиб, эргаш гапнинг бош гапга боғланишини айтиб беринг.

1. Ҳамза 1901—1905 йилларда эски мактабни битирганда, отаси уни мадрасага ўқишга берди.

2. Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" драмаси 1918 йилда сахналаштирилган.
3. Ҳамза шоир, драматург, фаол жамоатчи эди.
4. Бу гап Сухсуровга ёқмади шекилли, у тескари қараб олди.
5. Ёши эллиқдан ошган бўлса ҳам, у анча тетик кўринади.
6. Тонг ёришмасдан, Ойниса далага отланди.

105-машқ. Ўқинг. Эргаш гапли кўшма гапларни кўчириб ёзинг, Эргаш гапларни бош гапга боғловчи воситаларни аниқланг.

1. Вокзалга бориб, поезднинг кетадиган вақтини аниқлади. (Э.С.)
2. Юргимга қайтиб келгач, бир йил ўтказиб, Россияга бордим. (К.С.)
3. Мана ўттиз йилдирки, Россияга ўша тутинган онам ёнига қатнайман. (К.С.)
4. Аёл кўздан йўқолгач, у ўчоқбоши томон юрди. (У.У.)
5. Замира китоб ўқиб ўтирганида, уйга Жамил кириб келди. (В.Б.)
6. Қаерда Фотима бўлса, ўша ерда суҳбат қизир эди. (П.Т.)
7. Осмонда юдузлар эндигина уйғонган ҳам эдики, кўчада чироқлар ёнди. (У.У.)

60-§. ДОНОЛАР КИТОБ ҲАҚИДА

"Одамлар китоб ўқишдан тўхташлари билан фикрлашдан ҳам тўхтайдилар", — деган эди Дени Дидро.

"Дунёда китобдан азиз дўст йўқдир", — деган эди улуғ бобомиз Алишер Навоий. Алишер Навоий дунёда китобдан азиз дўст йўқлигини айтган.

"Билим манбаи бўлган китобни севинг", — деган эди Максим Горький. Максим Горький билим манбаи бўлган китобни севишимизни айтган. "Китоблар қаршисида жамики нарсалар нурсиз бўлиб қолади" — деган эди Антон Чехов

ЛУҒАТ

- ўқимоқ — читать
 тўхтатмоқ — остановить
 азиз — милый
 билим манбаи — источник знания
 севмоқ — любить
 айтган — сказал

Топшириқ:

1. Доноларнинг китоб ҳақидаги ушбу фикрларини ёдланг.
2. Афоризмларни ифодали ўқинг. Кўчирма ва ўзлаштира гапларнинг фарқини айтинг. Кўчирма ва ўзлаштира гапларда тиниш белгиларининг ишлатилишини тушунтиринг.

КЎЧИРМА ВА ЎЗЛАШТИРМА ГАПЛАР

Ўзгаларнинг ҳеч ўзгаришсиз айнан берилган гапи кўчирма гап дейилади. Масалан: "Менга шафқат қилинг, азиз биродарлар", деди Раҳмат.

Кўчирма гап муаллиф гапи билан боғловчи вазифасидаги демоқ феълнинг деб (дея), деган шакллари орқали ва боғловчисиз муносабатга киришади.

Масалан: "Ёзган асаринг шуми?" — деди муҳаррир.

Кўчирма гап ёзувда қўштирноққа олиниб, биринчи сўз бош ҳарф билан ёзилади. Қуйидаги кўчирма ва муаллиф гапидаги тиниш белгиларига эътибор беринг.

1. "Азиза соғлиқ қалай?" — деб сўради Турғун. ("Кўчирма гап" муаллиф гапи)
2. Жамоа хўжалиги раиси деди: "Биз бу йил пахтадан мўл ҳосил йиғиштирамиз" (муаллиф гапи: "Кўчирма гап".)
3. "Меҳнатни сев, — такрорлайди онам, — меҳнат кишига бахт келтиради" муаллиф гапи: "Кўчирма гап", — муаллиф гапининг давоми)

(Чужая речь может передаваться как прямой, так и косвенной речью.)

Чужая речь, которая воспроизводится дословно, с сохранением содержания, всех особенностей формы высказывания, называется прямой речью. Например: "Мен бадий асарни севиб ўқийман", деди Дилдора. — «Я люблю читать художественное произведение», — сказала Дилдора.

Чужая речь, переданная от лица говорящего не дословно, а с сохранением лишь содержания высказывания, называется косвенной речью.

Сравните:

Прямая речь: "Менинг бобом ер ҳайдаган", — деб гурур билан жавоб берди Базаров. — "Мой дед землю пахал", — с гордостью отвечал Базаров.

Косвенная речь: Базаров гурур билан бобоси ер ҳайдаганлигини айтди. Базаров с гордостью отвечал, что его дед землю пахал. (И.Тургенев).

При замене прямой речи косвенной надо уметь правильно употреблять личные и указательные местоимения, а также лица глаголов с учетом того, что косвенная речь передает чужие слова от лица автора, а не от лица, которому принадлежит прямая речь. Вместо глаголов прямой речи (деб, деди) в косвенной речи употребляются глаголы айтди, гапирди, сўради и т.п.)

Тонини
~~106-мани~~ Қуйидаги кўчирма гапларни ўзлаштирма гапга айлантиринг.
1. Алишер Навоий: "Тилга эътиборсиз, элга эътиборсиз", деган эди. 2. "Инсон. — бу мағрур жаранглайди", — деб ёзган эди М.Горький. 3. "Мардона гаплашайлик", — деди Носир. 4. "Ефим тоғам ҳаммавақт байроқдор бўлганлар", — деди Пўлатжон. 5. Қаландаров бош силкиб: "Зулфиқоров яхши бригадир", — деди. 6. "Рус билан ўзбек қўлни қўлга берса, ҳар мушкул осон", — деди Саксон ота.

107-~~машқ.~~ Қуйидаги кўчирма гапларга автор гапини қўшиб, кўчирма гапли конструкциялар тузинг. Тиниш белгиларига эътибор беринг.
1. "Билим — олтиндан қиммат, қиличдан кескир, замбарақдан кучли" (грузин мақоли). 2. "Илм инсоният гавҳаридир", (А.Бедил) 3. "Оила фарзанддан бошланади" (А.И.Герцен). 4. "Ешлик шу нарса билан бахтиёрки, унинг келажаги бор." (В.Г.) 5. "Китоблар қаршисида жамики нарсалар нурсиз бўлиб қолади"(А.Ч.)

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

А.Қ. — Абдулла Қаҳҳор
З. — Зулфия
Н.Ё. — Неъмат Ёқубов
О. — Ойбек
О.Ё. — Одил Ёқубов
П.Қ. — Пиримқул Қодиров
С.А. — Саид Аҳмад
У. — Уйғун
Ў.У. — Ўлмас Умарбеков
Ў.Ҳ. — Ўткир Ҳошимов
К.С. — Қодиржон Собиров
Ғ.Ғ. — Ғафур Ғулом
Ҳ.Н. — Ҳақим Назир
Ҳ.О. — Ҳамид Олимжон

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
--------------------	---

ФОНЕТИКА

Товуш ва ҳарф муносабати.	6
Е,Ё,Ю,Я ҳарфларининг ишлатилиши ва имлоси	7
Ў,Қ,Ҳ,Ғ ҳарфларининг талаффузи.	9
Бўгин	11
Ўзбек тилида урғу.	14
Айриш ва юмшатиш белгиларининг вазифалари.	16

ЛЕКСИКА

Омонимлар, синонимлар, антонимлар.	18
--	----

МОРФОЛОГИЯ

Сўз таркиби.	20
Сўзларнинг тузилишига кўра турлари	22
Сўз бирикмаси ва уларнинг ҳосил бўлиш йўллари	24
От	27
Ўзбек тилида эгалик маъносининг ифодаланиши. Эгалик аффикслари	29
Ўзбек тилида бош, қаратқич ва тушум келишиклари	32
Қаратқич ва тушум келишиklarини белгисиз қўллаш ва бунинг услубий фарқи.	35
Жўналиш ва ўрин – пайт келишиклари.	37
Чиқиш келишиги	39
Сифат. Сифат даражалари	41
Сифатнинг ортгирма даражаси	43
Сон. Саноқ ва тартиб сонлар.	46
Вақт ҳисоби.	48
Олмош. Кишилик олмошлари	50
Ўзлик олмоши...	53
Кўрсатиш олмоши..	55
Сўроқ олмошлари.	57
Белгилаш олмошлари.	59
Бўлишсизлик ва гумон олмошлари.	62
Феъл. Қўшма ва жуфт феъллар..	65
Феълнинг бўлишли ва бўлишсиз формалари..	68
Ҳаракат номи формалари ва уларнинг турлари.	70
Феълнинг ўтган замон формалари.	73
Феълнинг ҳозирги замон формалари.	76
Феълнинг келаси замон формалари..	78
Сифатдош.	81
Рақишдош	86

Феъл майллари.	89
Феъл нисбатлари.	94
Равиш.	98
Кўмакчилар	101
Боғловчилар.	103
Юкламалар	106
Ундовлар	108
Тақлид сўзлар	110
Ўзбек тилида тиниш белгиларининг миқдори	12
Тиниш белгилари	115
Тиниш белгиларининг қўлланиши ва маъноси.. . . .	117

СИНТАКСИС

Гап. Гапнинг ифода мақсадига кўра турлари	120
Дарак гаплар	122
Сўроқ гаплар	123
Буйруқ гаплар.	125
Ундов гаплар	127
Гап бўлаклари.	129
Иккинчи даражали бўлаklar.	133
Ундалма	136
Кириш сўзлар, кириш, бирикмалар	138
Қўшма гаплар.	141
Боғланган ва боғловчиси боғланган қўшма гаплар.	143
Боғловчисиз қўшма гаплар.	145
Эргашган қўшма гаплар	147
Кўчирма ва ўзлашгирма гаплар.	149